

161



БИЗНИНГ ЙЎЛ


УЗДАВНАШР

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ

Б-42
11 ПСЛ
Б 67

БИЗНИНГ ЙЎЛ

ҲОЗИРГИ ЗАМОН
ПОЛЯК ЁЗУЧИЛАРИНИНГ
ҲИҚОЯЛАРИ



А. Теодоронский расплодри

07

БИЗНИНГ ЙЎЛ

Изда... № 15869

31.51

1968.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1965

кураш орқали озод ҳаёт барпо этиши мумкинлигига қаттиқ ишонарди. Лекин пролетариат сафларида бирлик йўқ эди, етарли даражада уюшган, кучли партия ҳам йўқ эди, шунинг учун Польшада халқ оммасининг кураши орзу қилинган мақсадга — эксплуататорлар ҳокимиятини ағдаришга олиб келмади.

1939 йилда фашистлар Германияси Польшага бостириб кирди. Хонн буржуа ҳукумати четэлга қочиб кетди. Польша тарихида энг даҳшатли давр — гитлерчилар оккупацияси даври бошланди. Фашист ваҳшийлари поляк ҳалқининг курашга бўлган иродасини синдиришга, полякларни қул қилишга, бўйсунмаганларни эса, қиришга киришдилар. Бу оғир йилларда халқ гитлерчи босқинчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Поляк партизанлари ҳарбий поездларни жарликка афдарар, ҳарбий омборларни портлатар, фашист жаллодларини қирадилар. Поляк партизан отрядларига кўпинча маҳаллий аҳоли ёрдами блан гитлерчилар лагерьларидан қочган совет кишилари бошчилик қиласиди.

Гитлерчилар Германияси Совет Иттилоқига хиёнаткорона ҳужум қилганидан сўнг поляк ҳалқининг қаҳрамонона кураши айниқса кучайди. Поляк ҳалқи ўзини фашизм асоратидан фақат Совет Армиясигина кутқараолишини тушунди. Поляк ишли ва деҳқонлари Совет Армиясига қўлларидан келганича ёрдам беришга ҳаракат қилдилар. Ишчилар фронт заказларини барбод қилдилар, деҳқонлар гитлерчиларга дон беришдан бош тортдилар.

Уруш йилларида юз минглаб поляк меҳнаткашлари Совет Иттилоқидан бошпана топдилар. Бизнинг ҳукуматимиз поляк ватанпарварларига совет тупроғида ўз ҳарбий қўшилмалари ни тузишга имконият берди. Биринчи дивизия поляк миллий қаҳрамони Тадеуш Костюшко номи блан аталди. Польша қўшилмалари Совет ҳукуматидан ажойиб қурол-яроғлар олдилар ва Совет Армияси блан елкама-елка туриб, умумий душман — немис фашистларига қарши жанг қилдилар. Биргаликда тўкилган қон поляк-совет дўстлигини абадий мустаҳкамлади.

1944 йилнинг ёзида Совет Армияси шаҳар ва қишлоқларни озод қилиб бориб, Польша тупроғига кирди. Озод қилин-

ган территорияда Польша миллий-озодлик Комитети тузилди, бу Комитет мамлакатни идора қилишни ўз қўлига олди. Комитет янги, мустақил, демократик Польша қуриш программасини белгилаб чиқди ва жуда муҳим реформалар тайёрлади. Мамлакат босқинчилар томонидан вайрон қилинган эди. Ишчи кучи етишмасди. Бунинг устига Лондондаги поляк эмигрант ҳукумати Польша марказининг совет қўшиллари томонидан озод қилинишини ҳоҳламай, Варшавада ис'ён қўтарди. Ис'ён ташкилотчилари фашистлар террори шароитида мағлубиятга учрашларини яхши билардилар. Ис'ён туфайли гитлерчилар Варшаванинг юз минглаб аҳолисини қириб ташладилар. Ажойиб шаҳар ҳаробазорга айлантирилди.

1945 йил 17 январьда Совет Армияси (СССРда тузилган биринчи поляк армияси қисмлари блан бирга) Варшавага кирди. Вайроналардан чиқсан ҳамда атрофдаги қишлоқлардан қайтиб келган шаҳар аҳолиси халоскор совет жангчilarини ва совет аёллари қўли блан тикилган поляк мундирлари кийган ўз ака-укалари ва эрларини севинч кўз ёшлари блан кутиб олдилар.

Варшава яна Польшанинг маркази бўлиб қолди. Халқ демократик ҳукумати ер ислоҳоти ўтказишга киришди. Поляк деҳқонининг муқаддас орзуси рўёбга чиқди — у ерга эга бўлди. Заводлар, фабрикалар, банклар, транспорт ва алоқа воқиталари халқ мулки бўлиб қолди. Поляк халқи Совет Иттифоқининг ёрдами блан мамлакатни ва, ҳаммадан олдин, ўз пойтахти — Варшавани тиклашга киришиди.

Мамлакат озод қилинган дастлабки кунлардан бошлабоқ Совет Иттифоқи поляк халқига беғараз ёрдам кўрсатиб келмоқда. Совет жангчилари шаҳар ва қишлоқларни миналардан тозалаш, транспорт ва алоқани тиклаш, Висла дар'ёсига кўприклар қуриш ишларига бошчилик қилдилар. Совет давлати қардош поляк халқига завод машиналари, шахта ускуналари, қишлоқ хўжалиги учун трактор ва комбайнлар етказиб бермоқда. Совет олимлари, инженерлари, новатор ишчилари, илгор колхозчилари поляк ишчи, колхозчи ва интеллигенциясини ўз иш методлари блан таништирмоқдалар, бой тажрибаларини ўртоқлашмоқдалар. Совет Иттифоқи блан

Польша халқ демократик республикаси ўртасидаги дүстлик кундан-кунга мустаҳкамланмоқда.

Польшанинг озод қилинганинга ўн йилдан ошди. Поляк халқи ўзининг халқ ҳукумати ва Польша Бирлашган Ишчилар Партияси раҳбарлиги остида шиги ҳаёт қурмоқда. Мамлакатни тиклаш учйиллик плани муваффақият блан бажарилди. Польша меҳнаткашлари олтийиллик планни бажариш учун курашмоқдалар. Халқ оммасининг фаровонлиги йилдан-йилга ошмоқда. Ишчи ва деҳқон болалари учун ҳамма ўқув юртларининг эшиги очилди.

Поляк халқи барча тинчликсевар халқлар блан бир қаторда тинчлик учун оғишмай курашмоқда. Поляк халқи тинчлик истайди. Тинчлик унга ўз мамлакатини тиклаш ишини охирига етказиш ва социализм қуриш учун керак. Поляк халқи Совет Иттифоқи бошчилик қилаётган тинчлик лагерининг бутун дун'ёда ғалаба қилишига қаттиқ ишонади.

* * *

Тўпламда босилган ҳикоялар совет болаларини Польшанинг ёш қаҳрамонлари блан таништиради. Поляк халқи гитлерчи босқинчиларга қарши кураш олиб борган уруш йилларида болалар ва ёшлар катталарга актив ёрдам бердилар. Улар Совет Армияси қисмларига, поляк жангчилари ва партизанларига ғоят катта хизмат кўрсатдилар.

Урушдан кейинги йилларда ёш поляк ватанпарварлари ўқишига, илм олишга киришдилар. Уларнинг эндиги энг муҳим вазифалари илмни эгаллаш бўлиб қолди. Бунинг учун Польша халқ демократик ҳукумати уларга барча шароитларни яратиб берди: ҳунар ва фабрика-завод билим юртлари, ишчи ёшлар мактаблари, олий ўқув юртларида ишчи факультетлари очилди. Поляк ёшлари ўқиши блан бир вақтда янги ҳаёт қуришда ўз ота-оналарига ёрдамлашмоқдалар. Биз бу ҳикоялардан поляк болаларининг қандай ўқиётганликлари ва ишлаётганликларини, мамлакат хўжалигини тиклашда қандай иштирок этаётганликларини, Польшада баҳтли ҳаёт қуриш ишига тўсқинлик қилишига уринаётган синфий душманларга қарши қандай курашаётганликларини билиб оламиз. Польша халқ ҳукумати ва унинг президенти Болеслав Берут болаларга тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Бу китобга етук ва ёш езучиларнинг асарлари киритилган.

«Дануся» номли ҳикоянинг автори Елена Богушевская урушдан илгариғи пайтлардаёқ поляк болалари ҳаётидан кўпгина асарлар ёзган эди. У ўз асарларида буржуа тузуми даврида поляк меҳнаткашлари ва уларнинг болалари қандай оғир аҳволда яшаганликларини тасвирлаган.

Дануся — кичкинагина қиз, унинг отаси блан акаси поляк партизанлари сафида жанг қиладилар. Дануся халқ қасосчиларига ёрдам беради: пирожка сотучи ниқоби остида бир жойдан иккинчи жойга юриб, гранаталар учун запал ташиёди. Оккупантлар қўлига тушиб қолган қиз қаҳрамонларча ҳалок бўлади.

Болалар ва ёшлар учун ёзилган кўпгина китобларнинг автори Елена Бобинская ҳам етук поляқ ёзучилари бўғинидандир. «Партизан ўғли» ҳикоясининг қаҳрамони Янек ҳам зийраклик, жасорат ва чидамлилик кўрсатиб, худди Дануся сингари партизанларга ёрдам беради.

Елена Броневскаянинг «Ошпазлар командаси» ҳикоясида биз Тадеуш Костюшко номидаги биринчи поляк дивизиясининг жангчилари — «костюшкочилар» блан танишамиз. Машҳур болалар ёзучиси Янина Броневская она тупроқни озод қилиш учун олиб борилган жангларда шахсан қатнашган. У жангчилар блан бирга дивизия тузилган Ока дар'ёси бўйидаги лагерьдан то Варшава, Одер ва Берлингача шонли жанговар йўлни босиб ўтди. У совет ва поляк жангчилари ўртасидаги дўстликнинг жангларда қандай мустаҳкамланиб борганини кўрди. «Варshawали Кристек», «Агата холанинг жиянлари» ва бошқа повестъларида Я. Броневская ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун мардларча курашган халқ қаҳрамонлари тўғрисида ҳикоя қиласи. Ҳозир ёзучи Польшанинг тинч ҳаёти ҳақида ёзмоқда. Унинг «Янги мактабда» ҳикоясида ҳозирги поляк мактабларининг ёш гражданларни ўз ватанига муҳаббат руҳида тарбиялаётгани тасвирланади.

Вероника Тропачинская-Огаркованинг иккита ҳикояси Польша ҳаётида юз берган туб ўзгаришларни яққол акс этдиради. Биринчи ҳикояда («Бошмоқ») воқиа мамлакатнинг вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларини тиклашга эндиғина

киришилган даврда бўлиб ўтади. У вақтда мактаб ва болалар боғчалари етишмасди, шунинг учун Михас сингари кўпгина болалар қулоқларга ёлланиб ишлар эдилар. Лекин кейинчалик мамлакатда жуда катта ўзгаришлар юз берди: Польша халқ ҳукумати ҳамма болаларга ўқиш учун имконият яратиб берди. Фашист жаллодлари қўлида қурбон бўлганларнинг ўғил-қизларига айниқса катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Отаси гитлерчилар томонидан осиб ўлдирилган Михас Болалар уйининг иссиқ қўйнидан бошпана топади. Иккинчи ҳикояда («Президент Берут ҳузурида зиёфат») беш юзта илғор ўқучи ва энг актив жамоатчи боланинг Варшавага, Польша президенти Болеслав Берут ҳузурига қилган сафари тасвирланади. Болалар ўз ҳаётлари, ишлари ва ўқишилари тўғрисида дадиллик блан оддийгина сўзлаб берадилар. «Халқ Польшаси ҳамма нарсадан ҳам меҳнатни улуғлайди» — президентнинг болаларга қарата айтган бу сўзларида поляк халқининг тинчликка бўлган интилиши ифода этилгандир.

Ёш ёзучилардан Веслав Роговскийнинг «Петрек», Богдан Остроменцкийнинг «Бизнинг йўл» ва Марта Михальскаянинг «Хеля тракторчи бўлади» ҳикоялари поляк болаларининг жамият учун фойдали ишларига бағишиланган.

Петрек — поляк ёшларини меҳнат ва мудофаага тайёрловчи «Польшага хизмат» ёшлар ташкилотининг а'зоси. Ана шу ташкилот ёрдами блан Петрек қулоқ амакисиникидан кетади ва ҳунар мактабини тамомлаб, шахтёр бўлади. Боланинг турмуш йўли аниқ — у бундан кейин ҳам ўқийди ва қулоқ амакисига ўхшаган, меҳнаткашларнинг душманларини раҳмсиз суратда фош қиласди ҳамда ўз ватанининг баҳт-саодати учун фидокорлик блан меҳнат қиласди.

«Бизнинг йўл» ҳикояси металлургия заводи ишчиларининг болалари ҳақидадир. Болалар Биринчи Май байрами шарафига завод биносига олиб борадиган йўлни тузатишда катталарга ёрдам беришга қарор қилишади. Директор болалар ташаббусини қўллаб-қувватлайди. «Меҳнат — иззат ва ҳурматга сазовордир» дейди у болаларга, президент Берутнинг сўзларини такрорлаб.

М. Михальская ўзининг «Хеля тракторчи бўлади» деган ҳикоясида поляк қишлоғидаги янги ҳаёт картинасини тасвир-

лайди. Ўз халқ ҳукуматидан ер олган поляк деҳқонлари совет колхозларидан ўрнак олиб, бирдан-бир тўри йўл бўлган бирлашиб ишлаш, ишлабчиқариш кооперативлари ташкил қилиш йўлига кирадилар. Трактор ва бошқа машиналар орқали юқори ҳосил та'минланади, натижада деҳқон ҳаётининг фаровонлиги ошади. Польшада бирлашган қишлоқ хўжаликлар сони кундан-кунга ўсиб бормоқда. Лекин биринчи ишлабчиқариш кооперативлари кўп қийинчиликларга учради, синфий душманлар турли-туман йўллар блан уларга тўсқинлик қилишга уриндилар: машиналарни ишдан чиқардилар, уй ва қурилишларга ўт қўйдилар, қорамолларни сўйдилар, кўп ҳолларда ҳатто активлар ҳаётига суиқасд қилишдан ҳам тоймадилар.

Ёзучи синфий душманларга қарши курашда поляк болаларининг катталарга қандай ёрдам берадиганликларини тасвирлади. Тракторчи ва ҳатто комбайнчи бўлишни орзу қилуви Хеля ўз орзусининг рўёбга чиқишига ишониши мумкин. Ҳозирнинг ўзидаёқ Польша далалари мингларча совет трактор ва комбайнлари ишламоқда. Польша олтийиллик план бажарилганидан сўнг, бундай мураккаб машиналарни ўз заводларида ишлаб чиқарарабошлайди. Уезд халқ советининг раиси мардлик кўрсатганликлари учун Хеля ва унинг дўстлагрига ташаккур билдирав экан, Польшанинг порлоқ истиқбол ўйидан бораётганини айтади.

* * *

Польша ёзучилари ўз мамлакатларининг порлоқ келажаги учун курашда актив қатнашмоқдалар. Уларнинг асарларида Польшанинг қаҳрамонона ўтмиш лавҳалари тасвирланган, меҳнаткаш халқ баҳт-саодати учун курашучилар, Польша ва бошқа халқ демократик мамлакатларнинг илғор кишилари образи тасвирланган. Уларнинг китоблари поляк халқини бутун дун'ёда тинчлик учун курашга чақирмоқда. Поляк шоир ва ёзучилари Польшанинг беғараз дўсти бўлган Совет Иттифоқи, унинг кишилари, коммунизмнинг буюк иншоотлари ҳақида меҳр-муҳаббат блан ҳикоя қиласидилар. Улар ўзла-

рининг алангали, самимий юрак сўзларини совет халқи ғала-
баларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси Коммунистик пар-
тияга бағишлийдилар.

Илғор совет адабиётидан ўрнак олаётган поляк адабиёти
ўз мамлакатида социализм қуриш ишининг кучли қуролига-
айланмоқда.

ЕЛЕНА БОГУШЕВСКАЯ

ДАНУСЯ

— Сизга менинг адресимни ким берди? — оҳиста, шошмасдан сўрарди пани Дзерлацкая, бурчакдаги бочкага энгашиб, кўвачамга тузланган карам солар экан. Унинг сўроғида диққатимни ўзига тортучи ғала-ти бир нарса бор эди.

Мен ивиган ва бироз совқотган ҳолда уйнинг ўртасида турибман, қўлимда сотиб олган нарсаларим тўла корзинка ва сетка бор, сеткадан бўлка ноннинг бир учи туртиб чиқиб турипти. Эсга туширишга ҳара-кат қиласман. Яськовскаянинг дўкончасидамиди? Ёки Войцешкевичнинг дўконидамиди? Ҳа, энди эсимга келди! Малиновскийлар дўконидан ун сотиб олаётга-нимда сўраган эдим...

— Улар сизда яхши карам бор дейишди, дўкон очмоқчи бўлиб, бир бочка тузлаган экансиз, лекин немислар шеригингизни қамаб қўйишипти.

Ёки Ягодзинскийдан эшитдимми экан?

Пани Дзерлацкая менга орқасини ўғирганича бироз индамай турди. Дераза олдида турган қизча ҳам тескари қараб жим туради. Мен бирор ножўя гап айтиб қўйгандек ўнғайсизланабошладим.

Нихоят, пани Дзерлацкая қаддини ростлаб, мен томон ўгирилди ва ҳарбир сўзини чуқур ўйлаб, улуғ-ворлик блан деди:

— Немислар шеригимни қамоққа олганлари йўқ. Унинг бироз тоби қочиб қолди.

Унинг ёлғон гапираётганини тушундим. «Ал-даб нима қиласи-я?» — деб ўйладим, норози бўлиб.

Баланд бўйли, ориққина бўлган бу хотин тузланган карам тўла кўвачани кўтариб олдимга келди, фақат шундагина, у блан ёнма-ён туриб, унинг рангсиз, хоргин юзига разм солиб қарадим. Мендаги фараз йўқолди. Сизга айтсан, пани Дзерлацкаянинг худди йиғидан қизарган сингари, чақнаб турган кўзлари ва қора киприклари менга жозибали кўринди. Бу кўзларнинг дераза олдидағи кичик стол ёнида индамай турган қизчага бир қараб қўйгани мени ҳайратга солди. Анча катта, аммо бу қоронғи хонада фақат дераза тагидаги шу кичкинагина стол, табуретка, стул, девор олдидағи кровать, бурчакдаги бочка, нимага кераклиги нома'лум бўлган анча буюм ва ба'зибир рўзғор лаш-лушлари бор эди.

Ёмғир гоҳ тиниб, гоҳ зўрайрди. Кетишнинг иложи йўқ.

— Кўриниб туриптики, бундай кичик шаҳарчада кишилар бир-бирларини жуда яхши билишади, фийбат ҳам қилишлари керак. Лекин биз ҳали бу ерда ҳечкимни танимаймиз-ку...— деди пани Дзерлацкая, муросасозлик блан.

Ёмғир оқиб тушаётган деразага қараб, гапни давом эттирдим. Ма'лум бўлдики, пани Дзерлацкая бор пулини мана шу карам блан очилмай қолган дўконча учун олинган тарозига сарф қилиб қўйган экан. У ҳам худди бизга ўхшаб, варшавали экан. Бу ерга яқинда келган, бу хонани зўр қийинчиликлар блан, яна тағин, жуда қимматга Ягодзинскийдан ижарага олган. Бу хона ҳозирнинг ўзида шунча совуқ, қишида қандай бўларкин!

— Сиз узоқда турасизми? — деб сўради у, бирдан менга қизиқиб қараб. Бунгача у фақат ўзи тўғрисида гапирган эди.

— Қишлоқда тураман, бу ердан бир соатлик йўл, — деб жавоб бердим-да, беихтиёр хўрсиниб қўй-

дим. Қандай етиб оламан? Ёмғир, лой; худди кеч кириб қолгандай, кун қоронғилашабошлади.

— Буг томондами? — бирдан жонланиб сўради пани Дзерлацкая.

— Буг томондами, дейсизми? Ҳа, аммо Буг биздан анча узоқда. Тўрт-беш километр, — секин жавоб бердим, ҳозир кетаверсаммикин ёки жаланинг тинишини кутсаммикин деб ўйлаб... Йўқ, ҳархолда кутганим яхши. Ёмғир яқин ўртада тинармикин?

— Озиқ-овқат учун қаердан, кимлар келишади?

Пани Дзерлацкая борган сари қизиқиб сўрарди. Безовталик блан гапга қулоқ солаётган қизча яқинроқ келди. Гап улар учун аҳамиятли нарса устида бораётганлиги сезилиб турарди. Мен уларга, бизга қўшни хотинлардан ба’зилари Бугнинг нариги томонига ўтиб туришади, дедим. Эркаклар ҳам ўтиб турадилар. Крупа, ун, ўсимлик мойи, ба’зан эса, сариёҳам олиб келадилар.

— Сиз у ёқда ҳеч бўлганмисиз? — Қизчанинг овози худди гўдакларникидек ингичка, лекин чақнаб турган кўзлари катталарники сингари жиддий, ўткир боқади, деса бўлади. — Сиз у ерда нималар борлигини, аҳвол қандайлигини биласизми?

— Мен ўзим у ёққа ўтдим, кўрдим. Лекин мён фақат ўз буюмларимни сотдим, холос. Шундай бўлса ҳам, ҳархолда кўрдимки...

Энди биз уччаламиз бурчаклари аллақачон қоронғилашиб қолган бу ярим бўш хонанинг ўртасида турардик.

Ёмғир секинлашиб, бутунлай тиниб қолаёзди. Қетсам бўлади. Қетиш зарур. Лекин менга тикилиб турган бу кўзларда Бугнинг нариги томонига қилинган «босқинлар» ҳақида гапириб беришга мажбур қиласидиган нимадир бор эди. Бу даҳшатли Буг ҳақидаги ҳикояга энди ўзим ҳам қизиқабошладим.

Ҳа, ҳа, Буг — кенг дар’ё, толлар орасида тошиб ётипти. У шундайгина Ополье қишлоғининг нар’ёрида. Ўйлар бирдан-бир қумлоқ йўлнинг ёқасида жойлаш-

ган, улар кўп эмас — бор-йўғи бирнечта, холос; уйларнинг орқа тарафи эса кенг дала, ундан у ёғи толзор, толзордан сал ўтилса, ҳадемай Буг келади. Чегарачиларнинг уёқ-буёққа юрганлари деразадан кўриниб туради. Уларнинг ичида битта жуда ҳам раҳмсиз золими бор, уни Вестфалең дейишади. Ўзи ҳам девангирдай одам, сапсариқ, доим ит олиб юради. Қўлимда озгинагина эски кийимлар бор эди, холос. Уни ҳам фақат Опольеда сотиб бўлувдим. Шундай бўлса ҳам мени ўрмон этаги блан яширинча боргин, деб огоҳлантиришди. Чинакамига савдо блан шуғулланучилар қандай қиласар экан, ахир улар қоп орқалаб ўтишлари керак-ку! Шу ерга келганда мен беихтиёр Дзерлацкаянинг ориқ елкаларига қарадим. Йўқ-а, бу елкалар оғир юкни кўтараолмаса керак.

— Бизникилар кўплаб қирилаяптими? — дея сабрсизланиб, ҳатто қат’ий суриштириди қизча, унинг кўзлари ҳам катталарники сингари жиддий боқар эди.

— Анави чегарачилар ўқидан кўп одам ўлаляптими?

Паст овоз блан худди шундай деб: «Кўп одам ўлаляптими?» деб сўради у.

Тўсатдан берилган бу сўроқдан саросимага тушиб, бирнафас ўйлаб қолдим. Пани Дзерлацкаянинг мени огоҳлантириб, бир нарсадан ўзини ҳимоя қилаётган кишидек қўли блан қандайдир имо-ишора қилаётганини кўриб турибман. Мен секин-аста жавоб бердим.

— Ўлишгаку, албатта, ўлаляпти-я. Лекин қанчаси ўлаётганини айтиолмайман. Мана, яқинда Цихоцкийни ўлдиришди. Ягусяқ ҳам ҳалок бўлди. Нимасини айтасиз? Очлик одамларни ҳар йўлга бошлайди. Пани Дзерлацкая, наҳотки сиз Бугнинг нариги томонига ўтмоқчи бўлсангиз?

Ёмғир бутунлай тинди, ташқаридаги лойқа кўлмак зангори тусга кирди. Бақт анча кеч бўлиб қолди, мен бўлсам кетиш ўрнига, бу ерда қаёқдаги бегона кишилар ишига аралашиб, она блан болага қараб ўтирибман. Тўғри, энди улар менга унча бегона эмас, ҳатто бирқадар ўзимниклардек бўлиб қолди.

— Бу қизим Бугнинг нариги тарафига ўтишга қўярмиди? — деди түфёнга келган пани Дзерлацкая деярлик қичқириб. — Буни бошқа болаларга ўхшаган дейсизми? Охирги латта-путталарни сотаяпмиз. Қандай тирикчилик қиласиз? Дануся худди арвоҳга ўхшайди. Ўзингиз кўриб турибсиз қай аҳволга тушганини. Менинг бўлса, ундан бўлак ҳечкимим йўқ. Ахир бу аҳволда у уруш тамом бўлгунгача етолмайдику. — Кейин тўсатдан тажанглиги тутиб бақирди: — У менинг бошимга чиқиб олмоқчи!

Стол ёнида турган қизча ҳам худди шунингдек ҳаяжон ва худди шундайин қизғинлик блан:

— Ойи, сени гитлерчилар ўлдиргундай бўлса бу латта-путта блан овқатнинг нима кераги бор, бунисини ўйлаб кўрдингми? — деб қичқириди.

Мана, улар бир-бирларига жаҳл блан қичқириб, қаршимда туришипти, бири катта, иккинчиси кичкина, худди икки томчи сув сингари бир-бирларига жуда ўхшаб кетадилар. Рангиз, юпқа, ғамгин лабларидан ҳамон аччиқ, дағал гаплар чиқади, ҳаддан зиёд чақнаб турган кўзлари эса, ғам-ғуссага тўла, қуиилиб келаётган ёшдан қизараияти.

— Умум иши учун ҳалок бўлса арзийди, лекин шу иргамчик овқат деб эмас!

Бу бола нима деяпти ўзи? Ёки менга `шундай эшитилдими?

Броқ шу пайт улар, хонада ёлғиз эмасликларини, ораларида аллақандай бегона одам борлигини сезиб қолгандек ўзларини тутиб олишди, нафаслари ичига тушиб, жимиб қолишли. Ростдан ҳам уларга бегона бўлганимдан кўнглим негадир бироз хижил бўлди... Шунинг учун, бу ернинг ўзидан ҳам бирорта иш топилиб қолар, деб гумон билдирам.

Пани Дзерлацкая ғамгинлик блан бош тебратди:

— Урнаб кўрдим, ўзимни у ёқقا урдим, бу ёқقا урдим, бўлмади. Ҳозир ҳечқанақа ишдан наф йўқ, фақат савдогарчилик қорин тўйғизади. Булардан ҳабари йўқ дейсизми мени?

— Биламан, биламан, — дейман мен ва ўзим ҳам
ғамгин бош чайқайман.

Пани Дзерлацкая эса, яна чеҳраси очилиб, хуш-
муомала бўлабошлиди; у менинг атрофимда парво-
на бўлиб, тузланган карам солинган кўвачамнинг оғ-
зини ёпиш учун бир парча латта излади. Мабодо
яна ёмғир ёғиб қолса, сеткадан сўррайиб чиқиб тур-
ган ноним ивиб қолмасин деб қоғоз қидиради.

Ахир мен бу ердан кетишим керак-ку!

Остонага етган жойимда:

— Сиз қизингизга... қизингиз сизга жудаям ўхшай-
ди-я!.. — дедим.

Улар шу заҳотиёқ ярашиб, қувонишиди ва иккала-
си ҳам бирхилда жилмайишиди, улар бир-бирларига
яна ҳам ўхшаб кетишиди. Кейин одат бўлиб қолган ҳа-
ракат блан худди опа-сингиллардек бир-бирларини
қучоқлашиди: қиз онасининг белидан, онаси бўлса,
унинг бўйнидан қучди.

— Ёруғ дун'ёда ишонганим битта шу. Шунинг
учун мен уни эрка қилиб юборганман. Қизим тушма-
гур шунаقا тантиқ...

«Тантиқ? Ҳарнарса бўлса бордир, аммо тантиқ
эмас», — деб ўйладим мен.

Лекин Дануся Дзерлацкая ростдан ҳам тўсатдан
эрка бола ролига кирди:

— Менинг ҳам ёруғ дун'ёда ишонганим битта шу.
Шундай бўлгандан сўнг мен унинг немислар қўлига
тушишига йўл қўярмидим?

Унинг болаларга хос ингичка овози ҳазиломиз,
деярлик қувноқ жаранглади.

Охири кетадиган бўлдим; улар қучоқлашиб, кета-
ётган меҳмон блан мулоим хайрлашиб қолдилар.

Улар хотирамда шундай сақланиб қолган эдилар.

* * *

Тўғрироғи, орадан бирмунча вақт ўтгандан сўнг
Ягодзинскийга қарашли ойнаси рангбаранг равонли

кичкина уйнинг ўша эшигини яна тақиллатар эканман, мен уларни шундай тасавур қилдим. Аслида бу ойналарни мен энди кўрдим: илгари уни қоплаб турган ёввойи токнинг қизил барглари энди тўкилган, деярлик яланғочланиб қолган, сертугун пояларнинг у ер-бу ерида майдагора ғужумлар осилиб турарди.

Ҳа, ундан бери ёз ўтиб, ҳақиқий куз келди. Утган уруш кунларида не-не воқиалар бўлиб ўтмади! Немисларнинг совуқ кўзлари каска остидан одамларга неча-неча марта ўқрайиб қарамади! Эсесчи тўдаларнинг оғир этик товушлари одамларни қандайин қўрқитди... қоронғи қишлоқ кулбаларида милтиқ шақиршуқурларининг тез-тез эшитилиб туришини айтмайсизми! Облава вақтида ушланган одамларнинг юзи қандай ма'юс бўлар эди!

* * *

Ташқи дун'ёдан ҳархил, ба'зан яхши, ба'зан ёмон хабарлар келарди. Ба'зан тез кунда уруш тамом бўладиганга ўхшарди, ба'зан эса у ҳечқачон тугамайдигандай кўринарди. Ана шу хабарларга қараб, бизнинг қишлоқдан шаҳаргача бўлган йўлимиз ё яхши танишдек ёки бутунлай бегонадек туюларди. Нурсиз кузги экинлар ҳам, осмоннинг равshan ложувард тусида кўзни қамаштирас даражада заррин товланадиган йўл ёқасидаги қайнилар ҳам, зовур тепасидаги тоғтеракларнинг титраб турган қизил барглари ҳам куз қуёши нурида турли хилда кўринарди.

Энди эрталаблафи ҳалқоб сувлар юзида муз ялтираб туради. Қизил, сариқ барглар ҳалқоб тагида нақш ҳосил қилган. Шаҳар атрофидаги далаларда карам туплари аллақачон битта қолдирмай йифиштириб олинган. Тузланган карамни қишлоқнинг кўпчилик дўконларидан топиш мумкин эди, лекин мен пулни мижоздан бегона қилмай, Ягодзинскийнинг уйига бориб чап томондаги иккинчи эшикни тақиллатдим. Тақиллатгандан сўнг эса бир минутча кутиб турдим ва бу

хонада туручиларни хотиримда қандай сақланган бўлса шундайича кўз олдимга келтирдим. Назаримда она-бала Дзерлацкаялар ўша пайтда қандай турган бўлсалар, ҳозир ҳам худди ўшандай турган бўлишлари керакдай эди.

Йўқ, улар шу туришда турмаган эканлар. Дануся менга эшик очди. У илгариgidан ҳам ориқлаб кетган, чехраси сўлғин, қовоғи солиқ. Лекин қиз мени дарров таниди ва очиқ юз блан болаларча жилмайди; уйдаги бор-йўқ битта стулни аввал олдига тутилган зангори этаги блан артиб, мени ўтиришга таклиф қилди. Онаси йўқ эди. Хотирамда улар бир-бирларидан сра ажралмасдай бўлиб сақланганликларидан бу ҳолат менга ғалати туюлди. Бу гал бурчакдаги бочка олдига қизча бориб, худди онаси қилгани сингари кўвачамга ёғоч қошиқ блан тузланган карам солабошлади, ўзи бочкадан сал тикроқ эди, холос. Худди онасига ўхшаб, менга ўгирилмасдан, bemalol гаплашарди. У дабдурустдан қишлоқдаги қўшниларимнинг турмушини, Бугнинг нариги томонига ўтишаётган-ўтишмайтганини сўради. Ёвуз соқчи Вестфалецини ҳам, ўғлини чегарачилар ўлдирган кекса Цихоцкаяни ҳам сўради. Ўша пайтда онасининг товушида бўлганидек, Данусянинг товушида ҳам мени жавоб беришга шошилтиrmайдиган бир оҳанг бор эди.

— Ўтиб туришипти... Йўқ, сўнгги пайтларда ҳечкимни ўлдиришмади, ҳарҳолда мен эшитганим йўқ. Наҳотки онажонинг... онанг, — Данусянинг шундай деб гапириши эсимга тушиб, гапимни тузатдим мен, — наҳотки онанг Бугнинг нариги томонига ўтаётган бўлса?

Дануся бироз индамай турди, кейин ҳақиқатан ҳам онаси «охири ўз айтганини қилганини» қисқа қилиб тушунтирди.

— Лекин сиз мени юпатишга уринманг, ҳақиқатини гапиринг,— деб қўшиб қўйди у қат’ий, худди катталардек.

Кейин шу заҳотиёқ мен томон ўгирилди, худди

биroz уялгандай, лекин энди қисқа қилиб мендан яна Бугнинг нариги томонидаги аҳвол тӯғрисида гапириб беришни сўради. Мен яна илгариги гапларимни такрорладим: кенг, ўнқир-чўнқир бўлиб кетган қумлоқ йўл, зинапояли кичик-кичик ёғоч уйлар, толлар... Чилқиб ётган далалар... толлар... тошиб ётган сувлар... толлар... Буг... чегарачилар...

Унинг диққат блан боқаётган, катта-катта очилган чақнаб туручи кўзларини, қаттиқ юмилган кичкинагина оғзини, олдига тутилган каттакон кўк этаги устида катталарникидай қовиштирилган қилтириқ қўлларини кўриб турибман. Кровать, бочка, столча ва табуреткадан бошқа ҳечнарса бўлмаган бу қоронғи хонада чегарачилар ва Бугнинг нариги томонидаги савдо ҳақида салмоқ блан ҳикоя қилаётган ўз овозими ни эшишиб турибман.

Менинг гапларимдан гўё чегарачилар ўзларининг соқчилик будкаларида бефаҳм ва бепарволарча, ҳечнарсани кўрмай, эшифтмай, фақат ўз ишлари блан банд бўлиб ўтиргандай бўлиб чиқарди. Худди ҳечким уларни писанд ҳам қилмайдигандай. Худди елкаларидан қоп кўтариб олган одамлар бепарво, бемалол нариги қирғоққа ўтиб келавераётгандай, уларни йўлда ҳечким тўхтатмайдигандай эди.

Кичкина Дзерлацкая тингларди... Унинг юзи ёришиб, жиддийлик ифодалари юмшаб, худди болаларникидай тус олаборади. Лекин бу узоққа чўзилмайди: мана, Дануся яна менга э'тибор бермай қўйди. У гоҳ паришонлик блан будильникка кўз ташлайди, гоҳ дебраздан боқади. Кейин бирдан ночор ма'юслик блан:

— Борди-ю, у олтигача келмаса нима бўлади? — деб сўрайди.

Ҳа, ҳали ишим шундай дегин, Дануся! Нима демоқчи эканингни тушундим. Бема'ни хавотирланишинг учун сени изза қилишим, ёш болани алдагандай сенга: «Агар соат олтида келмаса, олти яримда ёки еттида келади», дейишим керак.

Данусянинг кўнгли жойига тушади, қиз кўвачам-

нинг оғзига ёпиш учун хонада у ёқдан бу ёққа югуриб қоғоз қидиради, пулни санаб олади, ортиғига майда пул қайтаради.

Лекин бирдан у жиддий қиёфага кириб, яна хаёлга чўмади.

— Борди-ю... борди-ю, саккиз бўлиб, шунда ҳам ойим... ойим келмаса-чи? — деб сўрайди у секин, тутилиб-тутилиб.

Энди мен ҳам жиддий тус олабошладим.

— Менга қара, Дануся, сен олтида-чи, еттида-чи, саккизда-чи... деявермагин. Бу ақлга сиғмайдиган гап. Сен ўзингга ўзинг, онам бугун бутунлай келмаслиги мумкин, лекин бу унга бир нарса бўлган деган сўз эмас, дейишинг керак. Бизга қўшни бир хотини кўпинча эртасига, ба’зан эса индинига қайтади.

— Ростданми?

Бу сўзларни эшитар экан Дануся худди ҳаётбахш сув ичаётгандек бўларди. У менга қўзларини катта очган ҳолда, ёш болаларга ўхшаб оғзини яrim юмганча қараб турарди. Бир минут иккаламиз ҳам жим қолдик. Деразадан одамларнинг гаплашгани, кўчада ўтиб бораётган араваларнинг тақир-туқури эшитилиб турарди. Тугунчаларимни йиғишишибошладим.

— Кетасизми? — деб сўради Дануся, чўчиб. — Яна бирпас туринг! — дея сўрайди деярлик ялиниб қизча.

Мен яна стулга ўтирдим. Хона жимжит бўлиб қолди.

— Менга қара, Дануся, — деб гап бошладим. — Сен доим шунақамисан... онанг бирор ёққа кетганида доим шу аҳволми?

У дарров жавоб беражолмади. Биз бир-бири мизга қараганча қолдик. Мана, ёш жиҳатдан бир-бири мизни ажратиб турган фарқ йўқолади. Фақат бизга чуқур таниш бўлган, бир-бири мизни боғлаб турган кутиш машаққатигина қолади.

— Ҳардоим, — дейди у, — Бунинг устига яна... Сиз шундай ақллисиз, китоблар ёзасиз, тушунишингиз керак.

Мен ҳайрон қолдим.

— Менинг китоб ёзишимни қаёқдан биласан?

Дануся деярлик хурсандлик блан кулади:

— Мени ҳечнарса билмайди деб ўйлайсизми?

Ахир дадам биз блан бирга эканида, биз... — У бирдам жимиб қолади. — Сиз бу с尔да, қишлоқ жойда қўрқмасангиз ҳам бўлади, — дейди Дануся ўзича менга меҳрибонлик кўрсатиб, ҳомийлик қилгандай. — Онам иккимиз: бу ерда гестапо йўқ, фақат бефаҳм эсесчиларгина бор, деб кўп гапиришамиз. Уларга нон, картошка, чўчقا гўшти бўлса бас, китоб блан ишлари йўқ. Лекин сиз Варшавага мумкин қадар камроқ боришингиз керак, — дёб сўзини тамомлайди қизча, бу нарсаларни яхши биладиган одамларга ўхшаб.

Мен борган сари таажжубланиб, индамай турибман, у бўлса яна ўз ташвишини гапиради: Қош қорайгунча у одатда бинойидек хотиржам кутади, овқат ейди, йиғламайди, онасидан хавотир олмайди. Лекин борган сайнин ташвиши зўраяборади, чунки онаси худди қайтиб келмайдигандай туюлаборади.

Мен унинг фикрини бўлдим:

— Менга қара, Дануся, сенинг ёшинг нечада ўзи?

— Ўн бирда. Сиз еттида деб ўйлаганмидингиз? Ҳамма еттида деб ўйлайди. Лекин мен хафа бўлмайди, авлодимиз ҳаммаси шунақа, олдин кичкина бўламиз, сўнгра новча бўлиб ўсиб кетамиз. Онамнинг айтишича, ўзи ҳам, тоғам ҳам, акам ҳам ёшлигига шунақа кичкина бўлишган экан...

Тўсатдан Дануся жим бўлиб, чуқур хўрсиниб қўяди.

— Ҳа, шундай бўлади, — дейман мен, ишқилиб бирор нарса айтиш учун.

Аммо Дануся менга аҳамият бермайди: у қимирламай турар, юзи қаттиқ ташвишланаётганидан дарак берарди.

— Дануся!

Лекин у қўл силтаб, ташқарига қулоқ солади. Эн

ди мен ҳам эшитаяпман. Даҳлизда оёқ товуши эшитилади. Дануся чинқириб эшикка отилади. Дзэрлацкая остоңада елкасидаги қоп оғирлигидан энгашиб турипти. У ҳансираб нафас олиб, зўрға ўзини тутиб туради. Дзэрлацкая орқасидаги қопни суюб қўйиш учун стол ёнига бориб, унга орқаси блан ўгирилади.

— Тўхта! Қўйиб тур энди, бирпас!

У қандайдир тизимча, тасмаларни ечади ва қизини ўзидан нари итаради, чунки Дануся суюнганидан эсини йўқотиб, бақирап, чийиллар, унинг бўйнидан қулоқлаб бўғар эди. Мен, уларга ҳалал бермай, деб кетдим.

Дераза олдидан ўтаётуб, шодлик қийқириқларининг ўпкалаш блан алмашганини эшитдим:

— Нега бунча кеч қолиб кетдинг? Бориб нима қиласардинг?

Онаси эса, жаҳл блан:

— Ўзинг қолдириб кетган нарсаларимни едингми? Йўқми? Нега емадинг? Онангга қасдма-қасдликками? — дерди.

Жанжал борган сари шиддатли тус олиб, борган сари баландлашиб боради.

Остоңада баланд пошнали этик ва зангори кепка кийган Ягодзинский пайдо бўлади. У мени қўриб, ма'нодор бош чайқайди:

— Улар доим шунаقا, лекин бири-бирисиз яшай-олмайди.

Биз ҳалқоб сувларни айланиб ўтиб, бирга-бирга бозор томон кетабошладик.

— Карамни шулардан оласизми? — деб сўрайди Ягодзинский ва шу заҳотиёқ, ҳечнарсадан-ҳечнарса йўқ, бугун эрта блан гитлерчиларнинг торизли темир йўл станциясими ўраб олиб, қирқта эркакни тутиб кетганларини айтади. Яна, Варшавада тағин даҳшатли облавалар бўлаётганлиги, Войцешкевичдан карточкасиз макарон олиш мумкинлигини ҳам айтади.

Мен ундан бу торизли темир йўл станцияси ва облавалар тўғрисида сўрамоқчи эдим, лекин у бозор-

да турган от-аравалар орасида аллақачон кўздан йўқолди. Броқ мен ифлос кўчанинг бошқа бир ерида сут солинадиган бўш бидонлар кўтарган Будковани учратиб қолдим. У ҳам облава бўлаётганини айтди, ва яна, бу ерга шуцполициячиларний, нима бало деган қандайdir янги жандармерия келармиш деган гаплар бор, деди.

— Шуцполициячилар дейсизми? Улар бу ерда нима қиласмиш?

— Мен қаёқдан билай?

Будкова қандайdir бир аравани қуршаб олган одамлар орасига кириб кўздан йўқолди.

Ундан нари мен бир ўзим кетдим.

Шаҳар кўчаси бош томони ўткинчиларнинг оёғи остида эзилган, нарироғини эса арава излари ўйиб кетган ва ойнага ўхшаш муз қоплаган бирмунча қаттиқ йўлга қўшилиб кетарди.

«Улар бу ерда нима қилишарки?»

Йўл ёқасидаги қайниларнинг ингичка шохларидағи сув томчилари чиройли марварид доналарига айланади; қарағайлардан сезилар-сезилмас, лекин хушбўй ҳид анқиб туради... Йўқ, улар бу ерга келмайдилар! Қанчадан-қанча миш-миш гаплар тарқалдими!

Ана қўра, синган тахта девор, ундан сўнг йиртиқ сим тўрдан ясалган тўсиқ, бўш ётган ер, ундан сўнг эса, ўнг томонда, қайнилар орасида ёлғиз уй. Мени кутилмаганда бир бало бўлмаганмикин, деган ваҳима босади. Кейин яна тезда енгил тортаман: йўқ, ҳечнарса бўлган эмас. Ниҳоятда қизиб, қизариб кетган кичкина печка ҳам, картошка шўрванинг ёқимли ҳиди ҳам, шаҳардаги миш-мишлар ҳақида одатдаги суруштиришлар ҳам — ҳаммаси илгаригича.

— Ҳеч гап йўқ, — дедим мен, — фақат торизли темир йўл станциясида бугун қирқ кишини ушлаб кетишипти. Яна, бу ерга шуцполициячилар келармиш деган гап эшитдим. Варшавада облава бўлаётган эмиш.

— Ким айтди?

— Будкова.

— Ҳа, Будкова доим бирор гап тўқиб юради!.. Ка-
рам олиб келдингми? Байрамни ул-бул блан нишон-
ласак бўларди: сочельник¹да карам солиб пирог пи-
шириш керак.

Карам солиб? Бу сўз менга дарҳол бир-бирлари-
ни яхши кўручи, жанжаллашучи, бир-бирларига жу-
да ўхшаш она-бала Дзерлацкаяларни эслатади...

* * *

Трубалардан чиққан тутун хира қиши осмонига тик
кўтарилади. Қудуқлар атрофини муз босган. Йўл
ёқасидаги қор устига кўкимтирир қингир соялар тушади.
Ягодзинский уйининг террасасидаги чапдан иккинчи
эшикнинг темир дастаси совуқдан қўлни чиппа олади.

— Ҳозиргина Дануся блан сизни гапиришган-
дик! — деб кулади Дзерлацкая, плита олдида ту-
риб. — Биз байрамга карам олишга албатта келарсиз
деб ўйлаган эдик.

У кўзимга бирмунча ўзгаргандай кўринди. Вақти
чоғ, семириб қолганга ўхшайди. Хона ҳам қандайдир
иссиқ ва шинам бўлиб қолгандай.

— Пани Дзерлацкая, рўзгорни туппа-тузук йўлга
кўйиб олибсиз-ку. Бугнинг нариги томонида савдолар
қалай?

Дзерлацкаянинг юзи қоронғилашади. Фақат бироз
вақт ўтгандан сўнггина у сал хафа бўлгандай дейди:

— У мени Бугнинг нариги томонига боришга кўяр-
миди? Шу-шу айтганида туриб олди. Мени юборма-
ди-ю, ўзи кетди. — Қўли блан хонани ишора қилиб
кўрсатди: — У бундай қилди. Мени пирожка пиши-
ришга мажбур этди, ўзи эса бу пирожкаларни ториз-
ли темир йўл станциясига обориб сотаяпти. Ўнта кам
тўққизда кетиб, соат ўн иккidan кейин қайтади. Хўш,
сиз бунга нима дейсиз? — сўрайди у, олдин будиль-
никка, сўнг менга қараб.

¹ Православларда рождество ва крещение байрамларининг арафаси.

Мен нима десам экан? Нима деб жавоб беришимиň ўзим ҳам билмайман. Менга яхши таниш бўлган чақнаб туручи кўзлар савол назари блан қараб турарди, бу кўзлар Данусянинг бундай ўзбошимчалигини ёқлашимни кутаяптими ёки қоралашимними, буни мен билмасдим.

Билсам, пани Дзерлацкая мендан ҳечнарса кутмаётган экан. У хонада янги пайдо бўлиб қолган пастаккина табуреткага ўтириди-да, қизи Данусянинг ундан, онасидан жуда қаттиқ хавотирланиб, жонидан тўйгани ҳақида ҳаргалгидек тез ва қизишиб гапира-кетди. Уйга қайтаркан, онаси уни кутиш жабридан деярлик бутунлай ҳолдан тойган кўйи кўрар экан. Дануся тинмай: «Менинг бор-йўғим якка-ёлғизим сенсан. Фашистлар сени тутиб олишса нима бўлади? Яна тағин — жамият иши учун эмас, фақат бир бурда нон деб юрганингда», дея такрорлар экан.

Пани Дзерлацкая ўрнидан туради, яна соатга қарайди; кейин бироз тинчлангандай, Данусянинг тегирмончидан пул қарз олгани, онаси йўғида ҳаммасини тўғрилаб, ҳамма нарсани ўйлаб қўйгани ҳақида фахр блан ҳикоя қиласлошлиди...

— Мен сизга айтсам, худди катталарнинг ўзи-я, худди катта одамга ўхшайди. Иши ўнгидан келишини айтинг! Пирожкаларини шундай тез сотиб олишадики, қўяверасиз! Шундай келиб: «Қайноқ пирожка! Хонаки пирожка!» деб қичқирса бас, дарров одам йигилади. Варшавага борганингизда ўзингиз ҳам кўрарсиз. Лекин ҳозир байрам олдидан бормасангиз керак-а?

— Йўқ, байрам арафасида боролмайдиганга ўхшайман. Уйда у-бу ишларни қилиш, бирор нарса пишириш керак.

Пани Дзерлацкаянинг юзи яна қоронғилашади.

— Ҳа, тўғри, бирор нарса пишириш керак... Бу ярамасларнинг қамоқдагиларга етказиш-етказмаси нома'лум бўлса ҳам, турмадагиларга ул-бул олиб бориш керак.

У бирзум ўйлаб қолади, сўнг яна давом этади:

— Байрам кунлари қувғин қилинган йиртқичдай ўрмондами ёки бўлак ердами яшириниб юрганларга айниқса қийин. Уларга уйдан посылка юбориб бўлармиди? — дейди у ачиниб. — Дануся икковимиз уларни кўп эслаймиз, сўнг кечасилари Дануся шундай йиғлайди, шундай йиғлайдики... Ахир унинг дадаси ҳам, акаси ҳам, ҳозир эса, қайин эгачим ҳам Павиакда-да¹. Бизнинг бутун оиласиз революционер! — дейди у фурур блан.

Унинг севинч акс этиб турган юзлари энди бетартиб ёйилиб турган, у ер-бу ерига оқ оралаган қалин қора соchlари орасида анча гўзал кўринар эди. Бирпастда йифи келадиган, чақнаб туручи кўзларининг қизарган милки унинг ҳуснини сал бузиб турарди, холос. Мен унга тикилиб, тинглардим.

— Ҳалиги, касал бўлиб қолган деган шеригингиз қайин эгачингизмиди?

— Ҳа, ҳа. Яшириб нима қилдим? Ахир кўриб турбман-ку, сиз ҳам...

Биз узоқ жим қолдик. Дераза орқасидан одамлар ўтар, гаплашардилар; кўприкдан арава ўтгани ҳам эшитилиб туради. Ҳамма ерда байрам тараддуни.

— Илгарилари байрамларда... — хаёлга берилиб, эслайди пани Џерлацкая: — Зиёлилар балки унча қизиқмагандир, лекин одамшаванда пролетарнинг оиласида ҳамма нарса бўлиши шарт эди... Эрим ҳарф туручи бўлиб ишларди, топиши ёмон эмасди. Кўпинча ўйлаб кетаман, қизининг корзинка кўтариб вагон-ма-вагон югуриб юрганини, ўз билганини қилаётганини ва бунга менинг ўзим йўл қўйиб берганимни билса, у нима дерди экан? — дея мурожаат қилди у менга тўсатдан кўнгли бузилиб, ҳаяжонланиб.

— Нима ҳам дерди. Ҳурсанд бўларди.

— Шундай деб ўйлайсизми? — пани Џерлацкая яна будильникка қараб қўйди.

¹ Варшавадаги турма.

— Қизининг уддабурронлигидан, ўзича билиб иш тутаётганидан, онасини яхши кўришлигидан хурсанд бўларди.

Пани Дзерлацкаянинг чеҳраси ёришди:

— Яхши кўришлигини қўяверинг! Мендан хавотир олавериб худди жинни бўлиб қолай дейди.

— Энди ундан хавотирланиб сиз жинни бўлиб қолай деяпсиз-а? Тўғри эмасми?

Шундай дедим-у, броқ Дзерлацкаянинг юзидағи ўзгаришни кўриб, ўзим пушмон едим. Шу заҳотиёқ, Данусянинг онаси тўғрисида ташвишланишга, албатта, асоси бор эди, деб қўшиб қўйдим. Лекин Данусядан хавотир олишга унинг ҳечқандай асоси йўқ. Ахир гитлерчилар поездларда юрган бундай болаларга тегмайдилар-ку... Ҳа, ҳатто гитлерчилар...

Пани Дзерлацкаянинг юзи яна ёришиб кетди. Мен уни ўз хотирамда худди ана шундай сақлаб қолганман. Чунки мен уни яна қайтиб кўрмадим. Уни ҳам, Данусяни ҳам.

* * *

Бу орада мен ўша қиши кези торизли темир йўл поездидаги Варшавага бордим. Ҳатто бирнеча марта бордим. Бир куни конфет, начинкали карамель, ирис, папирос, юшмоқ булочка деб бараварига бақираётган болалар орасида Данусянинг овозини эшитиб қолган-дек бўлдим. Лекин бу унинг овози эмас экан.

Мен пончик тўла чомоданча кўтарган, ёши улғайиб қолган кишини кўп учратдим, пирожка кўтарган қораҷадан келган чиройлик қизни ҳам учратдим, броқ Дануся йўқ эди.

Икки букчайиб, алланималар тиқилган оғир қоп ёки сут солинган бидонларни орқалаб олган аёллар, кўринишидан ваҳимали, лекин пуфакдек енгил бидонларни туғиб олган аёллар юришарди. Варшава атрофида яшовчи, пошнаси баланд этик ва кўк фуражка кийган савдогарлар учради. Кўзойнакли, портфель

кўтарган, ҳолдан тойган зиёлиларни учратардим, Варшавага мол олиб келгани борган шу ерли боққолларни кўрадим, броқ Дануся кўринмас эди.

Торизли поезд вагони доим ғовур-ғувур бўларди: йўловчилар ўз ишлари, савдо, товарлар ҳақида гаплашар, ўзларининг сафарлари, бу ерда бирорни ўлдириб кетилгани, у ерда бирорни тутганлари, яна бир ерда кимнидир отиб ташлаганларини ҳикоя қиласидилар.

Вақти блан ҳамма мис каска тагидан ўқрайиб қаровчи ёвуз кўзлар қаршисида жимиб қоларди, броқ оғир немис этикларининг гурсиллаган товуши ўчиши бланоқ, ғовур-ғувур яна бошланарди. Ҳа, торизли поездда одатдаги овора-саргардонлик, ғала-ғовур тўла ҳаёт ҳукм сурарди, лекин буларда Дануся иштирок этмас эди.

«Балки у поездда бошқа пайтларда юрадигандир ёки шамоллаб қолиб уйда ўтиргандир. Бир уларниги кириб чиқиш керак эди», деб ўйлардим мен.

Айтадиган жойи йўқ: мен Дануся ҳақида жуда кам ўйлардим. Ўз ишларим, ғам-ташвишларим блан банд бўлган миямга у ҳақдаги фикр бирнеча марта-гина келиб ўтгандир, холос.

Лекин, бир кун Радзиминда поезддан тушмоқчи бўлиб турган эдим, одамлар орасида кўк фуражка тагидан бокучи содда-муғомбир кўзли, кўкиш-писто-қиранг мўйлабли Ягодзинскийни кўриб қолдим. Кейин у рўй-рост кўринди: эгнига куртка, оёғига пошинаси баланд этик кийиб олган, бир қўлида печка трубаси, иккинчи қўлида сариқ қоғоз ўрами ушлаган.

Дарвоза олдига келганда у одамлар ичида кўринмай кетай деди-ю, лекин кейин билетлар олиб қоли наётган эшик олдида яна пайдо бўлди. Биз кўчадан бирга кетдик. Мен ундан ижарачиларини, торизли поездларда пирожка сотиб юрган ўша кичкинагина Данусяни сўрадим.

— Бундан чиқди, сизнинг хабарингиз йўқ экан-

да? Уч ҳафта илгари уни Маркида бир гитлерчи ўлдирган.

Мен деворга суюниб қолдим.

— Ахир гитлерчилар поездда юрган болаларни ўлдиришмасди-ку...

У атрофга қараб олиб, шивирлаб гапирабошлади:

— Қулоқ солинг! Афтидан, улар бир боланинг кетидан пойлаб юрганлар ва у бола Данусянинг корзинкасига нимадир солганини кўриб қолганлар. Поезд Маркидан қўзғалиши блан жандарм қизга ёпишди. Лекин қиз ҳам ақллилик қилди. Нима ҳам деб бўларди. Қарасаки, ишнинг чатоги чиқадиган, у ёнидаги бор нарсаларни деразадан улоқтирди. Жандарм шу ернинг ўзидаёқ уни қўндоқ блан уриб ўлдириди. Броқ корзинкасидан пирожкадан бўлак ҳечнарса то-полмади. Биласизми у пирожжалар тагида нима олиб кетаётган экан?

Мен билмас эдим. Мен деворга суюнганимча турар, ўткинчиларни ва Ягодзинскийининг кўкиш мўйловини равшан кўтардим.

— Биласизми нима экан... — У яна атрофга қараб олди-да, юзимга қараб туриб дона-дона қилиб шивирлади: — Гранатанинг запали экан! Ўзингиз ўйлаб кўринг — гранатанинг запали-я! Эшитаяпсизми? Шу боланинг қўлидан шундай ишлар келса-я!

Мен жим турадим. У бўлса, бир минут индамай туриб, сўнг яна давом этди:

— Шунақанги ижарачилардан қутулганимга суюнаман. Уларнинг бутун оиласи шунаقا. Айтишларига қараганда, ўрмонда партизанлик қилган анави ёш йигит унинг акаси экан. Отасини эса, немислар қўлида қуроли блан ушлаб олганлар, у ўликми, тирикми нома лум.


Мен жим турадим. Онасини сўрашга жур'ат этолмасдим. Лекин у ўзи Дзерлацкая қизи ўлган кун эртасигаёқ ғойиб бўлганини айтди. Йиғиштирилиб, жўнаб қолипти.

— Кўрсангиз танийолмас эдингиз уни. Бутунлай

бошқа одам дейсиз. Сочлари оппоқ оқариб кетди. Лекин кўринишдан хотиржам эди, чурқ этиб оғиз очмади. Қаранг, улар ким экан!.. Хўб, мен буёқقا бурилишим керак, сиз тўғрига кетарсиз.

Шундагина мен анчагина йўл юриб қўйганимизни сездим. Биз Войцешкевичнинг дўкони ёнидан ўтиб борар эдик. Дўконнинг дириллаб турган эшигидан одамлар кириб-чиқиб турибди. Ягодзинский Войцешкевич олдида айланишиб қолди, лекин бироздан сўнг яна мени қувиб етди:

— Ҳозир улар ўтирган квартирада бошқа одам туради. Менинг қайнисинглим, болалари блан. Уникида ҳам яхши карам бор. Дзерлацкаяникидан ҳам яхшироқ. Керак бўлса келиб туринг...



ЕЛЕНА БОБИНСКАЯ

ПАРТИЗАН ҮФЛИ

Кун одатдагидан кўра бошқачароқ бошланди. Бобоси келганида ҳали қуёшнинг қизғиши нурлари дераза ойналарига тушмаган эди. Янек рангбаранг қуроқ кўрпани бошига тортиб, ўзини ухлаганга солди.

16 Лекин у кўрпа тагидан бир кўзи блан бобосига қараб турарди. Чол ҳар якшанбадагидек соқолини қирдида, байрам сюртугини кийди. Лекин у бугун худди бирдан яшариб кетгандай анча серҳаракат эди.

«Бир гап борга ўхшайди», — деб ўйлади Янек.

Бобоси онасини тузукроқ кийинишга ҳам қўймай, дарров ошхонага чақириб, эшикни ёпиб олганида унинг шубҳаси яна ҳам ортди. Сўнг Янек онасининг «Вой ўлмасам!» деб бақирганини, бобоси эса уни юпатишга тушганини эшилди.

«Бир гап бор».

Бирпасда Янекнинг уйқуси ўчиб кетди. Онаси кирганида у кийимларини кийиб бўлиб, аллақачон ўрнини йиғишитираётган эди.

— Нега шу вақтдан туриб олдинг? Ётатурсанг бўларди, — деди онаси.

— Эчкини ечиб юбориш керак, — деб минғирлади бола.

У онасининг қўзлари қизарганини дарров пайқади. Онаси худди йиғлаганга ўхшар, лекин хафа эмас

эди. Фақат жуда шошиларди, шунинг учун қўлидаги, нарсалар ерга тушиб кетаверар эди.

Аксига олиб, печка ҳадеганда ёнавермади. Охири Янек юраги тошиб:

— Ўзим ёқаман, — деди.

Бир минутдан сўнг пеккада олов чирсиллаб ёна бошлади.

Онаси сув келтириш учун пақирни олди, сўнгра пақирни қўйиб, хурмачага ёпишди:

— Дада, бирпас ўтириб туринг, мен эчкини соғиб келаман.

— Шошилишнинг кераги йўқ, ҳали вақт бор, — деди бобоси унга тасалли бериб.

Чол шундай деди-ю, лекин ўзи негадир безовталанди. Охири у трубкасини тутатиб, дераза ёнига бориб ўтирди.

Онаси югуриб кириб қўлидаги сутни пекка устига қўйди-да, унинг кроватида ётган опаси ВиктЯни уйғотабошлади.

— Ухлагани ҳам қўйишмайди! — деб минғирлади ВиктЯ. — Тонг отмай уйғотишади!

— Тур, ВиктЯ, тур! — деб жеркиб берди бобоси, ВиктЯ хоҳласа-хоҳламаса туришга мажбур бўлди.

Ун тўрт ёшли ўртанча Анкани эса, чол уйғотмасликка буюрди.

Сут пишди, онаси бобосига сут узатаётib стол устияга яна тўкиб юборди.

— Вой ўлмасам! — деди у хўрсишиб. — Тавба, бугун ўзи қизиқ бўляяпти.

У эчкига сув беришни унутди, шунинг учун Янек индамасдан идишга сув солди.

Ниҳоят, ВиктЯ ҳам онасига бирнима бўлганини тушунди. У узун соchlарини тарашдан тўхтади.

— Нима гап ўзи? — деб сўради у бобосидан.

— Бўлмағур саволларни берма! — деб гапни кесиб қўяқолди бобоси лўнда қилиб.

ВиктЯ яна қайтиб сўрамади, фақат қўрқинч тўла кўзлари блан онасини кузатарди.

Янек оғиз ҳам очмасди. У гап муҳим бир нарса устида бораётганини тушунарди. Балки дадаси ҳақи-дадир? Унинг юраги увишиб кетди. Янек дадасини тушида кўргандек эсларди. Немислар келишди-ю, дадаси ғойиб бўлди. Болалар суриштирсалар онаси: «Поляклар сафарбар қилишди» деб жавоб берарди. Янек у маҳалда саккиз яшар бола эди. Кейинчалик у дадасининг партизанликка кетганини англаб олди. Лекин уйдагиларнинг ҳечбири бу тўғрида гапирмасди. Бугун-чи? Бобоси каллаи-саҳарлаб қандай янгилик топиб келдийкин? Агар дадаси ўлган бўлганида онасининг юзи бундай порлаб турмасди. Ёки дадаси бу ерга, қишлоққа келдимикин? Сўрасамикин? Бобоси Виктяга ўхшаб уни ҳам уришиб берсинми?

«Ўзим билиб оламан»,— деб аҳд қилди бола. Лекин хафаликдан унинг юраги сиқиларди. Бобоси ёш бола деб унга ишонмайди. Ахир уни муҳим қоғозлар блан бирнеча марта ўрмонга, партизанлар олдига юборишмабмиди? У энди ўн иккига кирган бўлса нима қипти. Унинг мияси бор — немиснинг чангалига тушмайди. Бобоси бўлса, худди ёш боладан яширгандай, ундан ниманидир яшираяпти. «Барибир пойлаб бориб билиб оламан», деб ўзини юпатарди бола.

Онасининг байрамдагидек кийинаётганини ва Виктяни шошираётганини кўрган Янек ҳўнграб йиф-лаб юформаслик учун чопиб даҳлизга чиқиб кетди.

«Секин кетларидан бориб, қаёққа кетаётгандарини билиб оламан», деб аҳд қилди у кўз ёшларини ичига ютар экан.

Лекин бу осон эмас эди.

Улар учовлашиб уйдан чиқиб кетаётгандар, бобоси орқасига қайрилиб:

— Янек, уйдан бир қадам ҳам жилма. Игнац амакинг келса, айтгин, биз тўпга яқин келамиз. Тушундингми? — деди унга.

— Уйда Анка қолади-ку, — деб минғиллади бола хафа бўлиб.

— Мен Анкага эмас, сенга гапирайпман.

— Эчкига қараб тур. Анкани уйғот. Кartoшка артиб, уйни йиғишириб қўйсин, — деб қўшиб қўйди онаси ҳам.

Басъкани ечатуриб (эчки зўр бериб оғилхонадан ташқарига чиқишга уринар, уни ушлаб қолиш қийин эди), бола бироз йиғлаб олди, лекин буни ҳечким кўрмади. Сўнгра у Басъкани судраганича чопиб кўчага чиқди. Жуда бўлмаса қаёқ томонга кетаётганларини кўриб қолсин! Лекин улар ҳечқаерда кўринмас эди, афтидан, ёнбошдаги кўчага бурилишган бўлса керак.

Қишлоқ ҳали уйқуда. Икки қаватли уйларнинг дераза эшиклари ёпиқ. Кўча бўмбўш. Басъка зовур лабидаги ўтларни чимқилаб борган сари нари кетиб борарди. Янек эса уйдан узоқлашишга қўрқарди. Бола бобоси бирор марта урмаган бўлса ҳам, унинг сўзидан чиқмасликка одатланиб қолган. Трубкасини тутатиб туриб, оқарган қошларини чимирган ҳолда оғзини қийшайтириб: «Бе, сендан ҳечқачон солдат чиқмайди! Солдатга эмас, қиз болага ўхшайсан. Йўқ, сен отангга тортмадинг!» — деб қўярди бобоси.

Шундан кўра тутиб олиб ургани яхши эди.

Янек уй ёнидаги зовур ёқасида ўтириб кутабошлади.

Игнац амаки келганида офтоб ёйилиб қолган эди. У уйдагиларнинг шундай барвақт туриб қаёққа кетишганини суриштирабошлади ва бобосининг тонготарда келганини эшитиб жуда ҳайрон бўлди.

— Бобом сизни кутиб туратурсин деб кетдилар. Улар пешинда қайтишади, — деб тушунтирди Янек.

Игнац амакининг ҳам ҳечнарса билмаслиги уни бироз овунтирди.

Бобоси тўсатдан... ҳовли томондан келиб қолди. У уйнинг бошқа томонидан ўтиб келган бўлса керак.

— Совет бомбардимончи самолёти учайданга ўхшайди. Буёққа келиб қара-чи! — деб болага қўли блан ишора қилди у.

Янек эчкининг арқонини қўйиб юбориб бобоси-
нинг орқасидан чопди. У осмонга қараганча югуриб
борарди.

— Сизга шундай кўрингандир, бобо.

Бобо бирдан икки қаватли уй девори олдида тўх-
тади. Йўл ёқасида ўсган терак осмоннинг бир қисми-
ни тўсиб туарди.

— Тераклар орқасига ўтди, ҳозир кўринади, —
деди бобоси. — Ана, овози ҳам эшитилаяпти!

Тераклар орқасидан самолёт отилиб чиқди.

Янек уни кўрди дегунча ғазаб блан:

— Тфу — деб тупурди. — «Юнкерс»!..

— Буни қара-я, мен совет самолётими дебман, —
бош чайқади чол. — Ўзинг яхшироқ кўрдингми уни?

— Нима, менинг кўзим йўқми! — деди Янек ач-
чиғланиб.

У фақат шундагина уйнинг деразасидан қандай-
дир бир баланд бўйли киши қараётганини сезди.
Икки қўли блан дераза пардасини очиб қараб турип-
ти.

— Хўп, бўпти, энди тезроқ уйга бор, — деди чол
болани девордан нари итариб.

Янек бир-икки қайрилиб қаради. Деразада энди
ҳечким йўқ эди.

— Басъкани қидириб топ, — деб шошикарди уни
бобоси.

Лекин Янек Басъкани қидириб бормади. Арқонини
судраб эчкининг ўзи келиб қолди.

— Туш пайти бўлиб қолди, эчкини оғилхонага
киргизиш керак, — деди яна бобоси. Афтидан, у
Янекнинг бу девор олдида туришини истамасди.

«Бир гап бор бунда, — деб бош қотиради бола
оғилхонага эчкини боғлаётуб. — Самолётни кўрса-
тишини ҳам ўзи ўйлаб чиқарган?»

ВиктЯ блан онаси уйга хурсанд кириб келдилар.
Броқ юз-кўзларининг қизариб кетганлигидан йиғла-
ганиллари билиниб туарди. Онаси ҳечнарсадан-
ҳечнарса йўқ Янекни қучоқлаб ўпди. «Менга бунақа

өркалатишлар керак эмас!» дегандек, у онасидан ўзини четга тортди. Ҳудди кичкина бола фаҳмлаб, ундан ниманидир яширадилар. Янек ўзини ҳалиги деразадан қараган киши дадаси эканлигини билмаганга солишга аҳд қилди. Нега уни бирга олиб бормай, дадасига фақат деразадан кўрсатишди экан? Унга ишон-майдилар...

У ўзини тутиб туролмади, — шундай алам қиласидики! Янек худди сувга борадигандек пақирга ёпишиди. Юзига оқиб тушаётган ёшини мушти блан артиб, қудуққа қараб югурди.

Пақирни йўл устига қўйиб, оғир хўрсинди.

Янек уларсиз ҳам иш битказади. Ўрмонга бориб дадасини кўради. Фақат Игнац амаки яна муҳим қозозлар блан уни ўрмонга юборса бўлгани.

* * *

Сентябрь кирди. Ёмғирли ва совуқ кунлардан кейин яна ҳаво кўмкўк бўлиб очилди, олтинранг барг тўла кўлмаклар қуёш нурида ярқирайбошлади.

Янек ҳар куни Игнац амакини кутарди.

«Ҳозир жуда яхши вақт, — деб ўйларди бола. — Ёмғирдан сўнг қўзиқорин роса кўпайган. Қани энди, корзинкани олсанг-у, ўрмонга жўнаб қолсанг. Бирорта фашист ушлаб қолгудай бўлса, корзинкани кўрсатиб: «Кўзиқорин...» дейсан. Ундей демаса ҳам бўлади — шундай ҳам тушунади.»

Янек энди Игнац амаки келадими ёки бутунлай келмайдими деб шубҳаланиб юрган ҳам эдики, у кутилмаганда кириб келиб қолди. Бола ҳовлида ўчоққа шоҳ қирқмоқда эди.

— Ишингни йиғишиштириб, — деди Игнац амаки қисқа қилиб.

У ўтин қирқадиган тўнкага ўтириб, папирос ўрайбошлади.

— Иш бор, — деди у ва папирос тутунини ичига тортиб боланинг кўзларига, сўнг яланг оёқларига қарди. — Этигинг қани?

— Этигинг дейсизми? — ҳайрон бўлди бола, броқ дархол нима гаплигини тушунди. — Бирпасда кийиб чиқаман...

— Шошма... — деб тўхтатди уни Игнац амаки. — Уйда ҳечким борми?

— Ҳечким йўқ. Викта блан ойим картошка кавлашяяпти.

— Жуда соз. Юр, уйга кирамиз.

Игнац амаки «муҳим қофозни» этикнинг астари ичига солди ва устидан ҳечкимнинг ақлига ҳам келмайдиган қилиб елимлаб қўйди.

— Бу этикни кўз қорачиғингдай асра, тушундингми? — деди у.

Янек буни яхши тушунарди, албатта. Биринчи марта боришимиди? Унга фақат Игнац амакининг кечаси қишлоқда бобонгникида тунаб қолиб, ўрмонга эрталаб боргин дегани ёқмади.

— Ҳозир борсам бўлмайдими? Ҳали вақтлику... — деди бола қаршилик кўрсатишга уриниб.

— Тентак! — деди амаки Янекнинг гапини бўлиб. — Кечқурунлари ҳечким қўзиқорин тергани бормайди.

Амакиси ҳақли, бунга тан бериш керак.

Игнац амаки унинг чўнтағига икки бурда нон солиб қўйди:

— Қишлоқ анчагина йўл — қорнинг очиб қолади.

Янек корзинкани орқасига осганча чиқиб кетди, Игнац амаки бўлса, Янекни бобосиникига зарур иш блан юборганини онасига айтиб қўйиш учун уйда қолди.

Бобоси уйда йўқ экан. Бувиси олов ёқмоқда: ҳализамон бобоси келиб қолиши мумкин эди-да. Немислар тонг ёриши блан уни аравада ўтинга юборишган эди.

— Эсизгина! Мен ҳам бобом блан ўтинга борган бўлардим, уёғига қўзиқорин тергани ўрмонга кириб кетардим.

— Қўзиқорин ҳам қурсин, этигингни йиртганингга

арзимайди! — деб ғудирлади бувиси. — Эси борми уларнинг ўзи, каллаи-саҳарлаб ёш болани қўзиқоринга юбориб бўладими!

«Ёш бола, ёш бола!» — деди хафа бўлиб Янек. Бувиси уни доим ёш бола ҳисоблайди. Мўйлови чиққанда ҳам ёш бола деяверади...

Койиниб бўлгач, бувиси унга битта катта тоғара-чага карам шўрва яна биттасига картошка солиб берди. Бундай яхши овқатдан сўнг боланинг ухлагиси келди ва у курсида ўтирган еридаёқ қўлини ёстиқ қилиб ухлаб қолди.

Бир маҳал уйғонса уйнинг бурчагида кичкинагина жинчироқ тутаб ёнаяпти, бобоси эса, стол ёнида шўрва ичиб ўтирипти.

— Уйқу элитдими, дейман? — деб ғудирааб қўйди бобоси бепарволик блан. — Қўзиқорин жуда зарур бўлиб қолганга ўхшайди-а?

Янекка бобоси тегажоғлик қилаётгандай туюлди.

— Ойим сизга салом дедилар, Игнац амаки ҳам, — деди Янек тезлик блан курсидан туроётуб. — Ҳозир қўзиқориннинг авжи вақти, шунинг учун териш керак.

— Ҳм... авжи вақти дегин... Бунинг билармон бўлиб қолганини қаранг-а, «авжи вақти» эмиш!

Бобоси тоғорачани нари суриб қўйиб, чўнтагидан қадрдон трубкасини олди. Қайрилиб қараб, даҳлизга чиқиб кетаётган бувисига қўзи тушди.

— Сен менга ақл ўргатма! Ҳозир ҳечқанақа қўзиқориннинг вақти эмас, билдингми? Фашистлар ўрмонни кузатиб юришилти — бугун эрталаб ўзим кўриб келдим.

— Кузатса кузатаверсин! — деб тўнғиллаб қўйди бола. — Улар мени ҳечнарса қилмайди.

— Ботирлигини қара-я! — деб масхара қилди бобоси. — Ҳечнарса қилмас эмиш! Сен бошқаларни ҳам хавф остига қўйишинг мумкин! Тушундингми? — деди у бирдан жаҳли чиқиб.

Янек гаранг бўлиб жим турарди. Кўриниб туриптики, бобоси унинг қўзиқорин тергани келганига ишонмаяпти, бунинг устига худди кичкина болага бақиргандай унга бақирайпти. Яхшиси очифини айтиш керак.

— Жуда муҳим ма’лумот, дейишди... қандай қилиб бўлмасин... — деб гап бошлиди бола ҳаяжон блан:

У бобом яна бақирса керак деб ўйлаган эди. Йўқ, бобоси индамай трубкасини тутатиб ўтираверди.

— Фақат битта йўл бор, — деди чол минғиллаб, худди ўзига-ўзи гапираётгандек. — Оғир, лекин ишончли йўл — жарлик орқали ўтиб, ўрмонга уриб кетиш...

— Эски окоплар бор жойми! Биламан, биламан! — деди Янек.

— Аммо у қишлоқдан анча узоқ, ўрмоннинг нариги томонида...

— Тонготарда туриб йўлга тушсам етиб оламан...

— Секин! — деб қўл силтади бобоси. — Яхшилаб ўйлаб кўриш керак.

Бобоси оппоқ қошларини чимириб ва трубкасини тутатиб ўйлар экан, Янек ундан кўзларини узмас, ниҳоят бобосининг у блан худди катта одамдек гапиришаётганидан фахрланар, ўзини бахтли сезарди.

— Бундай қиласиз, — деди бобоси. — Эртага тонг ёриши блан мен аравада яна ўтинга жўнайман. сени жарликкача обориб қўяман, ундан ўёғига ўз ақлинг блан иш тутасан.

* * *

Қуёш ҳали чиқмаган. Йўл ёқасидаги ўтлоқдан қуюқ туман аста-секин кўтарилаарди: на ўрмон ва на жарлик кўринади.

— Ишинг ўнгидан келди, бола, — деди бобоси. — Бунақангি туманда худди қуёнга ўхшаб бекиниб кетасан. Фақат эҳтиёт бўл.

— Бобо, жарликка ҳали анча борми?

— Мана шу муюлишдан кейин жарлик, ундан на-

рироқда, ўрмон ёқасида немислар ўтин қабул қилиб оладилар. Қўрқма, улар сени кўролмайди... Энди тушиб қолақол, — деди чол шивирлаб, аравани тўхтатмасдан.

Янек секин аравадан тушиб қолди. У бирнафас зовурда яшириниб, атрофга кўз югуртирди. Йўлда ҳечким кўринмас эди. Яна бирнеча қадам юриб жарликка тушиб олди. Бу ерда туман шундай қуюқ эдики, сал нарироқдаги нарсани кўриб бўлмас эди. На'матакнинг тиканли бутаси дам камзулига ёпишар, дам юзини тириар эди.

«Ҳозир сўқмоқ йўл келади! — суюниб эслади бола. — Тўппа-тўғри ана шу сўқмоқдан линияга қараб юриш керак, линиядан яна сўқмоқ бошланади, ўёғида соқчи...»

«Воли районидаги Сухойдан... Юранданинг олдига шошилинч ма'lумот блан», деб такрорларди ичида Янек. У тезроқ сўқмоққа чиқиб олиш учун қалин буталарни ёриб ўтиб борарди.

Сойликдан чиқишига бирнеча қадам қолганда бирдан у таёқдек қотиб туриб қолди. Шундай яқингина ерда, худди ёнгинасида одамларнинг гаплашган овози ва шохларнинг қисирлагани эши билди.

У бобосининг «қўявер, ҳечнарса эмас, немислар ўрмон этагида ўтин қилишаяпти» деган гапларини эслади ва енгил нафас олди.

Лекин Янек бу хавфли жойдан тезроқ ўтиб олишни хоҳларди. У сакраб-сакраб тепаликдаги ўрмонга етиб олди. Шошганидан у бир қуруқ шохни босиб олди, шох оёқлари остида қаттиқ қарсиллаб кетди.

Шу заҳотиёқ бунга жавобан ўқ товуши эши билди, сўнг яна ва яна ўқ узилди.

«Билиб қолишиди, итваччалар!» деб ўйлади бола ва бутун кучи блан ўрмон ичига қараб чопди.

Яна ўқ товуши янгради.

Боланинг назарида оёғига бирнарса келиб теккандек бўлди. У сўқмоқдан чакалакзорга бурилди.

Фақат шундагина у тиззасидан пастроғи қаттиқ

оғриётганини сезди. Янек оёғининг ўёқ-буёғини қаради. Ўқ болдирини тешиб ўтилти. Балки шунчаки тирнаб ўтгандир?

Броқ қараб ўтиришга вақт йўқ эди: ўрмонга мумкин қадар тезроқ етиб олиши керак. Кейин фашистлар унга етолмайдилар. У ўрнидан турди ва секин олдинга қараб юрди. Оёғидаги оғриқ борган сари зўрайиб юргани қўймасди. Янек зўрға қадам ташлаб бораради.

— Ла'нати гитлерчилар, аплаҳлар!

Янек ғазабидан муштини қисди. Борган сари юриши оғирлашиб кетаяпти, энди шошилинч ма'лумотни қандай қилиб етказиб боради!

Янек судралиб сўқмоққа етиб борди-ю, ундан уёғига юролмай қолди. У ўтириб олиб йиғларди — Янек оғриқдан кўра кўпроқ ғазабидан йиғларди. Оёқ бўйсунмагандан кейин, қандай қилиб юради, қандай қилиб?

У этик қўнжининг ўқ тешган жойини пайпаслаб кўрди, пайтаваси ҳўл эди. Бармоқлари қон бўлди, шунда у Игнац амакиси «муҳим қофозни» худди шу этикка ёпиштирганини эслади.

«Қофоз қондан ивиб, ўқиб бўлмай қолса нима бўлади? Кейин ҳаммаси бефойда. Қофоз ивиб қолмасидан тезроқ юриш керак. Нима бўлса ҳам юриш керак! Броқ қандай қилиб? Ҳасса таяниб юриб боқсамикин?»

У чўкка тушиб, ёнғоқнинг битта шохини синдириб олди, лекин ҳасса ҳам унчалик ёрдам бермасди, чунки барибир шу ла'нати оёқни босишга тўғри келарди.

«Эмаклаб бораман», деб қарор қилди бола.

Кейин у сўқмоқдан эмаклаб кетабошлади. Ярадор оёғи бехосдан илдизга тегиб кетганида у оғриқданвой-войлаб қоларди.

Назарида, эмаклаб жуда кўп юргандай туюлар, лекин линия ҳамон кўринмас эди.

Тикан ва илдизлар қўлларини тирнаб, шилиб

юборди. Оёғи худди ғўлага ўхшаб, орқасидан судралиб келар ва борган сари қаттиқроқ оғирди.

У жуда ҳам ҳолдан кетганини сезди.

«Чарчаган бўлсам керак, — деб ўйлади бола. — Жиндай дам олиб, яна йўлга тушаман».

У эмаклаб сўқмоқдан четга чиқиб, қирққулоқлар орасига кирди-да, ярадор оёғини узатиб, юзини йўсинлар орасига тиқиб ётди.

«Бирпасгина дам оламан, холос».

Янек ўзига келиб, кўзини очганда қуёш нури қирққулоқларнинг кунгирадор барглари орасидан юзига тушиб турарди. Тепасида, баланд зангори осмонда қарағайларнинг учи тебранарди. Бола эс-хушини йиғиб олгунча орадан бирнече минут ўтди.

Ҳаво ҳам очилиб кетипти, у бўлса ҳали линияга етгани йўқ.

Янек илгари юришга ҳаракат қилиб кўрди, броқ оғриқдан инграб юборди. Яна бирпас ётди. Сўнг тишларини тишларига қўйиб, яна сўқмоққа эмаклаб чиқди.

«Қандай қилиб бўлса ҳам етиб бораман! Шу қилганларига албатта етиб бораман!» дерди Янек ўзига ўзи, бор кучи блан тиришиб. — Мени тутиб бўлишипти!»

Нихоят линия кўринди. Линиянинг нар'ёғида яна сўқмоқ бор, ундан кейин — соқчилар. Линияда қалин ўсган маймунжон ва малиналар, гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда сўррайиб турган тўнкалар орасидан эмаклаб боришига тўғри келди. Маймунжон тиканлари кафтига кирав, ярадор оёғи тўнкаларга тегиб кетар эди. Тиззаси бехосдан бир илдизга урилиб, бола ҳушидан кетди.

Янек шу аҳволда жуда узоқ ётган бўлса керак, чунки кўзларини очганида линияга соя тушиб қолганди, дараҳтларнинг шохлари орасидан эса ботаётган қипқизил қуёш хира нур сочиб турарди.

«Кеч бўлиб қолипти-ку!» — деди бола ҳайрон бўлиб.

У яна ташвишланабошлади.

Ахир у тунги парольни билмайди-ку. Агар кечгача лагерьга етиб олмаса, кейин ўёққа ўтказишмайди.

Кейин Янек ла'нати оёғимни бирор нарсага уриб олиб, яна хушимдан кетмай деб, жуда эҳтиёткорлик блан, қуюқ бутазор орасидан эмаклаб кетабошлади.

Мана, сўқмоққа ҳам чиқди.

Янек кўкрагини тўлдириб чуқур нафас олди, тер ва ёшдан нам бўлган юзини артди, йиғлаган ва фашистларга ла'натлар ўқиган ҳолда бор кучи блан яна эмаклаб кетди.

Янек олд томонида, сўқмоқда баланд бўйли кишининг гавдасини кўриб:

— Тўхта! Ким келаяпти? — деб қичқирган овозни эшитганида ўрмонга аллақачон зимзиё қоронфилик чўккан эди.

— Сухойдан... Воли районидан... муҳим ма'lумот блан! — деб қичқирди Янек, сўнгги кучларини тўплаб.

У тепасида энгашиб турган соқчининг юзини кўриб:

— Юранданинг олдига! — деди-ю, ҳушидан кетди

Янек оёғининг чидаб бўлмас даражада қаттиқ оғриганидан ҳушига келди. Оқ халат кийган бир киши пичноқ блан этигининг қўнжини қирқди ва эҳтиёт блан ярадор оёғидаги этикни ечиб олабошлади.

— Ийй! — деб ингради бола.

— Оғрияптими? — деб сўради оқ халатли киши.

— Секин! Қофоз ҳўл бўлади, қофоз! — деди бирдан Янек қофозни эслаб.

— Оббо, боласи тушмагур-еў! — деб ғудираб қўйди доктор мулойимлик блан.— Бошқа бола бўлганда оёғини ўйларди, бу бўлса қофоз дейди-я. Қалай, қойилмисизлар?

— Қофоз Юрандага! — дерди бола ҳаяжонланиб.

Шунда у бундай қараса ўрмонда эмас, чайладаги ёғоч кроватьда ётипти. У боши кимнингдир тиззасида турганини сезди. Кимнингдир жуда таниш, қадрдон

чекраси унга томон эгилар, анчадан бери у эшиитмай юрган, севимли овоз блан:

— Янек, хотиржам бўл, қоғоз Юрандага етказилиди, — дерди.

— Дада! — деб жилмайди бола.

Назарида бунинг ҳаммаси тушдек, у ҳозир уйғониб кетадигандек туяларди. Лекин бу туш эмас эди. Отасининг меҳрибон қўллари уни қаттиқ қучоқлади ва ўша қадрдон овоз:

— Баракалла, азаматим! Сен блан фахрланаман!
— деди.

Шунда Янек отасининг қўлига юзларини қўйиб, секингина:

— Дада, оёғимни кесишмайдими? — деб сўради.

Доктор бу гапни эшитиб қолган бўлса керак. У Янекка қаради-да, кулиб:

— Бахтли экансан, ўғилча! Ўқ теридан ўтиб, тўхтаб қолипти. Бир-икки ҳафтадан кейин шу оёғингда яна сакраб-сакраб юраверасан, — деди.



ЯНИНА БРОНЕВСКАЯ

ОШПАЗЛАР ҚОМАНДАСИ

Уни ҳарбий қисмга олиб келгандарыда узун қулоқларини чимириб, атрофга олазарак бўлиб қарапди.

— Бу от эмас, бир бало, — деди хўрсиниб мўйловдор аравакаш. — Бу блан қандай қилиб урушга бориб бўлади?

— Ўрганиб кетади! Оёқлари бақувват,— деб аравакашни юпатарди ошпаз, отни биринчи марта кўчма ошхона аравасига қўшаётганларида. — Қани!.. Тисс!..

От чап кўзи блан аравакашга қараб, қулоқларини силкитди, лекин ҳарқалай шоти орасига кириб, итоаткорлик блан орқага тисланди.

Бирнеча кундан кейин от аравакашга ҳам, ошпазга ҳам жуда ўрганиб қолди. У энди тутун чиқиб турган трубадан ҳам, катта қозондаги солдат шўрвасининг билқиллашидан ҳам ҳуркимасди.

Ниҳоят, бутун қисм йўлга тушадиган кун келди. Олдинда оғир тўплар бораради. Сўнг шовқин-сурон блан пўлат гусеницали танклар қўзғолдилар. Улар кетидан қўшиқ айтиб пиёда аскарлар йўлга тушдилар. Кўчма ошхона ва ўқ-дори ортилган аравалар бир қисмни иккинчисидан ажратиб турарди. Сўнг яна пиёда аскарлар. Яна танклар, катта ва кичик тўплар. Улар фронтга кетаётган ҳамма қисмлар сингари ке-

тиб борардилар. Қўшин эса, кўк конфедератка¹ ва темир шлем кийган.

Ҳарқайси шлемда оқ бургутнинг расми бор эди. Ҳарбир конфедераткада ҳам худди шундай бургут бор, лекин бу бургутлар кумушсимон оқ тунукадан қирқиб ясалган. Бу Совет Йттифоқидан, Вислага жуда ўхшаш катта Ока дар'ёси бўйидаги ҳарбий лагерьдан Польшага кетаётган поляк қўшинлари эканлигини энди, албатта, ўзингиз ҳам пайқаб олдингиз. Лекин Ока дар'ёси олис Шарқда, бизнинг Висладан жуда узоқда. Агар Ока блан Висла ўртасидаги ма-софани ҳисобласангиз, минг километрдан ҳам ошиб кетади.

— Йўлимиз жуда олис! — деди аравакаш тизгинни тортаётib.

— Лекин у тўппа-тўғри уйимизга олиб боради! Польшанинг худди ўзига! — деди семиз ошпаз аравага чиқар инқиллаб.

Кейин улар танклар, тўплар ва шундай ажойиб қўшиқлар айтиб кетаётган пиёда аскарлар кетидан йўлга тушдилар. Қўчма ошхона доим ҳарбий қисмнинг орқасида юради. Нега дейсизми? Солдатни жангда ва узоқ сафарда овқатлантириш учун. Танк ичида кетаётганларни ҳам, тўпларни судраб кетаётганларни ҳам овқатлантириш учун.

Улар узоқ, жуда узоқ юришди. Бепоён мамлакатдан—бепоён далалардан, бепоён ўрмонлардан: урушда вайрон бўлган қишлоқлардан ўтиб бордилар. Улар бу вақт ичидан қанчадан-қанча шўрва пиширдилар. Урушда нималар бўлмайди дейсиз. Шунга ўхшаб, бу шўрвалар гоҳ қуюқ, гоҳ суюқ бўларди. Агар солдатлар йўлда эмас, окопларда бўлсалар, кечасилари овқатни шундай окоп ёнига келтириб берардилар. Бундай пайтларда уларнинг атрофида ўқлар визиллаб учар, от эса қулоқларини чимиарди.

¹ Конфедератка — поляк ҳарбий хизматчилари киядиган тепаси тўрт бурчак фуражка.

Улар ҳамон кетиб боришарди. Кузги лойгарчилик ўтди. Кейин қор бўронлари. Сўнг асрий ўрмонлардаги гўзал баҳор. Улар қанчадан-қанча йўл босдилар ва қанчадан-қанча жанг қилдилар. Борган сари Польшага яқинлашиб бордилар.

Ниҳоят, 1944 йилнинг жазирама ёзи ҳам етиб келди.

Кўчанинг икки бети бўйлаб чўзилган қишлоқда ҳечким йўқ. Уйларнинг томлари босиб қолган. Ҳовлилар бўмбўш. Деворлар ёнида шошқалоқлаб қолиб, ташлаб кетилган ўрин-кўрпа ётарди. Июль қуёши чираб бўлмас даражада қиздиради. Фақат кунгабоқарлар синган четан деворлар орқасидан бош чиқариб туради.

Қараса арзигудек нарса бормиди! Ҳа, бор эди...

Йўлдан совет ва поляк қўшинлари ўтиб борарди. Гусеницалари шақирлаб кетаётган танклар ва моторлари пишқираётган юк машиналари устида ба'зилири қизил юлдузли фуражка, ба'зилари эса, конфедератка кийиб олган солдатлар ўтирадилар. Вазмин шарақлаб бораётган тўпларнинг оғзи шохлар блан пана қилинган. Стволлари лиқиллайдиган кичик тўплар. Ўқ-дори ва тепасигача уйиб юк ортилган аравалар. Тўзон блан қопланган пиёда аскарлар. Сўнг яна тўплар. Яна аравалар ва пиёда аскарлар. Соатлаб, километрлаб ҳамон кетиб борадилар. Ҳарбир қисм кетида кўчма ошхона. Сўнг озгина узилиш. Кейин яна танклар, тўплар, пиёда аскарлар...

Йўлдан кўтарилиган чанг аста-секин қайтиб қўнарди. Буг дар'ёси яқин қолган. Улар Польшага кириш олдидаги сўнгги жангда ана шу дар'ёни кечиб ўтишлари керак. Кетиб бораётган ҳарбий қисмнинг энг охирида тарақа-туруқ қилиб бир арава борарди.

— Чу! Чу! Овқат тагига олиб кетади! — деб бақиради аравакаш.

Ошпаз мудрарди. Қозонда бақир-буқур қилиб шўрва қайнарди, трубадан эса, кўк тутун буралиб чиқарди.

Бароқ от қулоқларини чимирди ва чанг йўлдан илгаригидек ҳавсаласизлик блан битта-битта қадам ташлаб кетаверди.

— Дррр!.. Тўхта... — деб бақирди бирдан аравакаш ва конфедераткасини чап қулоғига суриб, йўл четида ғовлаб ётган ўтлар орасига тикилиб қараб қолди.

— Нима гап? — ажабланиб сўради бирдан уйғонгандан ошпаз. Кўзларини ишқалаб, у ҳам зовурнинг нариги бетида ўсган қариқиз ўтларига тикилди. — Тушимми — бу, ўнгимми? — деб ғудирлаб қўйди у ҳайрон бўлиб.

Қариқиз ўтининг чанг босган катта-катта барглари орасида нимадир қимирлади. Аравскаш тезлик блан бўйнига осган автоматини унга тўғрилади.

— Фашистми? — деб шивирлади ошпаз ва у ҳам автоматига ёпишди. — Армиянинг ўтиб бўлишини кутиб турган, энди эса бизга ёпишмоқчи! Буни қара-я! Шошмай тур, бир додингни бериб қўяйлик!

Бирдан қариқизнинг барглари икки ёқقا очилиб, соchlари тўзғиб кетган бир калла кўринди ва:

— Бу мен! Отманглар, амакижонлар! — деб бақирган ингичка овоз эши билди.

— Миттивой! Азамат! Қани буёқقا кел-чи! — деди аравакаш ҳайратланиб ва секин билинтирмай автоматини яна жойига суриб қўйди. — Қандай қилиб бу ерга келиб қолдинг?

— Шўрлик! Кимнинг боласисан? — деб сўради ошпаз раҳми келиб ва у ҳам автоматини сездирмай орқасига суриб қўйди.

— Ҳечкимнинг! — деди бола, тўртоёқлаб турар экан.

У ўрнидан туриб уст-бошини қоқди, белидаги камар хизматини ўтовчи арқонни тортиб боғлади ва бир сакраб орани ажратиб турган зовурдан ўтди.

Энди у тутуни бурқсиётган ғилдираклик ошхона

ёнида соchlари ҳурпайиб кетган бошини орқага ташлаб аравада ўтирганларга қараганча турап ва ҳикоя қиларди:

— Кечак немислар бизникиларни ҳайдаб олиб кетишди. Кечак. Бугнинг нариги томонига. Мен Крученкунинг будкасига бекиниб қолдим. Крученки бўлса отиб ташлаши. Мени билишмади. Сизларни жуда кутгим келди. Вой-бўй, мунчаям кўпсизлар! Каттакатта машиналар роса ўтди-да... Улардан кейин тўплар. Иннайкин тўрттадан бўлиб солдатлар ўтишди. Мен йўлга чиқишга қўрқдим. Менинг отим Янек. Отамни немислар олиб кетишган. Икки йил бўлди. Ойим, бувим ва майдада болаларни бутун қишлоқ блан қўшиб ҳув анави ёқقا ҳайдаб кетишди.

У қўли блан артиллерия гумбирлаши эшитилаётган ғарб тарафни кўрсатди.

— Буниси ташвиш бўлди-ку! — деди ошпаз кўнгли ғаш бўлиб. — Бир ўзингни бу ерга ташлаб кетиб бўладими?

— Айтиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Шундақ болани ҳечким йўқ қишлоққа ёлғиз ташлаб кетамиزمис?! — деди жаҳли чиқиб аравакаш ва мўйловини қимирлатиб қўйди.

— Мен ҳам шуни айтаман-да. Броқ ёш болани урушда олиб юриш қандай бўларкин? — деди ошпаз енги блан иягидаги терни артар экан, куюниб. — Артиллериянинг отишини эшитмаяпсанми? Бу гўдак блан уруш бўлаётган ерга қандай борамиз? Кўчма ошхона болалар боғчаси эмас...

— Гапларинг тўғрику-я... Эҳ... нима ҳам демоқчи эдим... Йўқ, жуда ҳам тўғри эмас, — деди аравакаш паришонлик блан инқиллаб. — Биз ошхона блан атакага бормаймиз... — У болага энгашди, уни кўтариб олиб ўзи блан ошпаз ўртасига ўтқазиб қўйди. — Қани, кетдикми-кетдик!

Кейин ошпаз, аревакаш, соchlари ҳурпайиб кетган Янек ва солдат шўрваси қулқуллаётган арева йўлга тушдилар.

Ошпаз сумкасини титкилаб, ундан бир бурда қора солдат нони олди:

— Қорнинг очгандир? Ма, еб ол, ўғилча.

— Очганда қандай! — деди бола хўрсиниб.

— Ейвер бўлмаса! Тўхта-чи, менда ҳам егулик ул-бул бор эди, — деди аравакаш эслаб ва чўнтағидан бир чақмоқ қант олди.

— Фашистлар роса шаталоқ отиб қочишипти-ми! — деди ошпаз йўл ёқасидаги зовурларни кўрсатиб.

Чуқурларда снаряд илма-тешик қилиб юборган пачоқ машиналар кўринди, гусеницаси синиб кетган катта бир немис танки ғилдираклари осмондан бўлиб ётарди. Утлоқда немислар ташлаб қочган окоплар ва тиканли симлар ўрами кўзга ташланарди.

— Орқасига қарамай қочаяпти! — деди кулиб аравакаш. — Солдатларга тушки овқатни вақтида етказиб берсак бўлгани эди!

Янек ўз ғамхўрларининг шапкаларида бургут расмига зўр қизиқиш блан тикиларди. У катта бурда нонни ер экан, калласини юқори кўтариб, ёнида ўтиргайларнинг тугмаси ва камарини ушлаб кўрарди. Охири тишлиам нон ва қантни ютиб бўлганидан сўнг у қўрқа-писа аравакашнинг енгидан тортди.

— Нима дейсан? — унга қаради аравакаш.

— Амаки, сизлар жуда узоқдан келаяпсизларми?

— Ҳа, болакай, жуда узоқдан. Неча километр йўл босганимизни сен ҳисоблаб ҳам етолмайсан. Ҳали жуда ёшсан...

— Фашистларни сизлар қувиб юбордингларми?

— Фақат биз эмас. Қишлоғингдан қандай аскарлар ўтганини кўрдингми? — деди аравакаш, отга қамчи уриб.

— Кўрдим, — деб жавоб берди Янек. — Уларнинг шапкасида ҳам сизниги ўхшаш бургут бор эди. Ба'зилариникида эса, қизил юлдуз. Улар ҳам бизникларми?

— Фашистларни қувганидан кейин албатта биз-

ники! Қувганда ҳам роса боплаб қуваяпти-да! — деди ошпаз та'кидлаб.

Улар томлари босиб қолган, йўл ёқасида ўрин-кўрпалари сочилиб ётган яна бир бўм-бўш қишлоқдан ўтдилар. Улар қархисидан ола-була мушук чо-пиб чиқди. У пуштиранг тумшуғини юқори кўтариб, зяянчли миёвлади.

Янек аравакашнинг енгидан тортди ва унга қара-ди. Аравакаш мўйловларини қимирлатди-да:

— Дррр!.. — деб отига бақирди. — Ўчоққа ўтин қалаб қўйиш керак. Бўлмаса ўчиб қолади.

— Тўғри, бу Бугга боришдаги охирги қишлоқ, — деди унинг фикрига қўшилиб ошпаз ва аравадан тушди.

Унинг кетидан бир сакраб Янек ҳам тушди. Чопиб мушукнинг олдига борди ва уни қўйнига солиб олди.

Бирнеча минутдан сўнг ҳаммалари яна аравада ўтиришарди.

— Қани, кетдик! — деди ошпаз халлослаб.— Ёқил-ғи Бугга боргунгача етади! Артиллерија ҳали гумбур-ляяпти — вақтида етиб борамиз.

Кейин улар чанг-тўзон кўтариб, от чоптириб кет-дилар.

— Товуши ўчди, — деди ошпаз бирпасдан сўнг, безовталаниб. — Йигитларимиз дар'ёдан ўтишаётган бўлса керак. Эшитаяпсанми, артиллерија жим бўлиб қолди.

— Тезроқ, тезроқ! — деб бақирди аравакаш қувонч блан ва ҳаяжонидан ўрнидан туриб олди.

Улар тарақа-туруқ қилиб омон қолган кўприкчадан ўтиб, далага чиқиб боришганда, солдатлар дуч келган жойга ўтириб, жангдан кейин ўз қуролларини кўздан кечирмоқда эдилар.

— Шўрва! Қайноқ шўрва! — деб бақирди ошпаз аравадан туриб.

Котелок кўтарган солдатлар бирпасда кўчма ошхонани қуршаб олишди.

— Яна қанақа йўловчи олиб келдиларнинг? — деб

ҳазиллашди Янекнинг ёнида турган солдат ва унга котелогининг қопқоғини тутқазди. — Урушга келибсан-у, котелогинг йўқ! Ма, овқат олиб ич.

Кимдир унга ўз қошиғини берди.

Янек йўл ёқасига ўтириди, қўйнидан мушукни олди ва улар овқат еябошлишди; бири идиш ўртасидан, иккинчиси четидан ерди. Солдатлар ҳам унинг атрофига ўтириб, шоша-шоша иссиқ шўрва ичабошлидилар. Улар бу ерда кўп тўхташмади. Янек дар'ёга тушиб котелок қопқоғини энди ювиб ҳам бўлган эдикি, пиёда аскарлар яна йўлга тушишди. Ошпаз, аравакаш ва Янек эса, қозонга сув тўлдириш учун қолишиди. Сувни ташиб бўлгач, яна қўшин кетидан йўлга тушишди.

Улар шу куни кечгacha саёҳат қилишди. Ниҳоят, қандайдир бир қишлоққа дуч келишди. Кўчанинг че-тидаги ҳамма деворлар олдида одамлар туришарди. Улар солдатларга гулдасталар отар, шапка, рўмолчаларни силкитардилар. Уларнинг:

— Яшасин бизнинг армиямиз! — деб қичқиришганини бирнеча чақиримдан туриб эшитиш мумкин эди.

— Янек, энди сени шу ерда бир одамга ташлаб кетамиз. Урушга боришга ҳали жуда ёшсан, — деди ошпаз безовталаниб.

— Балки бу ерда уйингдагилардан бирортасини топиб оларсан. Одамлардан суриштириш керак, — деб Янекни юпатди аравакаш ва энг четдаги уй олдида отини тўхтатди: — Дррр!.. Тўхта!

Уларни жуда кўп одам ўраб олиб, гапиришга ҳам қўймай худди туғишганлариdek қучоқлаб ўпишабошлиди.

— Қаёққа ҳайдаб кетишди дединглар уларни! — деб суриштирадилар ошпаз блан аравакаш.

— Қайси қишлоқдансан, ўғлим? — деб сўради Янекнинг ёнида турган хотин.

— Уларни бутун кўч-кўронлари блан қишлоғимиз ёнидан ҳайдаб ўтиб кетишди! — деди қандайдир бирчол.

— Бу ердан икки миля нарига борганда ҳаммаларини қўйиб юборишипти деб эшитдик, дўппилари тор келиб қолганга ўхшайди, — дейишарди одамлар.

— Болани менга ташлаб кетинглар, яхшилаб қарайман, — деди бир мункайган кампир, одамларни итариб-туртиб олдинга ўтаркан.

— Менга қолдириб кетинглар! Меникода ҳам оч қолмайди, — деб илтимос қилди зангори кўйлакли тўладан келган аёл.

Янек бўлса, ошпаз блан аравакашга ёпишиб:

— Амакижонлар, яна бироз нарироққа олиб боринглар! Икки миля дейишаяпти... Балки ойимни топармиз... — деб ёлворарди.

Нима ҳам дердинг! Ҳаммалари кулиб юборишли. Кимdir Янекнинг тиззасига бир тугунча қўйди, унда пишлоқ блан ёғ бор эди. Яна кимdir Янекнинг бошини силаб:

— Боланинг гапи тўғри, онасига яқинроқ бўлади. Сизлар ҳам худди ўша томонга кетаяпсизлар, — деди.

Қуёш аллақачон ўрмон орқасига ўтиб яширинди. Шунинг учун улар отни йўртдириб кетишли. Янек ошпазнинг пинжига тиқилиб, мудрайбошлади. У уйғонганида кечаси бўлиб қолган эди. Осмонда ой сузиб юарар, қандайдир бир уйнинг деразасидан чироқ кўринарди. Аравакаш отни аравадан чиқариб, ем берди. Ҳамма уйларга ҳарбийлар жойлашган. Ошпаз блан аравакаш эшиклари ланг очиқ овингдаги¹ бордонлар ичига суқулиб, солдатлар орасидан бир амаллаб жой топишиди. Янекни ўрталарида олиб ётишиди.

Тонг сал ёришиши бланоқ ташқарида шов-шув бошланди. Солдатлар қудуқ атрофида юз-қўлларини ювиб, йўлга тайёрланмоқда эдилар. Ошхонадан тутун чиқиб турагарди, қозонда кофе қайнамоқда. Янек уйғониб қараса, хашак устида ётипти. У кўзларини ишқалаб, қандай қилиб бу бегона овинга келиб қолганини эслашга ҳаракат қилди. Ана, остоңада семиз ошпаз кўринди.

¹ Озин — яичини олдидан галла боғлари қуритиладиган маҳсус бино.

— Тур, ҳай дангаса! Кофе совиб қолади. Пиёдалар аллақачон йўлга тушди. Қозонни ювиб, улар кетидан жўнаймиз. Мен одамлардан сурштиридим, сизникилар кейинги қишлоқда экан!

Янек сакраб турди. Дик-дик этиб, бирпасда қудук олдига югуриб кетди. Чорак челак сувни бошидан қўйди, дарров уйқуси ўчиб, ҳамма нарса яна хотирида яққол гавдаланди.

Узоқларда кўринмай кетган аскарларнинг оёғи остидан кўтарилиган чанг секин-аста тарқалди. Улар от чоптириб борардилар; қозонда тушки овқатнинг суви қулқулларди.

Танклар тошларини ўйнатиб кетган йўл дала ва ўрмонлардан ўтарди. Йўл ёқасида шикастланган немис машиналари ва хунуги чиққан танклар ағдарилиб ётарди. Бу бирнечча соат илгари шу ерда бўлиб ўтган жанг излари эди.

— Амаки, солдатлар окопда ўтирганларида нима ейишади? — деб сўрарди Янек гоҳ ошпаздан, гоҳ аравакашдан.

— Окопдами? Мана шу ошхона кечаси нимани оборса шуни ейишади. Бундай пайтларда уларнинг тушки овқати ҳам, кечки овқати ҳам битта бўлиб кетади! — деб кулди ошпаз.

— Үқлар визиллаб учиб туради, эҳтиёт бўлмагин-чи... Бизни доим шунаقا орқада судралиб юришади деб ўйлайсанми?

— Визиллаганда қандай! — деб ошпазни қувватлади аравакаш. — Уруш бекинмачоқ эмас, унда сен блан мен бундай сайр қилиб юролмаймиз... Шошмай тур-чи! Ҳўв анави қишлоқни кўраяпсанми? Балки ўша ерда сени онангга ташлаб кетармиз...

Қишлоққа яқинлашганлари сари ошпаз аравакашга, аравакаш ошпазга ғамгинлик блан қараб қўйишарди.

— Ҳм!.. — деб тўнфиллаб қўйди бири.

— Ҳм!.. — деб тўнфиллаб қўйди униси ҳам.

Уйларнинг трубалари кўриниб қолди. Лекин ҳали совимаган култепа орасида шу трубаларда

бошқа ҳечнарса қолмаган эди. Бу қишлоқда улар ҳатто битта мушук ҳам учратмадилар.

— Роса шаталоқ отиб қочишајпти-да, лекин бу қишлоқни ҳам ёндириб юборишга улгuriшилти! — деб жаврарди аравакаш.

Янек йўл ёқасидаги култепага назар ташлади. У бошини юқори кўтариб солдатларга қарап, аммо энди ҳечнима деб сўрамасди.

Улар яна илгарига қараб кетишли. Ўрилмасдан қолган буғдойзордан, уруш излари кўриниб турган — тиканли симлар, ишдан чиқсан қуроллар чочилиб ётган, окоплар қазилган ўрмон ва ўтлоқлардан ўтиб боришли.

Яна ўрмон. Яна дала. Кейин яна бир қишлоқ. Бу гал улар хўроллар қичқириб, уйларнинг трубасидан тутун буруқсиб турган қишлоққа келишли.

— Энди сени шу ерда бирорта меҳрибон одамга ташлаб кетамиз. Сени бундан буёғига, урушга олиб бориш мумкин эмас, — деди аравакаш, жаҳл блан мўйловларини қимиirlатар экан, хўрсиниб.

— Бизнинг йўлимиз жуда олис. Урушда болаларни олиб юриш мумкин эмас, — деб қўшиб қўйди ошпаз.

Биринчи уйнинг олдига етиб келишлари бланоқ:

— Дррр!.. — деб қичқирди аравакаш. — Ўчоққа ўтин ташлаб, қозонни кавлаб қўйиш керак.

Ошпаз ўз иши блан шуғулланабошлади, аравакаш бўлса уйга кириб кетди. У уйда анча хаёллаб қолди.

Кейин бирдан оstonада пайдо бўлди, унинг юзлари қувончдан кулиб туради. Ўйдан бир бола югуриб чиқди ва қишлоқнинг нариги томонига қараб ҳовлиқканча чопиб кетди.

— Кетдик! — деди кулиб аравакаш ва ҳатто хансираб қолган ошпазнинг аравага чиқишига ҳам ёрдамлашибди.

Улар бир-бирларига қараб олиши. Бири бош тебратди, сўнг иккинчиси ҳам бош силкиб қўйди.

— Ясь, менга қара, кичкинтой! — деб гап бошлади аравакаш тизгинни қўлига олиб. — Мана, биз блан кетаяпсан, кейинчалик, ажралишиб кетганимиздан сўнг эсга оласанми бизни?

— Нима эди? — деб сўради Янек аравакашдан қизиқиб, ҳурпайган соchlарини силаб қўяр экан.

— Шундай, ўзим! Сен ҳали ёшсан, кўп нарсани тушумайсан...

— Қанақасига ёш бўлар эканман! — деди Янек хафа бўлиб. — Мен сизларнинг жуда узоқдан... Москвадан келаётганингларни биламан. Варшавага кета-япсизлар. Бу бизнинг қўшин. Анави юлдуз тақиб олганлар ҳам бизники, чунки улар фашистларнинг адабини беришаяпти...

— Бунинг ақли жойида, — деди ошпаз.

— Катта бўлганингда эсингдан чиқарма, уруш — катта офат. У, биринчидан, сенга ўхшаган болаларни уй-жойсиз қолдиради. Сўнг уларнинг онаси йўқолиб қолади — бу икки. Ундан кейин, бу болаларни яна онали ва уйли қилиш учун овора-сарсончилик кўпаяди, бу уч. Мана...

Аравакаш қўлини олдинга узатиб ниманидир кўрсатди. Бир хотин улар томон югуриб келарди, унинг кетидан бояги уйдан чиқиб кетган бола ҳам чопиб келарди. Хотин қичқирап ва қўлини силкитарди. Янек чопиб келаётгандарга қаради ва юриб кетаётган аравадан сақрамоқчи бўлди, аммо ошпаз уни ушлаб қолди.

— Ойим! Ойижон! Менинг ойим! — деб бақириб юборди Янек.

— Дррр! Дррр! Тўхта! — деб буйруқ берди аравакаш тизгинни тортиб.

Лекин бу мутлақо ортиқча эди; чунки отнинг ўзи қулоқларини диккайтириб ва кўзларини чақчайтириб тўхтаган эди. У дам орқага, дам олдинга қарап, ҳадеб қулоқларини учирарди. Бу унинг «Қани! Буёғи нима бўларкин? Бу хотинни ҳам аравамга миндириб олишармикин ёки болани туширишармикин?» дегани эди.

От олдин чапга, сўнг ўнгга думини силкитди. Бундай қараса, бола онасининг қучоfiga тушди. Уни аравадан онасига семиз ошпаз узатиб юборди.

Шунда бирдан от ўз хоҳиши блан қўзғолди. Бу унинг биринчи марта командасиз юриб кетиши эди. Бундай эркалатишларга қараб туришни ёқтиргмаганиданми ёки аравага яна битта йўловчи чиқади деб қўрқаниданми, ким билсин. От йўртиб борарди. Янек онасининг елкаси оша қараганида йўлда фақат осмонга кўтарилиган чангни кўрди.

— Булар ўзимизнинг солдатлар. Костюшкочилар¹. Улар мени қутқариб қолишли, — деди Янек.

— Сени ҳам, бизнинг ҳаммамизни ҳам қутқаришиди, — деб қўшиб қўйди онаси. — Мен бўлсам уларга раҳмат айтишга ҳам улгурмай қолдим...

Ошпазлар командаси кетидан кўтарилиган чанг аста-секин тарқаб борарди.



¹ Поляк миллий қаҳрамони Тадеуш Костюшко помидаги дивизиядан.

VERONIKA TROPACHINSKAYA·OGARKOVA

БОШМОҚ

— Отхонага қарадингми? Чўчқаларга ем бердингми? Хашак қирқиб қўйдингми? Нимага бақрайиб турибсан? Уйни супур!

Қипқизариб кетган хўжайка атрофга хамир ва қўзиқорин ҳиди таратиб, ошхонада уёқдан-буёққа елиб югуран, минут ўтмай иш буюрарди:

— Михась, чўчқаларга кепак сол!.. Тезроқ қимирласангчи, ҳали даҳлизни ҳам ювиг чиқишинг керак!

Михась отхонага югуради, қудуқдан сув келтиради, чўчқаларга ем беради, уйни йифиштиради, даҳлизни супуради... Михась ҳаркун эрта тонгдан то ярим кечагача ишлайди. Бугун байрам, броқ у кечқурунгача ювиниб, уст-бошини сал тартибга келтиришга улгурадими-йўқми — ўзи билмайди.

Михасънинг ёши ўн иккода, унинг ҳечкими йўқ. Уруш тугай деб қолганда фашистлар отасини қишлоқ чеккасида осишди, онаси эса ўлди, ўшандада узоқда — нақ Краков яқинида турадиган холаси келди.

— Ҳа, ёлғиз ўзинг қолдингми? — деди у. — Бир илож қилиш керак. Шўрлик, энди дун’ёда мендан бошқа ҳечкиминг қолмади. Ўйга олиб кетай десам, иложим йўқ: ўзимнинг ҳам уч болам бор... Ёшинг нечада? Оҳ, ҳали жуда ёшсан!.. Ҳечким ишга олмайди. Мол боқишини биласанми?

Холаси бутун қишлоқни кезиб, одамлар блан гап-

лашди, суриштирди — хуллас, Михась бу хўжайкаси-
никига қандай қилиб келиб қолганини ўзи ҳам бил-
майди. Ёз ва баҳор пайтлари у мол боқади, куз ва
қишида эса, уй ишларида ишлайди. Холаси уни бу
хўжайкага бутунлай берган. У хўжайканинг номи-
га ниманидир, ўша қийшайиб қолган кичиккина уй
блан бир парча ерни бўлса керак, хат қилиб берди.
Михась буларнинг ма'носини билмайди ҳам, тушуна-
олмайди ҳам.

У фақат энди хўжайнини борлигини билади. Хў-
жайканинг эри ва болалари бор. Яна, қари онаси ҳам
бор; у уйнинг иккинчи қисмида туради, рўзғори бў-
лак. Хўжайка бой, мол-дун'ёси ошиб-тошиб ётибди.
Болалари мактабга қатнайди, улар доим тоза кийи-
ниб юришади. Михасъни улар менсимайдилар: «Ким
бўлипти у, бир ташландиқ бола-да», дейдилар.

Хўжайка эса: «Михась, югур, сигирларга қара!
Михась, чўчқаларга ем бер! Михась, буни олиб қўй!
Михась, уни олиб бер!» дегани-деган.

Бугун арча байрами; бутун уйни қўзиқорин, хамир,
сомса ҳиди тутган; Михась эса, бетиним югуради, хў-
жайка тўхтовсиз иш буюради.

Михась ҳам арчани сабрсизлик блан кутаяпти. У
отхонага югуриб кетаётуб, йўл-йўлакай хўжайка мен-
га арча байрамида бошмоқ совға қилмоқчи бўлганини
унутмагандир, деб ўйлади. Хўжайка кузда картоши-
кани ёмғирдан асраб қолиш учун тезроқ уйга ташиб
олиш зарур бўлганда шундай деб ва'да қилганди.

«Илдамроқ қимиirlа, агар тез ташиб битирсанг,
Янги йилга ботинка олиб бераман»,— деганди у.

Ўшанда Михасънинг шошганини кўрсангиз! Бўл-
масачи: ботинка олиб беришади-я! Онаси ўлгандан
буён у янги ботинка кийган эмас. Аввал ўз эски бо-
тинкаларини кийиб юрди, кейин отасининг ботинка-
ларини киядиган бўлди, ўшандан бери оёғида отаси-
нинг ботинкаси.

Бугун эса, арча байрами — у бошмоқ олади. Бош-
моқ олади, бошмоқ, бошмоқ!

Мана, кечки овқат ҳам тугади. Хўжайка стол ёнидан туриб, қўшни хонага чиқди. У ерда хўжайин блан болалари биргаликда чиройлик қилиб ясатган арча турибди. Хўжайка секин-аста, шошилмасдан, гердайиб юради. Бўлмасамчи! Ахир у йигирма морг ернинг эгаси-да! Хўжайин арчадаги шамларни ёқди. Катта ўғли Юрек блан қизи Агнешка унга боқишидади, Стасек ва Фелек арчага фахр блан қараб турибдилар.

Арча ёнида боболари блан бувилари туришипти — бугун ҳаммалари бирга овқатланишди. Хўжайка креслога ўтирди ва қатор қилиб совғалар териб қўйилган столчани ўзига яқинроқ сурди. Ҳамма совғалар оқ қофозга ўроғлик, ҳаммасининг устида ёзуви бор.

Михась эшик ёнидаги бурчакда турибди. Унинг юраги дук-дук урмоқда. Рост арча эканми! Қандай чиройлик-а!.. Бошмоқ қанақа экан? Қорамикин ёки жигаррангмикин? Юрекникига ўхшаганмикин ёки Фелекникигами?

Хўжайка совғаларни улашабошлади. Онасиға иссиқ рўмол, отасига жун пайпоқ, Юрекка — свитер, Агнешкага — қўғирчоқ, Фелекка...

Михась кўзларини юмди. У ортиқ қараб туролмайди. Оқ қофозга ўралган совғалар борган сари озайиб бораяпти.

Хўжайка совға беришни давом эттирди.

— О, — деди у, — Фелисье арра блан янги шапка олди, — қаранг! Стасекчи — чана блан у ҳам шапка олди. Болажонларимга янги шапка кераклигини ким билибди? Қандай иссиқ шапкалар! Стасек, кийиб кўргин-а.

Михась кўзларини очмади. Ҳозир хўжайка: «Қаранглар, бунда Михасимизга ҳам совға бор. Бошмоқ! Тағин қандай бошмоқ денг!» деб қолади.

Броқ у ҳечнарса демасди. Хўжайка кулади, чунки Агнешка арча тагидан онаси учун тайёрлаган совғасини оляяпти: Агнешка ҳам кулади, чунки бугун ҳамма хурсанд, ҳамма мамнун.

Михась кўзларини очди ва олдинга бир қадам босди. Балки бошмоқ тайёрлаб қўйилгандир-у, лекин унга хўжайканинг кўзи тушмай тургандир.

— Михась-чи! — деди хўжайка. — Михась ҳали совға олгани йўқ. Ма, азизим, ол, бу сенга. Билганингни қил.

У ўрнидан туриб, комоднинг тортмасини очди ва бирнечта майда чақа олиб, Михасъга узатди. Михась уларни олиб, ташқарига отилди. Аввал даҳлизга, кейин ҳовлига чиқди. Пул қўлидан битта-битта тушиб қолди. Алам юрагини эзар, юзидан қайноқ ёш оқарди. Бошмоқ йўқ! Қораси ҳам, жигарранги ҳам, қўнжлиги ҳам, боғичлиги ҳам — ҳечқанақаси йўқ... Уйларда байрам чироғлари порлаб турибди. Михась отхона остонасига чўнқайиб ўтиреди. Энди йиғиси тўхтаган. У ўзининг оғир, қайғули аҳволи ҳақида ўйлаяпти, аммо йиғлаятгани йўқ. Совуқ, лекин уйга киришни истамайди. Михасъ-ку бу ердан жон-жон деб кетарди-я. Аммо қаерга боради? Қимнинг олдига? Ёз бўлганда-ку, Юзек Ковналя турадиган ерга, қишлоқнинг нариги чеккасига борарди. Қейин Юзек иккаласи Вицек Пенкальский олдига боришарди. Қейин Вицек, Юзек, уччаласи Магдуса Бидулянканинг олдига борган бўлардилар. Чунки, ростини айтганда, Михась ҳам унча ёлғиз эмас. Унинг ёзда бирга-бирга сигир боқадиган, ўйнайдиган ўртоқлари бор. Кузда улар мактабга қатнайдилар, Михась эса қатнамайди, лекин Михась барибир улар блан ўртоқ.

Михась қўлини иягига тираганича қоронғиликка тикилди. Бирданига дарвоза олдида оёқ шарпаси эшитилди. Ҳовлига бирнеча бола кириб келди. Улар нима тўғридадир шивирлашдилар; кейин уй олдига бордилар, лекин ичкарига киришга ботинаолмадилар.

— Нима гап? — деб сўради Михась жиддий тусда. У ҳали бу келганлар ким эканини билмасди.

— Михась, сенмисан? Буёқقا кел! Сени олиб кетишга келдик...

Кўча эшиги ғижир этди — болалар Михасьни олиб кетишиди. Уйдан ашула эшитилади, лекин Михась энди йўқ.

Унга бир қаранг! Энди у мактабда, арча ёнида турибди, атрофини анча болалар қуршаб олишган. Ўқитучи меҳрибонлик блан унинг қўлидан ушлаб турити. Болаларчи? Улар:

Сенсиз, қадрдон Михась,
Байрам бизга татимас...

деб ашула айтаяптилар.

Михась бирданига қаттиқ совқотиб кетгандек титради. Унинг қизарган, меҳнатда қабарган қўллари пальтосининг калта енгларидан бир қарич чиқиб турибди: ахир у онаси ўлганидан бери анчагина ўсган-да. Оёқларида отасининг эски этиги. Сочлари пешонасига ўсиб тушган, ўқитучи уларни тўғрилаб қўйди. У Михасьни маҳкам бағрига босганча иссиққина синфда, қўшиқ айтиётган болаларнинг ўртасида, арча ёнида турибди. Шу пайт Вицек Конколя, улар, я'ни ўқитучи ва болалар Михасьни ўз оиласларига қабул қилиб олмоқчи бўлганликларини айтди. Улар волостъга бориб, Михасьни бундан буёқ хўжайканикида турмайдиган қилиб келишибди. Шу ерга яқин жойда Болалар уйи ташкил этилган, энди Михась ўша ерда яшайди, бу унинг ўз уйи бўлади. У ер шундай яхши, шундай ажойибки!

— Михась, бу уй оддий уй эмас, бошқача, — деди Вицек сўзида давом этиб.— Уни очганларида ҳатто Варшавадан, министрликдан одамлар келган. Чунки энди халқ Польшасида ҳаёт аввалгидек эмас. Ҳарбир бола ўқиши, яхши яшashi ва бахтли бўлиши керак... Сен бизнинг мактабда ўқийсан. Сенинг уйинг блан ерингни ҳам хўжайкангдан тортиб олишади. Ҳа, гап шунаقا...

Вицек гапидан адашабошлади, бир гапни қайта-қайта тақрорлади, ба'зи нарсаларни айтишни бутунлай унуди, броқ шу пайтда қандайдир бир му-

ҳим иш юз берәётгани ҳаммага ма'лум. Михась уйини топди. Энди у мактабда ўқийди, энди Михасънинг оиласи бор.

— Сенга аввалига энг зарур нарсаларни сотиб олиш учун биз бироз пул ишлаб топганмиз,— деб тугатди Вицек ўз нутқини. — Ўрмонга бориб, дараҳт ўтқаздик. Сенга нима ҳозирлаб қўйганимизни биласанми?.. Қани, Марисъка, буёқقا ол!

Марисъка эгилиб, арчанинг остидан бир жуфт ярақлаган, боғичли бошмоқ олди ва уни Михасъга узатди. Михась бошмоқни олди, уларга қараб турди, сўнг ўқитучининг қўлидан чиқиб, даҳлизга отилди. Болалар ҳайрон. Нима гап? Михасъга нима бўлди? Ўқитучи ҳам Михасънинг ҳаракатига тушунадолмай ҳайрон. У даҳлизга чиқди. Михась зина ёнидаги бурчакда ўтирибди. У бошмоқларни бағрига босиб, йиғларди. Шундай аччиқ йиғлардики, ўқитучи кўрқиб кетди:

— Михась, ўғлим, нима бўлди? Жоним, сени ким хафа қилди, айт? Нега йиғлайсан, азизим?

Ўқитучи кетидан болалар ҳам югуриб чиқдилар. Улар Михасъдан, нима бўлди, нега бундай йиғлайсан, деб сўрардилар. Шу пайт, онаси ишга кетганида уйда сингилларига оналик қилучи Гануся Петровская Михасънинг оёқларидан отасининг эски этигини ечабошлади.

— Михась, сен бу оддий бир ботинка эканини унутганга ўхшайсан, — деди у. — Худо билсин, бошингга нималар тушмади. Оёғингни узат. Кийги-зиб кўрайликчи, оёғингга яхши келармикин. Ахир кийиб кўриш керакку, тўғрими, Михась?



ЯНИНА БРОНЕВСКАЯ

ЯНГИ МАКТАБДА

Қўргон тепаликда, тўп снаряди тешган ерининг янгигина урилгани билиниб турган фиштин девор нар'ёғида эди. Срасини айтганда, у энди қўрғон эмас, балки Порембадаги янги мактаб. Оқ устунли зина-поя тепасидаги бўялган тахтага катта қилиб ёзилган ёзувларни ўқиган ҳарбир киши бунга ишонч ҳосил қилиши мумкин. Бу ёзув ва девордаги тешик масаласи ёзнинг бошидаёқ қўзғалган. Авваллари помешчик қўлида ишлаб юрган ерсиз ва оз ерли дехқонлар ер олганларида, кекса Матусякова бундай деди:

— Мен энди қариб қолдим, ёруғ дун'ёда сўққа бошим, холос. Мен боққин деб ҳечкимга бош эгиб бормайман, текин томоқ ейишга ҳали эрта. Мана шу қўрғонда помешчикнинг ўрдакларини боқабошланган пайтимдан тортиб қирқ йил хизмат қилдим. Бу ерлар менинг туғилиб-ўслан жойим, экин-тикин қилишга кучим етмайди, шунинг учун иш бундай бўлсин...

Аниқроқ қилиб айтганда, Матусякованинг «бундай бўлсин» дегани, мен қўрғончанинг чап томонидаги кичкинагина хонага кўчиб ўтаяй, менга қўнғироқ, чўтка ва бошқа керакли асбоб-ускуна беринглар, кейин мен шу мактабнинг ўёқ-буёғига қараб юрай, супуриб-сидирай, қўнғироқ чалай, болалар жўжа-хў-

роллардек уришмасликлари учун уларга қараб юрай, дегани эди.

— Ма'қул,— дейишди деҳқонлар.

— Албатта, биз ҳаммамиз розимиз. Матусякова тиришқоқ аёл,— деди ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган Амброзяк бобо.

— Ҳа, бу жуда яхши иш,— деб тасдиқлашди аёллар ҳам.— Матусякова анча чидамли хотин, болаларни яхши кўради, ҳаммаси ўз боласидай бўлиб қолган.

Шундай қилиб, Матусякова ўша куниёқ, авжи ёз қизифидан бошлабоқ чердакдан тортиб то подвалгача бутун мактаб биносини ювига тозалашга киришди.

У бутун деворларни оқлади, деразаларни ювди. Мактабнинг поли оддий пол эмас, бошдан-оёқ дуб ёғочидан катак-катак қилиб ишланган эди, ҳаммадан бурун, ундаги ҳархил доғ-дуғларни ювига кетказиш керак эди. У ёлғиз ўзи ишларди, деб айтиб бўлмайди: унинг олдига — мактабга келаси йили тўртинчй синфда ўқийдиган қизчалар келиб туришарди.

— Бувижон, ичкарини лой қилмасинлар учун похолдан бутун зинани қоплайдиган каттакон намат тўқиб берайликми? — деб сўрашди қизчалар.

— Майли,—деб жавоб берди Матусякова.—Аммо яна бир жуда зарур иш бор, уни ўғил болаларсиз қилиб бўлмайди. Ўғил болаларимиз қаёқда? Биронтаси бир кириб ўтай демайди-я...

Ўғил болалар бўлганда қандоқ! Эҳ, улар қандай кеккайиб юришади! Улар оталарининг янги хўжаликдаги беш гектар ғалласини ўришга ёрдамлашардилар, шунинг учун улар блан гаплашиб ҳам бўлмасди! Вицек, отларни чўмилтираман, ўрмондан янги уйга ўтин ташийман деди, кейин ҳадеб тихирлик қилавермасинлар учун, бусиз ҳам ишим бошимдан ошиб ётибди: мих етишмайди, арра ўтмас... деб қўшиб қўйди.

— Менга деса, анави учта товуғингни ҳам чўмилтиравермайсанми, бу сенинг ишинг,— деб баҳслаша-

бошлади у блан Зося. У бир бидирлаб кетса ҳеч тўхтатиб бўлмасди, шунинг учун уни «тегирмон» деб аташарди.— Хоҳласанг ўзингга уч қаватли уй қуриб ол, лекин у уй ўз-ўзингники бўлади, меники ҳам эмас, Анеръаканини ҳам эмас, Терезанини ҳам эмас, Марцисанники ҳам...

— Войбў, бидирлаганинг бутун волостьюга етади-я! — деб қичқирди Вицек ва ҳатто қулоғини бекитиб олди.— Тегирмон айланиб кетди: тр... тр...

Броқ Зоська шундай қаттиқ бидирладики, Вицек қулоғини бекитиб олган бўлса ҳам эшитарди.

— Бу мактаб ҳаммамизники! Тўғри, у бутун волость бўйича эмас, лекин бутун Поремба бўйича.

Кейин Вицек дарҳол қўлинини қулоғидан олиб, Зося мен ҳақ гапни гапирайпман деб ўйламасин учун афтини кулгили қилиб буриштириди-да, ўжарлик блан сўзида давом этди:

— Бутун Порембанини бўлса нима? Шунга бидирлайвериш керакми?

— Бутун Порембанини бўлгандан кейин, у фақат бир Анеръаканини, фақат бир Марцисанники, фақат бир Терезанини эмас,— деб давом этди Зоська.

— Буни аллақачон эшитганман. Лўндасини гапир: сизларга нима керак? — деб унинг сўзини бўлди Вицек.

— Фишт блан оҳак,— биринчи марта қисқа жавоб берди Зося.

— Нимага?

— Деворнинг снаряд тешган ериши уриб қўйишга, агар уни уриб қўйилмаса...

— Бўпти. Билдим. Бажарилади,— деб унинг гапини бўлди Вицек, кейин у лабини бир чўпиллатиб қўйди-да, яйловдан тўғри дарёга қараб жўнади.

Лекин энди у нима қилиш кераклигини ўйлаб боради. «Ҳарбири бештадан фишт беради. Кечқурун болаларни чақириш керак. Индинга ҳамма нарса тайёр бўлсин. Тўғри гап ҳамавақт тўғри: ахир мактаб бутун Порембанини, қизлар бўлса буни қилаолмайди».

Шундай қилиб, деворда ямоқ пайдо бўлди. Ҳатто устидан суваб ҳам қўйилди. Мактаб тепасидаги вивеска воқиаси ҳам Зоська-тегирмон блан Вицек-камгап ўртасидаги гапнинг худди ўзи бўлди, гапни чўзиб ўтиришни ёқтиргмагани учун, унга шундай лақаб берилган эди: у ўзича алланарсалар деб минг-ғирлаб қўяди, лекин ва’да қилдими, бас, ҳамавақт бажаради.

Тахтани оқлашди, ёзувни эса, девор оқлашда ишлатиладиган оддий синъка блан ёзишди.

— Ёмғир ёғиб қолса, ҳаммасини ювиб кетади: кўки оққа, оқи бўлса ҳаворангга айланади, — зина-пояда туриб яна гап бошлади Зоська.— Агар оқи кўкка айланса...

Броқ нарвонда турган Вицек бошини юқори кўта-риб:

— Пештоқчи? Пештоқ тўсиб турмайдими? — деб қўйди.

У болға блан уриб, вивескага охирги михни қоқди.

Зоська жавоб қайтаришга улгурмади, чунки улар турган зинапояга Матусякова чиқиб келиб, қўнғироғини чалабошлади. У қўнғироғини бетўхтов чалаверди, йўлнинг чангини чиқариб болалар югуришиб келабошлади.

Анелька, Марися, Тереза, иккала Стасик, Михась, иккала Марциса ва битта Теофиля келишди. Тушунарлими? Янги ўқув йилининг биринчи куни тўртинчи синфнинг ҳамма ўқучилари йиғилишди. Ҳамма ердан — бутун қишлоқдан йиғилиб келишди. Ахир бунақа мактаб ҳаммани ҳам сиғираолади-да.

Зинапояга ўқитучи чиқди. Бу уларни тўрт йилдан бери эски мактаб остонасида кутиб оладиган ўша ўқитучи аёл эди. Шундай шовқин ғовир-ғувур кўтарилидки!

Мана, ўқитучи қўлинини кўтарди, дарҳол жимлик чўкди. Бу ўқучиларнинг ўқитучи блан келишиб олган шартли белгилари эди.

Бир вақтлар помешчикники бўлган уйда очилган

янги мактабда биринчи ўқиши куни ана шундай бошланди.

Сўнгра болалар мактаб кооперативи ташкил қилишди. Бу иш мана бундай бўлди.

— Сен яна қоғозга ёзаяпсанми? — деб сўради ўқитучи биркун Вицек ўтирган партага яқинлашар экан бош чайқатиб.

Ўқитучининг нимадандир хафа бўлганини болалар аллақачон сезишган эди.

— Ҳа... мен... чунки... — деб ғудирлайбошлади Вицек нима дейишини билолмай қолиб.

Кеча болтага даста чопиш блан бўлиб, кооперативга бориб дафтар олишга қўли тегмади. Уйда ўтин ёрадиган бошқа нарса бўлмаганидан, онаси, тез болтага даста қилиб берасан, деб шоширган эди. Ма'лумки, Вицек кўп гапиришни ёқтирумайди, у ўзича алланарсалар деб ғудирлаб қўйди, лекин ҳечким ҳеч нарса англаб ололмади.

Броқ унинг ёнида ўтирган Зося-тегирмон дарҳол қўлини кўтариб, шошилинч равишда бирним демокчилигини билдириди.

— Сиз кеча бизга, энди ҳамаерда кооперативлар очилди, у кооперативларнинг вивескаси худди шафаққа ўхшаган, деган эдингиз...

— Шафақ эмас, камалак! — деди ҳамма нарсани биладиган, аммо бирним демокчи бўлса, қўл кўтаришни эсидан чиқариб қўядиган Теофиля сапчиб туриб.

— Ҳа, камалак,— деди ўқитучи ва Зосядан:— кооператив ҳақида нима демокчи эдинг? — деб сўради.

— Кеча Анелька блан Стасек уччаламиз гаплашиб сиздан шундай... Ҳаҳ, оти нима эди, Теофиля?

— Филиал! — деб жавоб берди Теофиля ўтирган жойидан.

— Ҳа, филиал ташкил қилсак майлими, деб сўрамоқчи бўлган эдик, шу ерда — мактабнинг ўзида керакли ҳамма нарсани сотиб олишимиз мумкин бўлсин учун. Дафтарми, резинками, бўрми, қаламми...

— Ол-а, кооперативда сотиладиган нарсаларни бир бошдан санаб чиқадиган бўлди-ю! Мих, керосин, туз, гугурт эсингдан чиқмасин,— деб ғудирлади Вицек яна, у ҳатто Зосянинг елкасига туртиб ҳам қўйди.

— Илгари омбор бўлган, деразаси панжарали ҳужрани шундай филиал қилишимиз мумкин, камкўстини ўзимиз қиласиз, ҳаргал қишлоққа югуравермайдиган бўлардик,— деб давом этди Зося.

Вицек энди Зосяни туртгани учун пушаймон қилди, чунки Зосянинг бу фикри унга жуда ма’қул тушди. Лекин Зося мен шунаقا ақллиман деб, кибирланиб кетмасин учун Вицек бу фикрга дарҳол қўшилини хоҳламади.

У башарасини буриштириб;

— Бу филиалга ким мудирлик қилади, сенми? — деб тўнфиллади.

Ўқитучи аввал Зосяга, сўнг бошқа болаларга қараб олди-да, деди:

— Буни жуда яхши ўйлабсизлар. Кооператив мудири блан гаплашиб кўриш керак. У ҳамма ишни ўз устингизга олишингизни, арзимаган нарсага ҳам унинг олдига югуравериб, вақтини олмаслигингизни эшитиб, хурсанд бўлса керак. Лекин бу филиални ўзинглар бошқараолармиkinsiz? Ҳаммасини ёзиб бориш, санаш керак-ку.

— Теофиля санашни ҳаммадан яхши билади,— деди Стасек Шмель.— Биз ҳаммамиз унга ёрдам берамиз, сиз эса хатоси борми, йўқми, ҳаркуни текшириб турасиз.

— Олинадиган товарни ёзиб бориш учун дафтар тутишимиз керак,— деди Шчипала фамилияли иккинчи Стасек, — чунки ҳамма нарса яққол кўриниб турсин. Тўгрими?

— Яхши,— деди ўқитучи.— Ҳозир ўша сиз айтган филиалга правление сайлаймиз-да, кейин ҳаммамиз бирга кооперативга борамиз, нималар қилиш, қандай иш тутишимизни ўша ерда айтиб беришади.

— Мен чиройлик қилиб вивеска ишлаб бераман,—
деди Вицек.

— Яхши, яхши! — деб қичқиришди бошқалар.—
Фақат унда етти хил рангли камалак бўлсин.

— Правлениега кимни сайлаймиз? — деб сўради
Зося-тегирмон.

— Теофилияни!

— Стасек Шчипалани!

— Вицекни!

Лекин Вицек шу заҳотиёқ ўрнидан туриб:

— Мен санашни унча билмайман, шунинг учун
мени сайламаслигингизни сўрайман... Лекин мол
олиб келиш, тахлаш бўлса, унда...

— Яхши, яхши! Вицек омборни бошқаради, Тео-
филя мол сотади, чунки у ҳеч хато қилмайди, Стасек
эса бухгалтер бўлади, — деб белгилаб чиқди Зося-
тегирмон.— Чунки мен ўзим кўрдим, катта коопера-
тивда...

— Яхши ўйлабсан,— деб ма’қуллади Вицек.

Энди ўқитучи овозга қўйишни буюрди. Ким рози
бўлса қўл кўтарсан. Албатта, бутун синф баравар
қўл кўтарди, шунинг учун санашга ҳам ҳожат қол-
мади.

Шундай қилиб, мактабда кооперативнинг «Кама-
лак остида» номли филиали ташкил қилинди. Тор ко-
ридордан бориб, катта зал орқасидан бинонинг чап
қаноти томонга, илгари омбор жойлашган ерга ўтган
ҳарбир киши буни ўз кўзи блан кўриши мумкин. Кат-
такон қулф солиғлиқ турган эшик устига вивеска осиб
қўйилган. Етти хил рангли камалак тагида: «Коопе-
ратив» деган сўзларни ўқиши мумкин.

Теофилия, Стасек ва Вицеклар Янги йил олдидан
ӯқитучи блан шаҳарга бориб, филиалда савдодан
тушган пулга ўзлари ташкил қилмоқчи бўлган мак-
таб кутубхонаси учун китоб сотиб олишлари мумкин
эканини ҳисоблаб чиқиши. Улар бунинг бутун синф
учун кутилмаган совға бўлишини истардилар, шунинг

учун буни декабрьгача ўзлари-ю, ўқитучидан бошқа ҳечким билмаслиги керак эди.

Ниҳоят, декабрь келди. Умумий синф мажлисида Стасек Шчипала бир варақ қоғозни очди-да, тантанали вазиятда ўқийбошлади:

— «Ўртоқлар, мактабда «Қамалак остида» номи блан машҳур бўлган кооперативнинг сиз сайлаган правлениеси тўрт юз злотий¹ миқдоридаги соф даромадни мактаб кутубхонасига китоб сотиб олиш учун сарфлашга қарор қилди. Шаҳарга бориб китоб сотиб олиш учун делегация сайлаш керак».

Бутун синф:

— Ура! Яшасин шундай правление! Шунча пул тўплашипти,— деб қичқириб юборди.

Делегация сайлайбошладилар.

— Стасек Шмелъ борсин! У китоб ўқишини жуда яхши кўради,— деб қичқириди Теофилия.

— Теофилияни, албатта Теофилияни! — деб қичқиришди болалар.— У ҳамма нарсани билади, яхши китобларни танлаб олади.

— Бўпти,— деди ўқитучи,— икки киши бўлади. Аравада бошқа жой йўқ.

Ўқитучи мактабни ташлаб кетаолмасди, якшанба куни эса, ҳаммага ма'лум, магазинлар берк бўлади. У болаларга сотиб олиниши керак бўлган китобларнинг рўйхатини берди.

— Ҳозирча шу бўлади, бошқа пулингиз ҳам йўқ. Урушдан аввал чиққан китобларни фақат букинистлардан топиш мумкин экани эсингизда бўлсин. Эски китобларни фашистлар йўқ қилган, кўпи ёниб кетган. Тиражи кўп мингли китобларни фақат бирнечча нусхагина топиш мумкин,— деб насиҳат қилди у.

Теофилия ўқитучининг гапларини диққат блан эшитар, ҳатто қошларини ҳам чимириб турарди, у букинист, тираж, нусха, нашр деган сўзларни эслаб қолишига ҳаракат қиласади.

¹ Польша пулли

Жума куни Теофиля блан Стасек шаҳарга жўнашди. Лекин чорак метрча қор ёққани учун улар аравада эмас, чанада кетишиди. Кооператив мудири ҳам болалар блан бирга жўнади, мудир уларниг ишлари тамом бўлгандан кейин, қаерда учрашишларини шартлашиб олди. Энди улар кўп магазинли кўчалардан ўтиб борардилар, лекин болалар ҳечнарсага э’тибор бермас, фақат китоб териб қўйилган витринани қидиришарди. Ниҳоят топишди! Катта дера-зага қатор қилиб китоб териб қўйилган эди — бирхиллари чармдан ишланган, ён томони бироз айниб қолган олтинранг муқовали, бошқалари анча оддий муқовали.

— Булар — эски китоб. Бу, букинистик дўкон, тўғрими? — деди Теофиля.

Улар магазинга киришиди.

— Хўш, хизмат? — хушмуомалик блан сўради прилавканинг нар’ёғида турган сотучи, худди катта харидорлар блан муомала қилаётгандек.

Сотучининг бундай муомаласи болаларга жуда ёқди.

Теофиля ҳам одоб блан:

— Мактаб кутубхонасиага бирнечта китоб олмоқчи эдик, — деди.

Сотучи прилавка устига даста-даста китоб олиб қўябошлади; кўп китобларниг муқоваси титилиб кетган эди. Болалар ишга киришиб кетишиди. Ҳиндлар ҳақидаги аллақандай қиссаларни, нома’лум авторларниг равшан, тамтароқли расмлар ишланган, саргузаштлар тўғрисидаги повестъларини чап томонга қўйдилар. Ўқитучи ёзиб берган рўйхатда тавсия қилинган отоқли ёзучиларниг китобларини эса, ўнг томонга ажратдилар. Кейин нархини сўрадилар, танлаб олган китобларининг ярмини қайтариб беришга тўғри келди.

— Аттанг! — деб хўрсиниб қўйди Теофиля.

— Зарари йўқ, Краков бирдан қурилган эмас. Кутубхонамизни секин-аста тўлдириб борамиз. Лоа-

қал керакли-керакли китобларни йиғиб оламиз-ку,—
деди Стасек унга секингина.

Улар пулни тўлаб, бошқа китоб магазинини қи-
дириб кетишиди.

Бу ерда улар янги китобларни тезда олишди, тўғ-
ри, янги китоблар ҳали унча кўп эмасди.

— Нима бўпти, Краков бирдан қурилмаган-ку, —
деди бу гал Теофилъ.— Уруш эндиғина тамом бўлди.
Бу фақат биринчи, аммо катта тиражлар. Шошмай-
тур, бир-икки йилдан кейин бизнинг Порембадаги
полкаларимиз торлик қилиб қолади. Мана, кўрарсан!

Улар икки соат қандай ўтганини билмай қолиш-
ди. Кооператив мудири блан учрашгани шартлашиб
қўйилган жойга қараб югуришди, чунки қоронғи туш-
май уйга етиб олишлари керак эди.

Шундай қилиб, болалар Поремба мактабида ўз-
лари кутубхона ташкил қилдилар.

Янги мактабда ўқиши яхши! Вақт сезилмай ўтиб
боради, мана баҳор ҳам яқинлашиб келмоқда. Қуёш
ерни иситмоқда, эриб бораётган қор тагидан қопқо-
ра ер юз очиб, ҳид таратмоқда. Йўлда ариқчалар
шилдираб оқиб, тошларни ювиб бормоқда, болалар
ундан қуёнчалардек сакраб-сакраб ўтмоқдалар.

Болалар мактабга оёқларини лой қилиб бормас-
лик учун тошдан-тошга сакраб, олдинма-кетин ке-
тишмоқда.

Эшик олдидаги похол шолчани учинчи марта ян-
гилашга тўғри келди, Матусякова эса, ҳамон жов-
райди.

— Худонинг балоси бўлди-ку бу лой! Вицек ёғоч-
дан панжара қилиб бер, зинапоя олдига ташлаб қўя-
ман.

Ўзига камгап деб лақаб қўйганларига қарамай
Вицек эртаси куни сара тахтачалардан рандалаб
ясалган панжара олиб келди. Вицек Матусякова бу-
вининг сўзини ҳеч ерда қолдирмасди, айниқса мактаб
учун ҳечнарсани аямас эди, мактабнинг ҳамма ери-
да — ёзувларда, кооперативнинг «Камалак остида»
деб аталган филиалида, гул қўйиш учун деворга тах-

та михлаб ясалган токчаларда унинг қўли кўриниб турарди.

— Нима янгилик бор, бувижон? — деб сўради у кийим ечадиган хонага киратуриб. Вицек доимо ҳаммадан олдин келарди.

— Мана, ўғлим, апрель кириб қолди. Қиши кетди... Панжара бўлса худди уста дуродгор қилгандай. Ўғлим, сенинг қўлинг олтин!

Лекин шу вақт пўстинининг тугмалари ечишган, қизариб кетган Стасек Шмель кулумсираган ҳолда ҳаллослаганча югуриб кириб келди-да, қичқиракетди:

— Сизлар бу ерда ўтириб, қишлоқда қандай янгилик бўлаётганини ҳам билмайсизлар!

Кампир унинг лойга белаиган ковушига қараб қўйди-да, жаҳл блан деди:

— Янгилик ўз йўлига, лекин сен дарров чиқиб, Вицек ясад келган ёғоч панжарага оёғингни артиб кел-чи. Яхшилаб арт! — Фақат шундан сўнггина у қисқа қилиб сўради: — Қани, нима гап?

— Каттакон самолёт учиб келиб, қишлоғимизга қўнди. Ундан қанақа одамлар тушишди денг!..

— Министрлар ёки бошқа шунга ўхшаган кишилардир-да! — деди оstonада пайдо бўлган Зося-тегирмон бидирлаб.

У Стасекнинг орқасидан келиб, бутун гапни эшиганди.

— Ўзинг кўрдингми? — деб сўради Стасек.

— Кўрдим, ўз кўзим блан кўрдим! Худди каттакон қушдек учиб келди-да, ўрмон устида доира ясад айланабошлади.

Шу вақт бошқа болалар ҳам келишди. Баҳорда асалари уясидан тўзиганидек ғовур-ғувур кўтарилди. Ҳамма бири-бирининг овозини босиб кетишга уринарди.

— Нима гап ўзи? — деб сўради ўқитучи кийим ечадиган хонага кириб келар экан, ҳайрон бўлиб.—Бугун сизларга қизиқ бир янгилик айтмоқчи эдим, бундай шовқинлашадиган бўлсанглар айтиб нима қилдим.

— Биламиз, биламиз! — деб бақиришди болалар.

Үқитучи бугун уларга самолёт кўрсатишларини айтди. Учучилар ҳозир овқатланаяпти, сўнгра болалар улар блан бирга самолёт олдига боришиди.

— Мана, ўзлари ҳам келиб қолиши! Марҳамат, марҳамат!

Мактаб идорасидан чарм комбинезон кийган иккита учучи чиқди.

Бўйи баландроғи пилот эди.

— Буерда қўнишга тўғри келгани яхши бўлди, — деди у.— Мен бу юртларни биламан, бирнеча марта келганман. Юринглар, болалар, биз сизларга самолётни кўрсатамиз.

Болалар жуда суюниб кетишиди. Улар йўл бўйи кулишиб, тошдан-тошга сакраб, тойғоқ ва лой ерлардан шалоп-шалоп кечиб ўтиб боришиди.

Далада самолёт туради. Баланд бўйли учучи болаларга руль нима эканини, мотор қандай ишлашини тушунтирабошлади. Бу жуда қизиқ эди. Кейин у болаларга йигирма киши сифадиган катта самолётлар ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Қани, ким самолётда бироз ўтиришни хоҳлайди? Эҳтимол, сен хоҳларсан? — деди учучи ёнида ундан кўзини узмай қараб турган Зосяга.

Зося қизариветди ва лип этиб болалар орасига ўзини урди.

— Зося, таклиф қилгандан кейин чиқиб кўргин, — деди үқитучи унга далда бериб.

Нима ҳам қиласдинг, самолёт олдига боришига тўғри келди. Учучи Зосянинг қанотга чиқиб олишига ёрдам берди ва учучи кабинкаси орқасидаги жойга чиқиб ўтиришни буюорди. Зося олдиндаги кабинага, учучи кабинасига кўз қирини ташлади. Кабинанинг олдинги деворида ялтироқ стрелкали соат, рангдор доирачалар бор эди...

— Бу совет самолёти. Совет Иттилоқининг авиациямизга совғаси. Биз бу самолётда Варшава устида

учган пайтларимизда ҳали шаҳар фашистлар қўлида эди. Ажойиб машина!

Болалар мактабга қайтиб келишди. Учинчи дарсда тобора яқинлашиб келаётган мотор шовқини эши-тилди. Болалар дераза олдига югуриб келиб, учучининг хайрлашув олдидан шундай мактаб устида уч марта айланганини кўришди.

Мана, баҳор ҳам ўтди. Тўртинчи синф болалари жуда яхши кўрган дараҳтига ёпирилган қушлардай зинапоя поғоналарини тўлдиришди. Вицек Матусяко-ва бувига стул олиб чиқиб, сершоҳ каштан соясига қўйиб берди. Дараҳтнинг ҳар томонга ёйилган шоҳлари бутун июнь ойи давомида синф деразаларидан мўралаб турган эди.

Майсазор ўртасидаги катта гулхонада йилнинг энг гўзал даври — ёз бун'ёдга келтириши мумкин бўлган барча гуллар рангбаранг товланарди.

— Мана, каникул келди, — деди Матусякова. — Каникул вақтида нима иш қиласизлар?

— Нима қилардик: уйда ул-булга қарашамиз, ке-йин балиқ... қўзиқорин... Нима қилсанг қилаберасан, ихтиёр ўзингда! — деди офтобда исинар экан Стасек Шмель.

— Ия, ҳали йил бўйи бироннинг ихтиёридамидинглар! — деб кулди кампир. — Мактабга ҳеч келмайсанми? Кутубхонага қулф тушадими? Ёз бўйи ҳечким китоб кўрмасинми?

— Йўқ, ундаи эмас, мактабда иш бўлади, ҳар куни келиб туришга тўғри келади,— жиддий жавоб берди Стасек Шчипала.— Филиалнинг бу йилги ҳисоб-китобини қилиб чиқиб, келгуси йилга тайёргарлик кўриш керак. Биринчи синф ўқучилари келади.— Филиалимизда уларга керакли ҳамма нарса бўлиши керак...

— Уларга нима керак бўлар эди? Конфет, қиёмда! — деб гап қистирди Стасек Шмель.

— Бе'mани гапни гапирма... Мен ўзимдан қиёс қиласман, ҳали ҳаммаси эсимда. Бу кичкинтойлар

мактаб деса жонини беради!... Мен ўқитучи бўла-
ман,— деди Теофия жуда жиддий.

Шундай қилиб, ким нима бўлиши ҳақида торти-
шув бошланиб кетди.

— Мен шундай мактабда ўқигим келадики, уни
тамомлагач, кооператив ташкил қилсанг киши. Ҳар-
бир қишлоқда, ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам
кооператив бўлсин. Одамларнинг яхши яшаши учун
қишлоқда қироатхоналар ҳам бўлсин. Айрим киши-
лар учун эмас, ҳамма учун. Ҳамма бу йил бизнинг
синфимиз болалари яшагандай иноқ яшасин. Бири
ёрдам беради, бири маслаҳат... — деди Стасек Шчи-
пала.

— Мен шундай мактабда ўқигим келадики, уни
тамомлагач... — Вицек-камгап шундай деди-ю, ду-
дуқланиб қолди. У ҳавода доирами, зинапоями, ёки
иморат қаватларими — ишқилиб, аллақандай бел-
гилар чизиб кўрсатабошлади.

— Ҳаммаси ўз қўлингда, ўғлим! Сенда зўр қоби-
лият бор—сен ҳарқандай қурилишда ҳам иш берасан.
Урушдан кейин мамлакатимизда қурилиш жуда кўп.
Қаёққа қарамагин, бирорта шаҳар ёки қишлоқ қад
кўтараяпти. Ўзинг ҳам бирор нарса ўйлаб қўйган
бўлсанг керак, — деб ўз эркатойини қувватлади Ма-
тусякова.— Сен инженер бўлишинг керак, менинг
сенга насиҳатим шу!

— Мен бўлсам, болалар уйига раҳбарлик қилиш-
ни истайман,— деб секингина гапга аралашди Мар-
цися.— Унда болалар худди ўз уйида яшаётгандек
яшарди. Тоза, иссиқ, тўқ... Яна... Нима десамикин...
улар ҳар қадамда меҳр ва муҳаббат ҳис этиб туриш-
ларини истардим.

— Мен бўлсам, саёҳат қиласман, ҳамма нарсани
текшираман, ўрганаман, эшитаман ва каттакон китоб
ёзаман! — тўсатдан гапга аралашди Стасек Шмель.—
Газеталарда ҳам ҳархил ишлар тўғрисида, ҳамма
нарса яхши бўлиши учун нималар қилиш кераклиги
тўғрисида ёзиб турман.

— Кўрдингми, қандай яхши гаплар гапирдинг,— деб қувватлади уни Матусякова буви. — Энди менинг гапимга қулоқ солинглар.

— Эртак айтиб беринг, эртак! — деб ёлворди Зося сабрсизлик блан.

— Эртак бўлиб, эртак эмас,— деб сўз бошлади кампир.— Мана, ҳозир мен сизлар блан бирга, юзингизга термулиб, гапингизга қулоқ солиб ўтирибман. Ҳеч дийдорингизга тўялмаяпман. Мен сизларни мана бундай бир қарич вақтингиздан, ерда тўрт оёқлаб эмаклаб юрган вақтингиздан бери биламан. Аммо у вақтларда помешчик қўрғонида мана бундай тўпла нишиб ўтириб, Вицек инженер бўлса яхши бўлар эди, деб мулоҳаза қилишимиз хаёлимга ҳам келмаган эди. Қайда дейсиз! Энди Вицекми, бошқами, ҳарбiringиз ким бўлсангиз бўлаверасиз, фақат ўқишига ҳавас бўлса бас. Қандай ишлар бўлиб ўтди-а, ёруғ дун'ёда! Оҳ, қандай яхши, қандай яхши! Қандайadolat! Ҳа, олимлар нима деяр эди? Домократиомиди?

— Демократия, бувижон. Ўқитучимиз шундай десган эди,— деб кампирнинг сўзини тўғрилади ҳамма нарсани биладиган Теофиля.— Ма'носи шуки, масалан, мана бу ерда, илгариги бойнинг уйида бутун қишлоқ учун мактаб очилди, унда истаган кишининг ўқишига ҳақи бор.

— Масалан, менинг отам энди ўз ерида ишлайди, ҳечкимнинг оёғига бош эгмайди. Энди, илгаригига ўҳшаб, бойнинг остонасида қўзиқорин ёки резавор мева кўтариб, бой бир-икки тийин берармикан, деб кугиб туришнинг кераги йўқ. Ҳозир қўзиқоринни көсперативга олиб борсанг, тайинланган нархга со-таверасан,— деб гапга аралашди Зося.— Ер ҳам ишлаган одамники.

— Тўғри! — деб ма'қуллади Матусякова.— Де-мо-кра-ти-я! Шундайми Теофиля?

— Шундай! Шундай! — деди Теофиля.— Бунинг ма'носи...

— Ма'носини энди ўзим ҳам биламан,— деб жа-

воб берди Матусякова.— Қани, болалар, ҳамма уй-үйига! Ёки қўнғироқ чал, демоқчимисизлар? Йўқ, чалмайман: ҳозир каникул.

— Буви, биз ҳозир кетамиз, аммо эртага ҳайдамайсиз. Кутубхонага, «Камалак остида» филиалига келамиз. Ишимиз бор! — деб кулишди болалар ва зинапоя поғоналаридан туришди.

Улар дарвоза томон, шуваб қўйилган жойи — тўп снаряди тешган еридаги ямоғи ҳамон оқариб кўринаётган ўша девор томон йўл олишди.

Ахир бу уларнинг озод Польшадаги биринчи ўқув йиллари, урушдан кейинги биринчи баҳтли йиллари эди-да.



ВЕСЛАВ РОГОВСКИЙ

П Е Т Р Е К

Отхона дарвозаси очилди. Жиндаккина апрель ёруғлиги отхона ичкарисига кириб, ҳамон у ерда ҳукм сураётган тун қоронғилиги блан қўшилиб кетди. Зимзиё қоронғиликда бокувдаги икки от зўрға кўзга ташланарди. Хўжайин отхона бурчагига қараб юрди.

— Петрек!

Жавоб йўқ.

Хой Петрек, иш'ёқмас! Бугун турасанми ўзи?

Похол шитирлади. Устига ташлаб ётган бирнеча от ёпифи остидан ўн саккиз ёшлар чамасидаги гавдали бир йигит туриб келди. У дастлаб тўзғиган сочларини силади, илашган хас-чўпларни олиб ташлади, сўнг яланг оёқларига оғир этигини киябошлади.

— Соат беш бўлса ҳам ётаверасанми! Беда қирқишиш керак. Молларга ем бергандан кейин Бааралникига бориб, картошка экадиган ерини ҳайдаб берасан. У ҳам йифим-терим вақтида қарашиб юборади. Тезроқ қимиirlа.

Хўжайин оти олдига бориб, сағрйисини силади. Оғзини карракдек очиб эснади. Ҳозиргина туриб келган иссиқ пар тўшагини қўмсади. Яна бироз ухлаб олиш керак, деб қайтиб уйига кириб кетди.

Петрек чала қолган уйқусини ўчириш учун биркеришиб олди-да, хирмонга кетди. Жодининг бир те-

кис гурсиллаши бутун қўрғонга эшитилабошлади. Кейин Петrek омочни аравага ортди-да, отни олиб чиқиб, қўшабошлади. Ҳовли жимжит, ҳали трубаларда тутун кўринмайди.

— Ўзлари уйқуни уришаяпти, итваччалар, мен эса улар учун ишлашим керак!

Петrekнинг ғазаби ҳалқумига келди. У сакраб аравага чиқди-да, жон-жаҳти блан отга қамчи солди. От шундай шиддат блан чопиб кетдики, сал бўлмаса Петrek аравадан учиб тушай деди. Филдираклар ҳовлига ётқизилган тош устида тарақлай кетди, лой кўчага чиққанда улар овози тинди. Петrek кўчанинг икки томонига ғуж бўлиб қатср терилган уйларнинг дебразасига қараб-қараб қўярди. Ба'зи уйларда одамлар аллақачон туришган, томлари устидан енгил тутун бурқираб кўтарилемоқда.

Мана, қишлоқ тугади. Петrek энг чеккадаги уй ёнидан ўтаётганда:

— Петrek! Петrek! — деб қичқирган товуш эшитилди.

Йигит тизгинни тортди. От тўхтади. Дарвозадан бир қиз югуриб чиқди. У сут солинган иккита катта бидон кўтарган эди.

— Петrek, аравангга тушириб ол! Шаҳарга сут олиб кетаяпман. Ўзинг қаерга бораяпсан?

— Кел, чиқиб ол, Ганка! — У қизнинг қўлидан бидонларни олиб, омоч ёнига қўйди. Баралникига ер ҳайдагани кетаяпман.

— Ҳа, биламай, биламан!

У Петrekнинг ёнига ўтирди. Арава қўзғолди. Йигит жим борарди. Эрта тонгдан то ярим кечагача ишлагандан кейин ҳатто гапиришга ҳам хушинг бўлмайди. Тўйиб ухлаб олишга ҳам, овқатланишга ҳам вақт йўқ. Ҳамма нарсадан ҳавсаланг пир бўлиб кетади. Эҳтимол, бегоналарни кида ишлассанг сал енгилроқ бўлармиди. Ўз амакинг қўлида бўлганинг учун ҳам ёмон овқат-у, отхонада ётиб юриш учун эртаю-кеч тинмай ишлайсан.

Петрек яна жон-жаҳти блан отга қамчи солди. Арава олға силтанди. Ганка сапчиб бидонларига ёпишди.

— Ҳайрият, тўкилмапти. Яхши ҳам оғзини маҳкамлаб бекитган эканман, бўлмаса ишнинг расвоси чиқувди! — Қиз бидонларини ўзига яқинроқ сурис қўйди. — Менга қара, Петрек, сени бирор амакингга боғлаб берганми? Уницидан кет. Эҳтимол, бирор тузукроқ жой топарсан.

— Эҳ, Ганка, айтишга осон! Бошқа борадиган жойим бўлгандан... — У ўйланиб қолди. — Фақат бойларникига батрак тушиш мумкин. Бойларнинг эса ҳаммаси бир гўр.

Йўлнинг икки чеккасида дарахтлар ўсиб ётарди. Ҳайдалган ер кўмкўк кузги буғдой орасида қорайиб, яққол ажралиб туради. Тонг ёришиб келмоқда. Йўлда қимир этган жон кўринмайди.

* * *

Петрек ишни тамомлаб, аравани хирмон яқинига келтириб қўйди. От абзалини отхонага элтиб қўйдида, ўзи уй томонга юрди. Тушки овқат вақти бўлай деб қолганди. Унга яна картошка бериб, ўзлари гўшт есалар керак. Петрек ўз тақдирини ўйлар экан, ҳам ғазабланар, ҳам ачинарди. Лекин кимнинг ҳам турмуши уницидан енгилроқ? Оқсоқолникида хизмат қиласидан Стакнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам аҳволи шу. Балки Стефанники яхшироқдир? Йўқ, руҳонийникида ишласа ҳам, барибир шундай оч-яланғоч. Батракликдан ёмон нарса йўқ-да.

Петрек тупуриб қўйди ва ичкари кирмоқчи бўлиб, эшик тутқичини ушлади. Шу пайт у дарвоза олдида хат ташучини кўриб қолди.

— Шошмай тур, Петрек! Сенга ба’зи нарсаларим бор.

У сумкасини титкилади. Йигит конвертни қўлига

олди. Маркасиз. Расмий хат. Петрек хатни очиб, ичидан буқланган қоғозни олди.

«Польшага хизмат»¹ ташкилотининг уезд комендантураси. «Гражданин Петр Миштал... Ихтисос-рўйхат комиссиясига чақирилади».

Петрекнинг юраги дукиллаб урабошлади, у хат ташучи кетидан:

— Раҳмат, пан Вуйцик! — деб қичқириб қолди.

Петрек югуриб уйга кирди-да, хатни хўжайин қўлига тутқазди:

— Мана, ўқинг! Эртага комиссияга бораман.

Амакиси йигитга қаради, сўнг кўзойнагини олди. Унинг ғазаби қайнаб, қўллари титрайбошлади, хатни эса охиригача ўқимади.

— Бормайсан! Ишдан қолдиришади! Жин урсин бу демократик тартибларни!

У ўзича алланималар деб минғирлаб турди-турди-да, кейин яна ғазаби қайнаб деди:

— Оқсоқолнинг олдига бораман! Йўл қўймайман! Бормайсан эртага!

Чол Петрекка ўгирилди. Йигит унинг кўзларига бамайлихотир қараб турарди. У:

— Бораман! — деди-ю, уйдан чиқди. Шу куни унта ҳечқандай овқат бермадилар, броқ у унчалик хафа бўлмади. Ахир бу биринчи марта эмас-ку.

* * *

«Қимматли Гануся!

Балки хатимни олиб ҳайрон бўларсан. Лекин бу ергагиларнинг ҳаммаси қариндош-уругларига хат ёзадилар, менинг бўлса, дунёда сендан бошқа ҳечкимим йўқ. Амаким блан жанжаллашганимни эшитган бўлсанг керак. Броқ иш мен қандай ўйлаган бўл-

¹ «Польшага хизмат» — ёшларни меҳнат ва мудсаага тайёрловчн ёшлар ташкилоти.

сам шундай бўлиб чиқди. Комендант амакимга: бақиришларингиз ҳаммаси бехуда, деди. Мен бўлсан кетидан яна илгари мен қиласиган ишларнинг ҳаммасини энди ўзи қиласин деб қўшиб ҳам қўйдим. Шундай қилиб, ўйлаганимдай бўлди.

Биз йигирма киши жўнадик. Алоҳида вагон бердилар, товарний вагон бўлса ҳам, жой бемалол эди. Вроцлавга келганимизда оғзимиз очилиб қолди! Шаҳар катта, лекин жуда вайрон қилинган. Бизни лагеръга олиб бориб, кийим-бош беришгандан кейин ҳечқайсимизни таниб бўлмай қолди — шундай бир-биrimизга ўхшаб кўринардик. Овқатлар яхши, истаганингча беришади. Амакимнидаги сингари эмас. Иш ҳам уникидагидай оғир эмас. Энди мен ишга бошқача қарайдиган бўлиб қолдим, чунки амаким ёки бошқа бирор учун эмас, ҳамма учун ишлайман. Биз бу ерда ўқияпмиз, ўйин-кулги ҳам қиласиз. Мен кўп нарса ўргандим. Энди камбағалларнинг ҳам яхши яшаши учун нима қилиш керак эканини биламан.

Бир куни биз театрга бориб, яхши бир спектакльни тамоша қилдик. Ҳар ҳафтада кино келади. Ҳозирнинг ўзидаёқ уч марта қўйилди. Бизда меҳнат мусобақаси ўтказилади, мен взвод бўйича биринчиликни олдим. Энди ротада биринчиликни олишга ҳаракат қиласман. Удда қилолсам, бригадада ҳам биринчиликни эгаллайман. Иложи борича кўпроқ ишлашни истайман, чунки энди мен ким учун ишлаётганимни биламан. Гануся, мени эслаб тур. Амакимнидаги эса қайтиб бормайман. Балки кейинроқ бирор мактабга кириб ўқирман. Тезроқ хат ёз. Сени қучиб ва ўпиб қоламан.

Миштал Петр».

Петрек хатни ёзиб бўлди. Ҳуштак товушини эшишиб, чопганича ҳовлига чиқди. Кечки йўқлама бошлинаётган эди.

* * *

Петрек кафти блан пешонасини арти-да, энгашиб яна кетма-кет, тез кирка урабошлади. У гўё ўзини-ўзи, қуваётгандай ғоят тез ишларди. Шамолда тўзғигаң ғишт кукуни офтобда қорайган ва тер босган елкала-рига келиб ўтиради. Унинг ҳарбир кирка уришида бузилаётган девор парча-парча бўлиб кўчиди ту-шарди. Иш тугашига фақат бир ҳафтагина қолган, мусобақадошлар орасидаги ўрнини қўлда сақлаб қо-лиши керак. Бу фикр Петrekни янада тезроқ ишлаш-га ундарди. У кирканинг гурсиллаб урилишига оҳанг-дош қилиб, ўзича: «Кўпроқ, кўпроқ!» дея такрорлар эди. Ўткир кирка баҳайбат секундомернинг стрелка-си сингари биртекис кўтарилиб тушарди.

Ҳуштак чалинди. Петrek киркасини қўйиб, қадди-ни ростлади-да, девордан тушабошлади. «Қани, кет-дик!» деган команда эшитилди. Ҳадемай қўшиқ янг-райбошлади.

Энди тарқалган ҳам әдиларки, командир Петrek-ни чақириб қолди:

— Бирор сизни кўргани келибди, қабулхонага бо-ринг!

Петrek қувонганидан бошлиқ блан гаплашаётга-нини унутиб ва унинг гапини охиригача эшиитмай, қа-булхонага қараб юурди.

— Ганка келган! Худди Ганканинг ўзи!

Юраги дукиллаб урабошлади. Чодир пардасини очиб, ичкари кирди. Стол олдида... амакиси ўтиради.

— Ҳа, Петrek! Бери кел, — деди у ва қўл узатди.

Петrek истар-истамас унинг олдига борди.

— Салом! — деди у, кейин нима бўларкин деб кутиб турди.

— Амакинг блан шунаقا кўришасанми-а? — Ама-киси илжайди, броқ унинг кўзларида ғазаб яширин-ган эди. — Майли. Бу ерда қандай яшаётганингни кўриб, аҳволингдан хабар олай деб келдим. Бизга хат ёзмадинг. Дуруст, ўсиб, катта киши бўлиб қолибсан.

Петрек оғиз ҳам очмади.

— Сенга бироз нон блан гилос олиб келган эдим..
Бу йил гилос яхши қилди. Ма, еб кўр. Қара, қандай
мазали, ширин. — У бир тугунчани йигит олдига сур-
риб қўйди. — Мана бу пулни ҳам ол. — У стол усти-
га беш юз злотий қўйди. Нимага индамайсан? Кел,
ёнимга ўтириш!

Петрек ўтириди. Балки амакиси ҳақиқатан ҳам ун-
ча ёмон одам эмасдир? У тугунчани ечабошлади.
Амакиси қўлини чўнтағига тиқди:

— Яна бир нарсам бор. Ганка, сенинг олдинга ке-
лаётганимни эшитиб, хат бериб юборди. Ма, ол.

У Петrekка ҳаворанг конверт узатди. Лекин хат-
ни олиш учун Ганканинг олдига ўзи кирганини айт-
мади.

Петрек энди ҳақиқатан ҳам амакисига ишонабош-
лагандай эди. У эндигина хатни ўқимоқчи бўлиб тур-
ган эди, бирдан ҳуштак чалиниб қолди.

— Амаки, сиз ўтиратуринг, мен бориб машғулот-
дан жавоб сўраб кўраман. Эҳтимол, дарров қайтар-
ман.

У юргурганча чодирдан чиқиб кетди. Айтганидай,
дарров қайтиб келди. Амакисига лагерь ҳаёти, ўз-
муваффақиятлари тўғрисида сўзлаб берабошлади.

— Биламан, ўқиган эдим. — Чол чўнтағидан ўша
мақола босилган газетани олди. — Сен тўғрингда ях-
ши ёзишибди... — Нега гилосдан емайсан. Ол, татиб
кўр жуда бўлмаса.

Петрек гилос еябошлади:

— Жуда ширин, серсув экан. Олинг, ўзингиз ҳам
енг, амаки.

Чол гилосдан бирнеча дона олди, лекин емасдан,
гални нимадан бошласам экан деб ўйлайбошлади.

— Петрусь, сенсиз мен жуда қийналдим. Ҳадемай
қайтарсан-а? Сбор қачон тугайди? Бир ҳафтадаң
сўнг? Ҳа, ундей бўлса яқин қолипти.

Улар бироз жим қолишиди.

Кейин амакиси:

— Сенга бригадада биринчиликни олган деб бирорта справка беришармикин? — деб сўради.

— Балки беришар.

Амакиси гилосдан бир дона олиб, оғзига солди-да, чапиллатиб еябошлади. Данакларини полга пуфлаб ташлади.

— Ўша справкани ҳозир олиш мумкин эмасми?

Петрек ҳуш'ёр тортди:

— Нима қиласиз уни?

Амакиси индамади. Яна гилосдан бирнеча дона еди.

— Справкани нима қиласиз? — такрор сўради Петрек.

— Биласанми, — деди чол лаганбардорлик қилиб, — бу йил солиқ жуда катта келди. Справка ёрдам берармикин деб ўйлаган эдим, ахир оқсоқол яқин танишим-ку...

— Ундан чиқди справка сизга... — деб унинг гапини бўлди Петрек.

— Биласанми, мен оқсоқол блан келишиб қўйдим, — деди амакиси.

— Шунинг учун келдингизми? Ҳали бу гилос блан пуллар справка учун денг? Яна менинг кучимдан фойдаланмоқчимисиз? Мен бўлсам сизнинг бу муносабатингизни чин кўнгилдан деб билибман! Солиқ жуда катта келдими? Менга ўхшаганлардан кўрган фойдангиз ҳали озлик қилаяптими? Одамларни шунча эзганингиз етмадими?

Амакиси курсидан турди. Унинг ғазаби ҳалқумига келган эди.

— Эҳ-ҳа, шунақа тилинг чиқиб қолдими, ярамас? Мен тилингни бу ёққа суғуриб оламан! Шошмай тур ҳали!

У шундай деб Петрекнинг бўғзига ёпишди.

Петрек унинг қўлидан чиқиб, чолни итариб юборди.

Амакиси гурс гутиб, полга йиқилди.

Шу пайт чодирга майор Галонзка кириб келди:

— Нима гап ўзи? — У полда ётган чолга қарди. — Миштал, бу нимаси?

— Жаноб офицер, жаноб офицер! Мен уни кўргани келсам, у мени дўппослаб урди. Шунчалик ҳам безори бўладими! Ўз амакисига мушит кўтаради-я?!

Чол бироз ўйланиб турди, сўнг столда ётган беш юз злотийни олиб, чўнтакка урди.

— Мен кетақолай энди...

У Петrekка пўписа қилиб, чиқиб кетди.

— Миштал! Сиз бугун жазо оласиз. Бизнинг отряд а’зоси ўзини қандай тутишни билиши керак.

... Мана, Петrek ёлғиз ўзи қолди.

Тун жуда ажойиб. Тўлин ой чодирни ёритиб турипти. Ерда узун-узун, аниқ соялар ўрмаламоқда. Петrek милтигини елкасига осганча участкани жимгина айланниб юрарди. У бутун бригада олдида уятга қолганини, хўр бўлганини ўйларди. Келиб-келиб у, энг илгор йигит шундай қилса-я! Ўшанда у ҳамма фикр, туйғуларини босган, кўз ёшлари томонига тиқилиб келганига қарамай, чурқ этиб оғиз очмасликка, ўзини оқламасликка аҳд қилган эди.

Петrek чодир соясида тўхтади.

Шамол кўтарилиб, дарахт баргларини шитирларди. Буталар ғайри-табии тусда биртекис, ғалати силкинарди. Гўё улар тагида одам ётгандай туюларди. Петrek диққат блан тикилиб қарайбошлади. Шубҳа йўқ: у ерда одам бор! Петrek елкасидан милтигини олди-да, буталар томон юрди. У буталар тагидаги одам ирғиб туриб, қочишга тушар деб ўйлаган эди. Лекин у қимир этмай ётаверди. Ёки мурдамикин? Петrek бута ёнига етиб борди. Бу хари экан. Петrek жаҳл блан харини бир тепди-да, чодир ёнига қайтди.

Бир офицер дарвоза томондан унга қараб кела бошлади.

Петrek уни таниди: бу майор Галонзка эди. У тўғфа Петrekка қараб келарди.

— Тўхта! Ким у?

Майор тўхтади:

— Бригада командири.

— Утаверинг!

Майор соқчи ёнидан ўтиб, ўз чодирига қараб жетди. Петрекнинг юраги дукиллаб урабошлади.

«Мен тўғримда ёмон фикрга бормасин учун унга ҳаммасини айтиб берсаммикин? Ҳа, эртага эрта бла-ноқ, иложи борича тезроқ унинг олдига кириш керак!»

* * *

— Мана энди сиз ҳаммасини биласиз. Мен тўғримда ёмон фикрга борманглар, дедим-да.

Майор қўлидаги қаламини беихтиёр айлантириб, индамай ўтирас эди.

— Демак, мен сизга нотўғри муносабатда бўлган эканман, Миштал.

— Гап бунда эмас. Ахир шундай қарашда мен айбордрай эдимда. Сиз қаердан билардингиз?!?

— Ҳа, тўғри. Лекин сиз мендан хафа эмасмисиз?

— Йўқ, йўқ!

Майор Галонзка ўйланиб қолди.

— Мен ҳам дәҳқонман. Мен ҳам ўқиши истар эдим. Лекин урушдан аввал аҳвол бутунлай бошқача эди. Менга ўхшаганларга Польша ёрдам бермасди, чунки у вақтда Польша бизники, халқники эмас, панларники эди. Лекин у вақтлар ўтиб кетди. Энди сизларга осон бўлади. Шундай қилиб, сиз шахтёр бўлишни истайсизми? Бўлмаса, мен сизнинг шахтёрик мактабига киришингизга ёрдам бераман.

Петрек қўлини козирёғига олиб борди ва эшикка қараб юрди.

— Миштал!

Петрек тўхтади.

— Лекин сиз бу мактабга фақат командиримнинг ёрдами блан кирада эканман, деб ўйламанг. Урушдан аввалги вақт бўлганда мен сизга ҳечқандай

ёрдам бераолмасдим. Шу эсингиздан чиқмасин. Энди боринг!

Петрек чодирдан чиқди...

* * *

Шторалари ёпилмаган деразалардан тушаётган ой нури девор бўйлаб терилган икки қатор оппоқ кроватьларни ёритиб туарди. Петрек одеялни бoshiga тортиб, кўзларини қаттиқ юмди. Лекин ҳечнарса ёрдам бермас, у сра ухломасди. Миясига фикрлар қўйилиб келарди.

Шундай ухлагиси келиб турганда бирдан «Польшага хизмат» лагери эсга тушади. Икки ой сезилмай ўтиб кетди. Майор Галонзка блан куни кечагина гаплашгандай туюлади; мана, энди у Қатовици ҳунар мактабида. Майорнинг «Эсингизда бўлсин, яхши ўқинг...» деган сўzlари ҳали қулоғидан кетганича йўқ. Ҳа, ўқиш керак. Ҳарҳолда, кирка уринш осонроқ эди. Бир, икки! — деб туриб, қулочкашлаб урдингми, бас, қарабсанки, ерда аллақачон иккита ғишт ётипти. Ғишт уюми кўпайиб, борган сайин кўтарилиб боради. Петрек ажабланиб тикилади. Бир уюм ғишт парчалари ўрнида япянги иморат қад кўтарган. Дераза ёнида Ганка ўтирипти.

«Менга озгина кўмир олиб кел, кўмир, кўмир!» деб қичқиради у.

Мана, ҳамма нарса борган сайин тез айланабошлиди, Петрек уйқуга кетди.

* * *

Бир йигит кўчада кетиб борарди. У чодир ёнида тўхтади. Чўнтагидан пул олиб, бир қути папирос сошиб олди. Яна нари кетмоқчи эди, ҳали бугунги газетани ўқимагани эсига тушди. Биринчи бетини кўриб чиқди, кейин иккинчи бетни...

«Шанба куни... ҳунар мактабида битириш имтиҳони бўлиб ўтди; имтиҳондан айниқса Петр Миштал яхши ўтди...»

Петр жилмайди.

«... Мактабни тамомлаб чиққанлар шахталарга ишга тайинландилар. Ёш шахтёrlар у ерда ўз ватанларининг бахт-саодати учун меҳнат қиладилар...»

Петрек газетани ёнига солди-да, енгил қадам ташлаб мактаб томонга кетди.

Нарсаларини жойлаши керак. У эртага жўнайди.



МАРТА МИХАЛЬСКАЯ

ХЕЛЯ ТРАКТОРЧИ БУЛАДИ¹

ТРАКТОР

Механик Марциняк гувиллаб турган трактордан тушиб, темирчилик ишхонасига кириб кетди. Болалар машинага яқинроқ келишди.

— Уни қара,— деди ҳайратланиб Хенек Малик,— тутунни ҳалқа-ҳалқа қилиб чиқаради-я!

— Бу тутун эмас, ёнишдан ҳосил бўлган маҳсулот,— деб Хенекнинг гапини тузатди опаси Хеля, гувиллаб турган моторга завқланиб кўз ташлар экан. Бу машинадаги барча нарсанинг текис, бир ме'ёрда ҳаракат қилиши унга жуда ёқди. — Ким ўйлаб чиқарган бўлса ҳам роса ақлли одам экан-да! — деди Хеля хўрсиниб.

«Жуда ажойиб экан-да! — деб ўйлар эди у. — Фонарини қаранг — худди каттакон кўзга ўхшайди. Ичиди алланарса доимо гувиллаб, шовқин солиб турди. Кучини айтмайсизми, ўхў! Филдиракларини ерга тираб туриб, бир тортса оғир аравани ҳам чиллак қилиб судраб кетади. Арава нима бўпти! Мана, Францковяк кишилар картошка қазишаётганда далада бирнеча аравани иккита-иккитадан қилиб кетма-кет улади, кейин трактор ҳаммасини бирваракайига судраб кетди. Гулдир-р этди-ю, тортди-кетди...»

¹ Ҳикоя қисқартиб босилди.

Машинанинг бу яширин кучи Хеляни матфун қилди. У тракторга яна бир қадам яқинлашди, катта ғилдиракка қўлини теккизиб кўрди, астагина силади, кейин яна хўрсиниб қўйди.

— Хелька, юр, кетайлик!.. Ҳозир Марциняк амаки чиқиб қолиб, машинани бузасанлар, деб уришиб беради, — деди унинг қўлидан тортиб Хенек.

«Машинага ҳеч қизиқмайди-да бу» деб ўйлади қизча ва машина ғилдираклари остида ернинг титраётганини сезиб, унга яна ҳам яқинроқ борди.

— Хелька, юр, кетайлик... — деб қистади Хенек. — Болалар аллақанча қисқичбақа тутиб қўйишгандир...

Улар бирнечча қадам босишли, кейин... Хелька яна тўхтади: қаршисида тракторнинг металл зинапояси уни таклиф қилаётгандек тебраниб турарди.

Қизча оёқ учиди туриб, темирчилик ишхонаси томонга қаради. Ҳечким кўринмади. Кейин у секин оёғини кўтариб зинапояга чиқди...

Шунда гўё машинанинг ўзи кўтариб олгандай, у тракторга чиқди-да, ҳайдовчининг ўрнига ўтириб олди.

— Ҳой, Хелька! — деб чинқирди қўрқиб кетган Хенек.

Лекин қизча энди ҳечнарса эшитмас, машинанинг шовқинидан қулоғи битган эди.

Қизнинг кўзи олдида йўл, девор ва боғдаги сариқ гуллар мотор блан бир маромда силкинабошлади. Қўллари ўз-ўзидан рульни топди, бармоқлари уни маҳкам қисди...

Ўнинг нафаси қайтиб кетгандай бўлди.

Қани энди, Марциняк амаки сингари қўл блан манави жойини суриб қўйсанг-у, ғилдиракларни ғилдиратиб, моторни бутун қишлоқ эшитгудай гулдира-тиб, ҳайдаб кетсанг!

У буни тасаввур этиш учун кўзларини юмди...

Машина дала бўйлаб бораяпти, мотор кучаниб титрайди. Тракторнинг кетида эса ба'зилари қаттиқ, ба'зилари уваланиб кетадиган ер қатламлари ағда-

рилиб қолаётир... ҳамма даланинг ери бирхил эмас... мотор эса ҳамон гувиллайди!

Одамлар ер ҳайдашаяпти, броқ улар тракторга етиб бўпти! Машина уларни орқада қолдириб кетади. Кекса Котлярчик ҳам, Махейда ҳам, ҳатто тегирмончининг девдай-девдай отлари блан ер ҳайдәётган Собякларнинг хизматкори ҳам орқада қолиб кетди.

Одамлар эса: «Хелька Маликувнанинг ер ҳайдашини қаранг-а! Жуда уста тракторчи эканми!» дейдилар.

У эса бунга э'тибор бермасдан ниманидир сурис қўяди, буради, кофточкасида мотор блан бир вазнда тебраниб турган меҳнат орденига тез-тез қараб кўяр экан, бу ричагчалар, айланачаларни қандай ишлатиш кераклиги тўғрисида фикр юритади...

— Хелька!.. Хелька!.. Марциняк амаки келаяпти! — деб қичқирди Хенек.

Бир зумдаёқ бу дабдабаларнинг ҳаммаси ғойиб бўлди ва Хелька сакраб ўрнидан турди, нимагадир қоқилиб кетди, ҳовлиқиб яна ниманидир силтаб тортиди ва ерга сакраб тушмоқчи бўлди, аммо шу вақт бирдан... трактор секин ўрнидан қўзғолди-да, шовкин солиб, юриб кетди.

— Сизними ҳали, шошмай туринглар, адабсизлар! — деб қичқирди механик темирчилик ишхонасидан югуриб чиқар экан.

Хелька жон-жаҳди блан ерга сакради ва тўғри зовурга қараб юурди, аммо бир тошга қоқилиб кетиб, зовурнинг нар'ёғидаги қичитқи ўтлар ичига йиқилиб тушди. У шу заҳотиёқ иргиб ўрнидан турди-да, пастликка, дар'ё томонга қараб, оёгини қўлтиқлаганча қочиб бораётган Хенек кетидан кучининг борича югуриб кетди.

ДАР'ЕДА

Дар'ёда Эдек Микула блан Юзек Виснёх сув тагидан эски ольха тўнкасини чиқариб олаётган эдилар.

— Ҳа, бир, икки, уч! — деб қичқиришарди улар тўнкани қирғоққа олиб чиқишига уриниб.

Хенек дарҳол уларга бошчилик қилабошлади.

— Қисқичбақаларни битта қўймай ҳайданглар! — деди у ва қулочини ёзиб туриб сувга сакради.— Үндай қилиб эмас! Мана бундай! Юқорига! Ҳа! Бараварига! Яна!

Қопқора тўнка гурс этиб қирғоққа чиқариб ташланди. Болалар зўр-базўр нафас ростлаб олдилар.

Лекин шу пайт тўнканинг барча тешиклари ва илдиз поясидан қопқора ярқироқ қисқичбақалар чиқиб, дар'ёга қараб ўрмалайбошлади.

— Қочириб юборма! Тут! Ана, ана! Чиқаяпти! — деб югуриб қолиши болалар. — Хеля, матрапчани тут, ушла!

— Уни қаранглар, шундай аглаҳ бўлатуриб, яна қайтиб сувга йўл топишга ақли етади-я! — дерди Эдек ҳайрон қолиб. У ажабланганидан ҳатто калта қилиб қирқтирилган малла сочли бошини чайқаб қўйди ҳам.

— Қисқичбақа аглаҳ эмас,— деди Хенек жиддий. У тўнка илдизи ёнида чўққайиб ўтирас ва уни калтаги блан кавларди.

— Сен нима қилаяпсан? Қисқичбақани калтак блан кавлаб чиқармоқчимисан?

— Бўлмаса нима қилиш керак? Ёки унга бармоғимни тутайми? — деб тўнғиллади Хенек, лекин у калтакчасини отиб юборди ва тўнкани қўли блан оҳиста пайпаслайбошлади. У қандай қилиб бўлса ҳам бу қисқичбақани чиқариб олишга аҳд қилди. Хенек балиқ ва қисқичбақа тутишни жуда яхши кўрарди, ялпиз ва ботқоқлик ҳиди анқиб турган салқин қирғоқда ўтириш ҳечқачон унинг кўнглига урмас эди.

Хеля эса тўрни тутиб турар, аммо бу ишидан ўзи ҳечбир лаззатланмасди.

— Қисқичбақалар жуда олисларда худди ўроқ ма-

шиналари ёки бошқа хил машиналар ишлаётганида ўчириллади... — деди у хаёл суреб.

— Ҳадеб машина-машина деяверма, бирпас тинч қўй,— деди укаси унга ўқрайиб.— Трактор устида ўтирганингда Марциняк сени танидимикин-а?.. — Кейин у тўсатдан: — Вой! — деб бақирди ва қўлини силталаб тўнқадан нари қочди: катта бир қисқичбақа қисқичлари блан унинг бармоғини қисиб турарди. Бола бор кучи блан қўлини силкитабошлади, қисқичбақа ўт орасига бориб тушди. — Вой! Вой! Оғрияпти! — у афтини буриштириб бармоғини оғзиға тиқди, аммо шу ондаёқ яна тортиб олди ва ерга тупурди: — Тфу, балчиқ ҳиди келаяпти!

— Ўзинг балчиқнинг ҳидини яхши кўрасанку, — деб жилмайди Хеля заҳарханда қилиб.

— Қисқичбақани ҳаммадан ҳам бармоқ блан ушлаш яхши демабидим сенга... — деди Юзек чапак чалиб, броқ у гапини айтиб тамомламади, чунки Хеля қўлида қисқичбақа тутган ҳолда унинг устига бостириб келабошлади:

— Қани, кўрайликчи, қисқичбақа сенинг бармоғингга ҳам илинармикин!

Қишлоқقا олиб борадиган йўлкада оёқ шарпаси эшитилди.

— Марциняк бўлса керак! Қоч, Хеля! — деди Хенек қўрқиб кетиб.

Лекин буталар орқасида нотаниш бир киши кўринди. У оқ ва қизилга бўялган бирнеча таёқ орқалаб келарди. Унинг кетидан эса ўн икки ёшлар чамасидаги бир бола металл ҳалқачага тизилган бир дастасим қозиқча кўтариб келарди.

Қозиқчалар шундай нозик жаранглар эдики, Хенек ҳатто бармоғининг оғриётганини ҳам унутиб, келаётганларга қизиқиб қарайбошлади.

Улар эса дар'ё лабига келиб тўхташди.

— Шу ердами? — деб сўради бола.

— Ҳа, шу ерда,— деб жавоб берди каттаси.— Шу ердан иш бошлаймиз.

Юзек улар бу ерда нима иш қилишини жуда билгиси келарди. Ҳатто унинг ранги ўчиб кетди, бурни устидаги майда, қалин сепкиллари яна ҳам яққолроқ кўринабошлади.

У ҳалиги келганлар олдига бориб, гап бошлади:

— Манави ерда, мана бу ағдарилиб ётган дараҳтлар ичиди қисқичбақа жуда кўп... Яна қанақалари денг!..

— Сизлар қисқичбақа тутаяпсизларми? — деб сўради нотаниш киши қизиқиб.

— Эй, сени қара-ю! — деди Эдек мушти блан Юзекнинг биқинига туртиб.— Нега айтиб бераяпсан унга?

— Шу ерда ишлашадиган бўлса, барибир кўришади-да қисқичбақаларни! — деб шивирлади Юзек.

У ҳалиги келганларга яқинроқ борди:

— Қисқичбақа тутиш қийин эмас... фақат билиш керак!

— Үргатасанми? — деб сўради нотаниш киши жилмайиб.

— Сувга тушиб матрагчи ёки корзинка блан тутиш керак, агар сувнинг тагида тўнка ётган бўлса уни қирғоқча олиб чиқиш керак-да...— У болага ҳўмрайиб қараб қўйди. Бола жуда озгин эди. У қўй кўзли, тилларанг киприкли, шундай очиқ чеҳра бола эдики, дарров Юзекка ёқиб қолди.— Қисқичбақа тутишни хоҳлайсанми? — деб таклиф қилди Юзек тўсатдан.— Юр, биз блан! Фақат иштонингни шимариб ол, бўлмаса, ҳўл қиласан — одам ачинади-да. Юр... Сув илиқ...

— Бор, Стефек, таклиф қилгандан кейин боргин! — деди нотаниш киши боши блан имо қилиб.— Тушда Қалиталарниги кел. Топаоласанми? Жуда соз. Мен кетдим...— У шундай деб таёқ ҳамда қозиқчаларни олиш учун энгашди.

— Буларни қўйиб кетаверинг, биз олиб борармиз! Сизга оғирлик қиласади,— деб таклиф қилди Юзек, аммо шу ондаёқ нотаниш киши ундан шубҳаланма-

син учун: — Яна тағин ўзингиз биласиз... қайсиси қулагай бўлса шуни қилинг... — деб қўшиб қўйди.

Нотаниш киши жилмайди ва қувноқлик блан кўз қисиб қўйди:

— Майли! Лекин қозиқларни йўқотиб қўйманглар,— деди у ва кетди.

— Бу шақилдоқларни нима қиласизлар? — деди Юзек Стефанни туртиб.

— Нимани? Мана бу қозиқларними?

— Ҳа....— Юзек ҳечнima тушуммаган бўлса ҳам тушунгандай бош қимирлатиб қўйди.

— Жойни белгилаб олиш учун. Тушундингми? Бу ерга темир йўл блан кўприк қурилади... Менинг амаким ана шу ишда ишлайди...

— Сен-чи?

— Ҳмм... мен... — деб минғиллади Стефан иккилануб.

— Темир йўл, дейсанми? Кўприк? Шу ерда-я? — қизиқиб сўрайбошлишди болалар.

— Ҳа, шу ерда, Калиновкада. Олти йиллик планда шундай белгиланган,— деб тушунтириди Стефан қирғоқقا чўнқайиб, оёғини сувга тиқар экан.

Лекин шу вақт Хенек уни итариб юборди, сув жилваланиб гирдобланди, кейин ўзи ҳам шалоп этиб унинг кетидан сувга сакради.

— Буёқка кел! Мана, кўраяпсанми — мен корзинкани сувдан тортиб олишим блан сен дарров қисқиб бақаларни териб оласан.

— Қандай қилиб? — деди ҳайрон бўлиб Стефан.— Шундай, қўл блан-а?

— Ҳа... мана бундай қилиб ол-да, Хельканинг матрапчасига солавер ...Кейин бўлишиб оламиз... Мана... ушла... Вуй, анавининг катталигини қара!

Бирдан улар сувга солган корзинканинг ичи виқирлаб, мавжурди ва кўпикланабошлиди.

Хенек корзинкани тортиб олди, ундан каттакон чўртсан балиқ сапчиб чиқиб, қирғоқдан анча нарига бориб тушди. У ўт орасида типирчилаб, ўзини ҳар

томонга урабошлади, аммо шу заҳотиёқ Хелька уни ушлаб олди.

— Чўртандалиқ! Чўртандалиқ! — деб қичқирди Эдек.

— Мен уни мана шу қирғоқдан неча марта кўрган эдим! Неча марта ушлайман деб ҳаракат қилувдим. Оҳири қўлимга тушди! — дерди Хенек сувдан чиқиб келар экан қувониб.

— Сен сувда юрган балиқни кўраоласанми? — деди Стефан ажабланиб.

— Бўлмасачи! Мен ҳарбир балиқни нишонга олиб қўйганман. Ахир мен балиқчи бўламан-ку,—деди Хенек мақтаниб.

Кишлоқ томондан қўнғироқнинг жаранглаган овози эшитилди.

— Собякларникида чалишаяпти, ҳализамон сигирлар қайтади. Чопиш керак! — деди Эдек ирғиб ўрнидан туриб.

— Сен чопиб нима қиласан? Сигир Собякларники-ку.

— Дадам ўшаларникида ишлайди-да. У сигирларни ҳайдаб келгунча охирга похол солиб қўйиш керак... Хенек, менинг қисқичбақаларимни ҳам олакет, кечқурун кириб ўз улушимни олиб кетаман, — деди у ва юргранча кетди.

— Бу — Собяк дегани шунаقا одамки! — деди фижиниб Хелька. — Кекса Микулани деярли текинга ишлатаётгани етмагандай Эдекни ҳам хизматкор қилмоқчи. Шундай бой бўлса ҳам кўзи тўймайди.

— Кеча бўлса,— деб қўшимча қилди Хенек,— у менга, ойингга бориб айт, келиб киrimизни ювиб берсин, айтиб қўй, агар келмаса, баҳорда бир пайса ҳам ун бермайман, дейди. Броқ ойим энди ундан кўрқадиган ерим йўқ, қишлоқда шундай ўзгаришлар бўладики, эшитсанг ҳайрон қоласан, деди.

— Қанақа ўзгаришлар бўлармиш?

— Мен ҳаердан билай? Кеча оқсоқолникида нима ҳақдадир гаплашишди. Ойим ҳам ўша ерда эди. У

жуда хурсанд бўлиб қайтди... лекин нима гап бўлганини менга айтмади, айтганда ҳам барибир мен сизларга йўл-йўриғи блан тушунтириб бераолмасдим...

— Сен фақат дар'ёмида қанақа балиқ яшашининг «йўл-йўриғини» биласан, холос! — деди та'на қилиб Хелька.— Сенинг миянгда чўртанбалиқдан бошқа нарса йўқ!

Ниҳоят, Юзек ҳам сувдан чиқди. У иштонини сикди-да, деди:

— Кетадиган вақт бўлди! Стефанни Калиталарникига олиб бориб қўямиз-у, қисқичбақаларни уйга олиб югурамиз, тушки овқатга пишириб улгуриш керак.— У таёқ ва қозиқчаларни олиб, югурганча кетди.

Қолганлар унинг кетидан кетишиди. Улар дар'ёдан узоқлашганларидан кейингина куннинг иссиқлигини сезишиди.

Қуёш беҳад қиздираётган мовий осмон ғуборсиз эди. Жазирама ҳарорат анғиз устида худди гулхан устидагидек жимиirlаб турар эди. Қуёшда қизиб ётган йўл оёқни куйдирарди.

Кун дим бўлганидан ольхалар сояси ҳам салқин эмасди. Тўр ва қисқичбақалардан томаётган сув ерга тушган замона йўлнинг бўрсиб ётган тупроғида қуриб қоларди.

— Сизлар Калиталарникига тушдингларми? — деб сўради Хелька.— Узоқ турасизларми?

— Амаким ёз бўйи шу ерда ишласа керак,— деб жавоб берди Стефек.

— Сен-чи?

— Дадам якшанба куни мени олиб кетгани келади. Ax! — деди Стефан иссиқдан қуриб қолган оғзини катта очиб эснап экан.

— Стефан, ма, манави чўртанбалиқни сен ол,— деди Хенек балиқни янги ўртоғига узатиб.

— Уни... сен тутдинг-ку... — деб э'тиroz билдириди Стефек, лекин амакисига ана шундай ажойиб балиқ олиб боришини ўйлар экан, кўзлари чақнаб кетди.

— Ҳаммамиз бирга тутганимиз. Құябер... бу бизнинг танишишимиздан эсдалик бўлади.— Хенек ба-лиқни тўғри унинг қўлига тутқазди ва дарров гапни бошқа томонга бурди: — Юзек, таёқларни бер, мен кўтарай. Сен чарчагандирсан?

— Йўқ, оғир эмас! — деб қичқирди олдинда чо-пид бораётган Юзек.

ХЕЛЯ

Юзек блан Стефан Калиталарникига қараб бурилишди, Хенек блан Хеля эса, уйларига кетишди. Девор орқасидан олхўри шохлари эгилиб турарди. Барглар орасидан ҳар ер-ҳар ерига ранг югуриб қолган мевалар йилтираб кўзга ташланади.

— Войтальскийларниг олхўрисига маза кириб қопти, — деди Хенек.

— Бироннинг боғидаги мевани сен қаердан биласан? — деб ўдағайлади унга опаси.— Яна бирор нарса ўйлаб топгандирсанлар-да? — деб та'на қилди у Хенекка қараб ва тўсатдан ўзларининг уйига қараб кетаётган Марцинякка кўзи тушди... Хеля турган ерида қаққайиб туриб қолди.

— Сен шу ерда, крижовниклар ичида ўтиратур, мен югуриб бориб, нима гап эканлигини билиб келаман! — деб таклиф қилди Хенек ҳозирча Войтальскийларниг олхўриси тўгрисидаги гап чўзилмаганидан хурсанд бўлиб.

Қизча тиканли буталар орасига ўзини урди. Шохлар орасидан секингина мўралади. Марциняк атрофга аланглаб, зинапояда турарди... Ана, Хенек унинг олдига борди... Улар гаплашаяптилар... Хенек қўли блан уйга ишора қилди...

Механик уйга кириб кетгандан сўнг Хенек Хеляга қўл силкитди.

Хеля буталар орасидан югуриб чиқди:

— Ҳа, нима гап?

— Уйга кириб кетди. Онанг қани... мажлис қаерда

бўлаяпти... деб сўради. Мен одамларнинг гаплашаётганини эшишиб, мажлис бизникида бўлаяпти деб айтдим...

«Уҳ, тракторига текканимизни мажлисда айтиб бермоқчига ўхшайди. Худди суддагидек, ҳаммага, ҳаммага айтиб беради, энди нима қилсан экан?...» Қиз қисқичбақа солинган тўрни укасига берди ва ҳеч бўлмаса ўзи тўғрида нима гап бўлаётганини эшитиш учун овоз чиқармай секин ярим очиқ дераза олдига борди.

Хонадан кимнингдир қаттиқ-қаттиқ гапиргани эшитиларди. Хелянинг назарида Марциняк амаки унинг онасига қичқираётгандек туюлди.

Уни даҳшат босди: трактор шу юриб кетганича тўхтамай бориб, темирчилик ишхонасини қулатган ёки зовурга тушиб мажақланган бўлса-я. Мана, энди Марциняк тракторга зарар етказилганини айтиб бериш учун ҳаммани мажлисга чақирган.

Онаси эса бу ҳақда ҳечнарса билмайди ҳам. Қарердан билсин! У бугун уйдан эшикка чиққани йўқ.

Хельканинг юраги шув этиб кетди: ба'зида онаси ишдан чарчаб келиб:

«Ҳа, майли! Бахтимга омон бўлсанглар бас!» — деб қўярди.

Мана, сенга баҳт! Балки бу зарарни қоплаш учун бутун ер блан уйни беришга тўғри келар!.. Шундай катта трактор-а!

Үйдагилар яна ҳам қаттиқроқ гаплашабошлишди.

Хеля: кел, бўлганича бўлар, деб қўйди.

У дадил қадам ташлаб ошхонага кирди.

Уйдан Марцинякнинг овози дона-дона эшитилиб турарди.

—... Бизга трактор жуда зарур, машина ҳам; буларсиз ишни ҳечбир уддалайолмаймиз...

Хеля тутқични қисиб ушлади. Эшик фижирлаб очилди.

Уйда одам кўп эди. Улар ҳамаёқда: скамейкада, сандиқ устида, стулларда ўтиришар, девор тагида туришарди; Марциняк эса скамейканинг бир чеккасида

ўтирарди, у ниманидир тушунтираётган бўлса керак, қўли юқорига кўтарилиган эди.

— Бор, ошхонага чиқ, Хелька, халақит берма, — деди онаси.

Аммо қизча олдинга юрди.

Ҳамма унга тикилиб қолди.

— Мен... мен... — деб ғулдиради қиз қизарид.

— Хўш, қизим, нима демоқчисан? — деди Игнасяк амаки жилмайиб.

— Мен, онам айборд эмас, демоқчи эдим... Мен айблиман... Иннайкин... мен ишлайман... жазо берсангиз ҳам... ёки нимаики лозим бўлса... лекин онамга тегманглар, чунки у мутлақо айборд эмас!

— Нима гап ўзи? Қанақа айб? Сен нима ҳақида гапирайпсан, қизим? — деди Игнасяк ҳайрон бўлиб.

— Марциняк амаки айтиб беради сизга... — деб жавоб берди қизча, унинг кўзлари ёшга тўлди. — Ҳалиги, бузилган трактор... Унинг устига мен чиққан эдим.

Марциняк унга томон энгашди ва кўзларига тикилди:

— Тракторнинг устидаги сенмидинг, ҳали? Қизча бош иргитди.

— Нега чиқдинг? Қўрқмадингми?

Хелька «йўқ» дегандек бош силкитди.

— Мен машинадан қўрқмайман!

— Нима қилмоқчи эдинг унинг устида?

— Ҳайдамоқчи эдим...

— Сени қара-ю, ёки тракторчи бўлмоқчимисан?

Қизча бошини шундай тез силкитди, соч ўримлари ҳартомонга учди.

— Ҳа, энди тушундим! Сен кўпчилик олдида ўз шўхлигингни тан олишга келгансан, шундайми? Баракалла, отангга раҳмат! — тўсатдан Марциняк унга жиддий тикилиб сўради: — Гараж олдида турган бензинли бочкача қаёққа ғойиб бўлди, а, айтиб бераолмайсанми?

— Мен... билмайман.

— Балки сен олгандирсан? А? Тўғрисини айт! —
Кейин у гап нимада эканлигини тушунтириб бериш
учун йифилганларга ўгирилди.— Бундан икки кун ол-
дин,— деди у,— бензин солинган кичкинагина бочка-
чам йўқолди. Заарар-ку кўп эмас-а, лекин ҳарҳолда
яхши эмас-да... Қани, қизим, айтчи, уни қаерга яши-
риб қўйдинглар?

Хеля хафа бўлди. Тракторга у тасодифан чиқди,
аммо сўрамасдан бирор нарсани олиши ҳечбир мум-
кин эмас!

— Мен ҳечнарса олганим йўқ! — деб йиғлаб юбор-
ди қиз. — Лекин керак бўлса, мен ўша бочкача учун
ҳам ишлаб бераман.

Марциняк уни бағрига босди:

— Йиғлама, йиғлама. Яхшиси, нима иш бўлгани-
ни айтиб бер, нима учун сен ишлаб бераман деяпсан.

— Ахир, трактор бузилди-ку... Зовурга тушиб...
ёки яна бирор ерга...

— Тракторга ҳечнарса бўлгани йўқ. Мен уни сен
сакраб тушган заҳотинг тўхтатдим. Сен, булар онам-
ни койишаяпти, деб ўйладингми? Вой тентак-эй! Лекин,
ҳарҳолда, онангни ёқлагани келганинг учун бал-
ли, гап шундай экан, мен эртагаёқ тракторни кўрса-
таман сенга. Эрталаб темирчилик ишхонасига — ме-
нинг олдимга кел. Хўпми? Хоҳлайсанми?

— Хоҳлайман! — деб бош ирғитди Хеля кўз ёш-
ларини ютар экан.

— Марциняк, гапингни давом этдир, — деди ўти-
гаплардан бири.

— Биз олти йиллик план ҳақида гаплашаётган
эдик, — деди Марциняк, — мана, ўша план бизнинг
кўз олдимизда амалга ошаётир. Қишлоғимизда иш-
лабчиқариш кооперативи ташкил этамиз, биз ўз ер-
ларимизни машина блан ишлашни истаймиз, шунинг
учун кўплаб ёш тракторчилар тайёрлашимиз керак,
афтидан, бу ерда тракторчи қиз ўсиб етишмоқда! —
у Хелянинг елкасига қоқиб, қувноқлик блан кулди: —
Бор энди, қизим. .

— Хельця, деразани очиб қўй, бу ер димиқиб жетди, кейин ошхонага чиқиб, овқатга қара, — деди онаси.

ХЕНЕК

Хеля карам шўрвани кавлаб қўйди, яна бирор нарса солиш керак эмасмикин деб татиб кўрди (яхши пазанда бўлади, деб бир мақташсин), аммо уйда бўлаётган мажлис ҳеч хаёлидан кетмасди.

Олти йиллик план ҳақида гаплашишайти... Броқ у ҳечнима тушунмайди, бу қанақа план эканини билмайди. Бу планга қараганда, у тракторчи бўлиши мумкин экан-да... Мактабда ўқитучи уларга давлат плани ҳақида гапириб берган бўлса ҳам Хеля булар ҳаммаси қаердадир узоқларда деб ўйлаганди. Бу катта давлат планининг Калиновка сингари кичкинагина қишлоқчага қандай алоқаси бўлиши мумкин? Энди билсаки... билсаки планнинг буларга ҳам алоқаси бор экан: дар'ё устига кўпприк солинар экан, кўпприкдан темир йўл ўтар экан. Кейин у онасининг кеча Кшеменицида фабрика қуррабошлиди, деганини... олти йиллик планга мувофиқ бу қурилиш тез кунда битиши керак, деганини ҳам эслади, энди бўлса Марциняк амаки ёш тракторчилар тайёрлаш керак, деб айтди... шунинг учун у... Хеля...

— Тсс! — деди Хенек қия очилган эшикдан. —
Ха, нима гап?

— Ҳечнарса...

— Марциняк амаки нима деди?

— Эртага эрталаб менинг олдимга кел, деб айтди, у менга трактор тўғрисида гапириб беради. Чунки мен тракторчи бўламан! — деди фахрланиб Хеля.

Бола таажжубдан ҳатто афрайиб қолди.

— Қўйсангчи, ёлғон гапираяпсан! У сени қаттиқ койидими, а?

— Ҳеч койигани йўқ, — деб жавоб берди Хеля карам шўрвани кавлар экан.

Хенек ишонқирамай бошини тебратди, броқ Хеля

ҳазиллашаяпти-ку, демак қўрқадиган жойи йўқ экан, деган қарорга келди.

— Икки кундан сўнг сигирларни Эски Млинис-кидаги молхонага кўчирамиз,— деган гаплар эшитиларди очиқ деразадан,— уларга Микула қарайди,— дерди Игнасяк амаки,— Стахля эса, унга ёрдам беради, чунки молларимизнинг ҳаммасини бир киши эплайолмайди. Ҳаммаси бирга ўтлатилади.

— Душанба куни ер ҳайдашга чиқсан керак,— деди йўғон овоз блан Виснёх.

— Трактор душанба кунигача тайёр бўлади,— деб қўшиб қўйди Марциняк ва шу ондаёқ қайси ерлэр буғдой экиш учун, қайси ерлар сули экиш учун ҳайдалиши кераклиги ҳақида мулоҳаза қилабошлади.

— Ерлар яхлит-яхлит бўлади, шунинг учун уларни яхшироқ ишлашга имкон туғилади,— деди Калита.— Бирорта майдон ҳам от блан ҳайдалмайди, ҳамма ерни фақат трактор блан ҳайдаймиз! Ҳосил ҳам бунақа бўлмайди! Йўқ, чакана бўлмайди ҳосил!

Кейин Эдекнинг отаси Микула гапирабошлади. У, модамики бизда ишлабчиқариш кооперативи бўлар экан, демак фақат ерларгина эмас, яйловлар ҳам умумлашади, ўшанда тўғонни нар'ёқдан Калитанинг ери томонидан қуриш, сувни юқорига чиқариб, ҳовуз қилиш мумкин бўлади, деди. Ахир бу сув бостириладиган ўтлоқлардан ҳечқанақа фойда йўқ-да, қурбакалар сакраб юради, холос.

— Бу ишни яхши кўрадиган болалардан бирортасини балиқчилик мактабига юборамиз, кейин у шу ерда ҳовузларда ишлайберади... — деб гап қистирди Игнасяк амаки.

Хенекнинг нафаси ичига тушиб кетди. Бу ўтлоқларда қандай ҳовузлар қилиш мумкин-а! Худди Ясенницадаги ёки давлат қишлоқ хўжаликларида гидек ҳовузлар қилса бўлар. Зоғорабалиқлар қирғоқ яқинидаги саёз жойда офтобда исинади. У, Хенек Малик эса, мана шу ҳовузларда ишлайди.

Кейин Владек Стахля, бу ишларни амалга оши-

риш учун бизда маблағ борми, олти йиллик планда Малиновкада балиқчиликни ривожлантириш кўзда тутилганми, деб сўради. Имкони борича кўпроқ буғдой экиш, сигир, чўчқа ва бошқа ҳайвонларни имкони борича кўпайтириш кераклиги ма’лумку-я, аммо балиқ масаласи қандай?

Хенек буни эшишиб, тоқатсизланабошлади. Аммо шу заҳотиёқ Вишневский: ҳарбир парча ердан фойдаланиш керак, ҳарбир парча ер одамларга имкони борича кўпроқ фойда келтириши керак, деб жавоб берди. Сув бостириладиган яйловлар экин экишга ярамас экан, демак у ерларни ҳовуз қилиш керак. Давлат планини бажариш учун худди ана шундай иш тутиш лозим.

Ҳовуз тўғрисидаги гап тамом бўлди, бола бу янгиликни бирар ўртоғи блан бўлишиш учун юргурганча кетди.

ТЕГИРМОНЧИ

Бошқаларга қараганда Юзек яқинроқда эди. Шунинг учун Хенек тегирмонга қараб чопди, аммо ҳовлида аллакимларнинг бақиришаётганини эшишиб, девор ёнида тўхтаб қолди.

Ҳовлида қандайдир тасаввур қилиб бўлмайдиган ҳол юз берган эди: тегирмончи бақирап, хотини эса овози борича чинқириб, унга гап қайтарарди. Бу тўстўполоннинг ҳаммаси Эдекнинг отаси қари Микула мажлисга кетиб қолиб, тегирмончи еттита сигирга ўзи қарашга мажбур бўлгани туфайли эди.

— Кооперативга киргилари келиб қопти-да, жулдурчопон! — деб қичқиради дарғазаб бўлиб Соғяк. — Мен уларга кооператив қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман! Менда ким ишлайди? А? Кооперативни кўрсатаман мен уларга... — Кейин у деразага қараб, бирдан жим бўлиб қолди.

Дераза олдида Хенекка нотаниш бир йигит турарди. У Собякка жим бўл, деб буюргандай, бармоини

оғзига олиб борди, кейин яна кўк сопли қаламтараши блан олма артишга тушди.

— Ҳой сариқ итвачча, тезроқ қимирла, йўқса уриб ҳайдайман! — деб ўшқирди тегирмончи Эдекка. — Итдай қилиб ҳайдаб юбораман, отангнинг маошини босиб қоламан. Кўрамиз, унга нима қолар экан! Қани, бўл, қимирла! — дерди у қўлидаги паншахани ўйнатиб қайси ишни олдин бошлашни билмай турган Эдекнинг устига бостириб борар экан.

Хенекнинг жаҳли чиқди. Тегирмончи ўзи кўникмаган ишни қилишга мажбур бўлгани учун бақираяпти... Лекин сўкиши, бунинг устига сариқ ит деб ҳақорат қилиши-чи! Йўқ!

«Шошмай тур! Сен ҳали бошқачасига бақиран!» деб ўйлади у ва тўсатдан қандайдир бир қарорга келди-да, кўриб қолмасинлар деб энгашиб, девор ёни блан тегирмонга сув тушадиган тарнов бошига қараб чопиб кетди.

Кучи етмади — бутун гавдаси блан босишга тўғри келди... Тўған тахтаси ойнадек текис сувга секин-аста ботабошлади. У зўр бериб кучанди, ана... Тарновда сув жуда камайиб қолди. Ниҳоят тўған тахтаси сув тагига бориб тегди. Хенек чангакни суфуриб олди-да, қамишлар орасига улоқтириб, кетидан ўзи ҳам қамишзорга кириб кетди.

Тегирмоннинг гулдираши яна бир минутча эшитилиб турди, броқ у борган сайин секинлашиб борарди, охирни жим бўлиб қолди.

Энди Собяклар ҳовлисидан қичқирган ва сўкинган овозлар аниқроқ эшитилабошлади. Лекин қўққисдан у ер ҳам жим бўлиб қолди, аллақанаقا қаттиқ овозлар энди тегирмондан эшитилабошлади. Собякнинг хизматкори Вацек Петшак алланарсанни тушунириарди. Собяк унга қараб ўшқирди:

— Нима? Сувни бирор беркитиб қўйди, дейсанми? Қуриб кетсин! Вацек, каллаварам, югар тез, сувни оч!

— Ўзингиз югуринг! — деб жавоб берди Вацек. — Беркитган одам, уни билиб беркитган. Сизнинг иш-

ларингиз деб мен ўз бошимни ғалвага қўймайман.

Шу вақт бир зулук Хенекнинг оёғини шундай қаттиқ тишлаб олдики, у оғриққа чидайолмасдан дод деб юборишига сал қолди, аммо кейин зулукни олиб ташлаб, жирканиб ерга тупурди ва ботқоқликдан чиқиб кетишига қарор қилди.

У қирғоқ ёқалаб қамиш орасидан югуриб кетди ва тегирмондан анча узоқлашгач, йўл устига чиқди.

Хенек девор олдига келиб, Эдекка ҳуштак чалди. Бола қўрқа-писа Хенек томонга ўгирилди, аммо шу ондаёқ яна оғилхонага сомон ташлаётган паншахасига ёпишди.

— Эдек! Юр!

— Боролмайман... — деб жавоб берди Эдек. — Сигирларни яйловга ҳайдаб чиқишим керак... Ким билсин, дадам ҳали қачон келади...

Шу пайт уй остонасида тегирмончининг хотини кўриниб қолди. У алланарсадан безовталанар, кўзлари эса атрофга олазарак бўлиб боқарди.

— Эдек, оғилхонани тамбалаб қўй, моллар чиқиб кетмасин! — деб қичқирди у.

— Сигирларни ўтлатгани олиб чиқмаймизми? — деди бола ҳайрон бўлиб.

— Йўқ, сигирларни бугун ўтлоққа олиб чиқмаймиз. Аллаким сувни беркитиб қўйипти, сигирларни ҳам ҳайдаб кетмасин тағин, — деб хўрсинди аёл.

Девор орқасида турган Хенек пирқ этиб кулиб юборди.

— Ким у ердаги? — деб сўради Собякова қўрқиб кетиб. — Сенмисан, Малик? Бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Мен... Эдекнинг олдига... қисқичбақа тутгани борамиз деб келувдим.

Тегирмончининг хотини дарров кўнақолди:

— Жуда яхши, жуда соз!.. Борақол, Эдек! Кечки овқатга қисқичбақа олиб кел. Хўжайн қисқичбақани жуда яхши кўради.

Улар чиқишгач, Эдек шикоят қилабошлади:

— У дадам икковимиз қисқичбақани яхши кўришимизни хаёлига ҳам келтирмайди. Тутганимни кўрди дегунча, дарров ошхонага олиб бор, дейди; ўзимизга ҳатто бир донадан ҳам қолдирмайди. «Бу овқат эмас, эрмак, — дейди у, — сизлар белни бақувват қиласидиган овқат ейишинглар керак».

— Эдек, сен бугун тушда овқатландингми? — деди Хенек унга кўз қирини ташлаб.

— Шуни айтаяпман-да, ўлгудай тўс-тўполон бўлди, тушки овқатни кечқурун беришса керак.

— Юр бизникига. Бирга овқатланамиз. Овқат жуда кўп! Хеля бугун мана бундай қозонда карам шўрва пишираяпти! — деди у қўли блан кўрсатиб.— Ойим мажлисда, сенинг даданг ҳам ўшаерда. У толзорнинг нар'ёғидаги ўтлоқни ҳовуз қилиш ҳақида жуда ажойиб гаплар гапирди-да! Бизда ҳам кооператив ташкил қилингандан кейин худди Ясеницадагига ўхшатиб ҳовуз қилишармиш.

Улар уй олдига келишди. Зина Пояда Марциняк блан Микула турарди. Микула механикнинг енгидан ушлаб олиб, унга ҳаяжон блан дерди:

— Агар икки кундан кейин сигирлар биргаликда ўтлатиладиган бўлса, мен бугундан бошлабоқ тегирмончиникига ишга бормайман. У ҳар куни, сени раҳмим келганидан сақлаб юрибман, дегани-деган, мана яrim йил бўлиб келаяпти, бир тийин маош бермайди, шунинг учун мен истаган вақтимда ишини ташлаб кетишга ҳаққим бор. Агар у ўз сўзига эга бўлмаса, демак, менинг ҳам ихтиёрим ўзимда, шундай эмасми-а?

— Шуни унумтсанги, Микула, ишингиз анча кўпаяди: у ерда еттига сигирга қарадингиз, кооперативда эса Вацек икковингиз йигирма саккизга сигирни боқишига тўғри келади. Бунинг устига, бузоқлар ҳам бор...

— Эплаймиз! Ўзимиз учун ишлаймиз-ку ахир, бирор учун эмас! Кооператив эса ўзимизники, бизники, умумники!

Хелька ошхонада тарелка ва қошиқларни стол устига тартиб блан териб қўймоқда эди.

— Хелька, Эдекга ҳам қуй, — деди Хенек: — у бугун бизникига меҳмон бўлиб келди.

ПЛАН ҲАҚИДА СУҲБАТ

Эртанисига Хеля тонг отди дегунча темирчилик ишхонасида, Марцинякнинг олдига югурди, броқ механик ҳали келмаган экан.

Майсалардаги шудринг доналари камалакнинг барча рангида товланиб турарди, қишлоқ орқали ўтадиган йўлни дастлабки қуёш нурлари аллақачон қуритиб бўлган; ҳовлилардан хўжайкалар қўйиб юбэрган паррандаларнинг шовқин-сурони ва ғафиллаши эшитилиб туради. У ер-бу ерда одамларнинг овози эшитилади.

Қалин сирень буталари орасида қушлар чуғурлашади.

— Ие! Читтаклар аллақачон уйғонипти-ку, — деб жилмайди Хеля. — Уларни бир тамоша қиласай.

Юмшоқ қилиб от қили ва пар тўшалган уячада патчиқариб қолган полапонлар сариқ тумшуқларини карракдай очиб чийилларди. Сал нарироқдаги буталар орасида қанотларини тапиллатиб, она читтак чирқиллайбошлади.

— Қўрқма, тентак, — деб шивирлади қизча. — Мен сенга ҳеч бир озор бермайман.

Гараж эшиклари фирчиллади.

— Марциняк амаки! — Хеля ирғиб туриб, иш бошлангунча етиб бориш учун гаражга қараб югурди.

— Аллақачон етиб келдингми? — деди ҳайрон бўлиб механик. — Мен бўлсан, сен ҳали ухлаб ётган бўлсанг керак, деб ўйлабман. Менга ёрдамлашмоқчимисан, а?

Хелянинг кўзлари чақнаб кетди.

— Хўп, ушла, мана бу свеча... моторнинг свечаси... Манави эса, чўтка... бу блан мана бундай қилиб свечани тозала... Мана шу свечадан чиққан учқун блан

цилиндрдаги аралашма ўт олдирилади. Шундай... яхши... Фақат ҳадеб тилингни осилтиравермай — деб кулиб юборди механик.

Марциняк блан Хеля ишга киришдилар.

Қуёш борган сайин күтарилиб бормоқда. У аввал илитди сўнг эса қаттиқ қиздирабошлади.

Сим чўтка блан ҳадеб свечани ишқайверганидан Хелянинг қўллари оғриб кетди.

— Кечаги мажлисда... — деди у, агар гап бошли-
сам иш сал секинлашиб, бироз дам олволарман деган
мақсадда, — кечаги мажлисдаги давлат плани ҳақи-
да гапириб берсангизчи.

— Давлат плани нима эканини биласанми ўзинг? —
деди Марциняк унга жиддий қараб.

Хеля бош қимирлатиб қўйди:

— Мен буни тушунаман. Бу — бутун мамлакат
плани. Бизга мактабда ўқитучимиз айтиб берган. Ҳар-
бир хўжайн ўзига план тузгандек, бутун Польша
учун ҳам план тузилади. Онам ҳам ҳамма нарсани
план блан қиласди: қанча ерга қанақа нарса экиши ке-
раклигини; нечта чўчқа боласига овқат етказиб бериб-
боқаолишини; қайси нарсанинг қанчасини сатаолиши-
ни, қанчасини қишга қолдириш кераклигини олдиндан
белгилаб қўяди... Ҳа, шунақа!

— У яна, — деб қўшимча қилди Марциняк, — сиз-
ларнинг оёқ кийиминглар бут бўлишини, кийим-кечак-
ка ҳам пул етказишни, хўжаликка янги плуг ёки боро-
на сотиб олишни ҳам ўйлаши керак... тўғрими? Дав-
лат плани бутун халқ учун тузилади. Дастлаб уч йил-
лик план тузган эдик. Унга биноан биз ўз ишимизни
уруш туфайли вайрон бўлган ерларнинг асосий қис-
мини уч йил ичida тиклашга мувофиқлаб қуришимиз
керак эди. Бу йил эса ҳамма нарса янада кўпроқ бў-
лиши, биз янада яхшироқ яшашимиз учун олти йил-
лик планни амалга оширишга киришдик.

— Энди тушундим... — деди хаёл суриб Хеля. —
Бизда давлат плани, ҳарбир кишининг ўзига керакли-

ҳамма нарсага эга бўлиши, бирида ҳаддан ортиқ кўп, бирорида эса, ҳаддан ташқари кам бўлмаслиги учун тузилган.

— Албатта, албатта, — деб тасдиқлади Марциняк.— Халқ бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилинмаётган мамлакатда нималар бўлаётганини айтиб берайми?

— У ерда нималар бўлаётганини сиз қаердан биласиз?

— Урушдан аввал, бизнинг Польшада аҳвол оғир пайтда, мен Америкага жўнаб кетдим. У вақтда мен ҳали жуда ёш эдим, у ерга бордим — бахтим очилади, деб ўйлардим. Мен у ерда ўн минг кишидан биттаси — у ҳам бўлса, фақат барча тўғри ва иотўғри воситалар блан бошқаларни талаш ҳисобига бойишни мумкинлигини тушунмас эдим. У ерда бир ҳовучгина бойлар хўжайнлик қиласди. Уларга планнинг кераги йўқ, чунки улар ўз чўнтакларини тўлдиришдан бўлак нарсани ўйламайдилар.

— Плансиж қандай қилиб иш тутиш мумкин? Ахир онам ҳаммасини олдиндан ўйлаб қўймаган бўлганда ҳамма ерга фақат картошка экиб қўйган бўлардикку... Кейин, сигирга ўт бўлмаса биз сутсиз қолган бўлардик... нон ёпишга буғдойимиз ҳам бўлмасди, фақат картошка бўларди.

— Гап ана шунда-да! Америкадаги аҳвол юз бермасин учун шундай қилинаяпти: у ерда энг зарур озиқ-овқат — сут блан дон йўқ қилинаяпти.

— Энг зарур озиқ-овқат йўқ қилинаяпти дейсизми? — деди Хеля ҳайрон бўлиб.

— Ҳа! У ерда иш шу даражага бориб етаяпти, вагон-вагон ғаллаларни ёндираяптилар, юзлаб челак сутни тўкиб юбораяптилар!

— Ҳазиллашаётганга ўхшайсиз! — деди Хеля тумтайиб.

— Йўқ, мен ҳазиллашаётганим йўқ! Биласанми, қизим? Мен ўз қўлим блан бир бочка сутни тўкиб ташлаганман!

— Нима-а-а-а? — деди қизча кўзларини катта очиб. — Сиз-а?

— Ҳа, мен. Қулоқ сол. Мен Нью-Йоркдаги катта сутчилик фирмасида шофер бўлиб ишлардим. Магазинларга сут таширдим. Бизнинг сутчилик фирмамизга ҳар куни поездда, машиналарда юз минглаб литр сут келтирилар эди... Бу сут шиша ёки бидонларга қўйилиб, шаҳарга олиб бориларди. Шаҳардаги ҳамма сут дўконлари бизнинг фирмамизга қаради. Бир куни эрталаб бошқаручи менга: «Қани, манави бочкадаги сутни тўкчи!» деди. Мен югуриб бочканинг олдига бордим-да, тиқинини суғуриб олдим, сут шариллаб оқабошлади... Шунда тупроққа қорилиб, ариққа қараб оқиб кетаётган сутни кўрганимдан кейин мен бошимни ушлаб: «Мистер Джисб! Қанчадан-қанча болалар умрида сут кўрмайдилар, сиз эса уни тўкишга буюраяпсиз! Мен бундай қилолмайман, фирманинг эгасига шикоят қиласман!» деб қичқирдим.

— Кейин нима бўлди? Махсулотни исроф қилганилиги учун уни бўшатиб юборишгандир?

— Асло! Бўшатиши, броқ уни эмас, мени.

— Сизни?

— Ҳа, мени! Фирма эгасининг ўзи сутни тўкиб юборинглар деб буйруқ берган экан!..

— Нега энди? — деди қиз таажжуబдан кўзларини яна ҳам каттароқ очиб.

— У, агар сут кам бўлса, қимматроқ бўлади, деб мўлжаллаган. Пули бор одам тўрт баравар қимматига ҳам сотиб олаверади деган. Ўёқдан-буёққа ташиб юриш камроқ бўлади, шунингдек чиқим ҳам, ташвиш ҳам камроқ бўлади, фойда эса аввалгича. Ишчиларнинг ярмини бўшатиб юбориш мумкин бўлади, лекин қўпчилик одамларнинг муҳтоҷликка тушиши, сут қимматлаб кетса ёш болаларнинг сутсиз қолиши, бунинг орқасида улар ҳолсизланиб, касалга чалиниши блан унинг иши йўқ.

Хеля узоқ ўйланиб қолди ва тўсатдан қўлида свечи тозалайдиган чўтка ушлаб турганини кўрди. Бу

суҳбат уни шундай қаттиқ ҳаяжонга солдики, у ҳатто цилиндрлардаги аралашмани ўт олдиручи свечани то-залаши кераклигини ҳам унутиб қўйди.

ЮЗЕК УЯДА

— Ма, сенга қўғирчоқ! — деди Юзек йиглаб турган Марисяниг қўлига рўмолга ўралган таёқчани тутқазиб. — Мана сенга ўйинчоқ, яхши ўйинчоқ! Қўғирчоқ! — деб мақтарди у.

Броқ бу қўлсиз, оёқсиз қўғирчоқ Марисяга ёқ-мади, рост-да — шу ҳам қўғирчоқми? У таёқчани ерга улоқтириб урди-да, яна чинқириб йиглайбошлади.

Кимdir эшикни қоқди, кетма-кет Стефанинг ово-зи эшистилди:

— Мумкинми?

Юзекниг жаҳли чиқди, у иссиқлаб кетди: бир ками шу эдими! Шу пайтда келганиничи!

У қовоғини солиб:

— Марҳамат, кир,— деб жавоб берди.

— А-ба-ба,— деб ғулдирайбошлади Марися уйга кириб кслаётган Стефанин кўргач.

— Бу ким, синглингми? — деб сўради Стефан қордек оппоқ тишлигини ялтиратиб.

— Ҳа...— деб жавоб берди Юзек.— Ойим кетган эди, бу ҳадеб чинқиргани-чинқирган...

— А-ба-а-буба, ақа! — дерди Марися Стефанга қараб талпиниб.

— Мен сенга ёқиб қолдимми, а? Сен ҳам мешга ёқишинг керак-да! — Стефан уни кўтариб олди.— Юзек, тоза кўйлагини бер, кейин тоғарага сув қуй. Ҳа, ана... қара, энди қандай чиройли қиз бўлдинг!

Юзек ўз кўзларига ишонмас эди: қаранг, Стефан қандай абжир, чаққон бола экан-а!

— Менинг ҳам Ягуся деган синглим бор! Мана шунаقا кичкинагина... Марися, ма, сенга тунука ко-сача, қошиқча... Буни қара! Бум, бум, бум! Ма, ол, хоҳлаганингча чалавер.

У эндигина шундай деган ҳам эдики, даҳлизда

бировнинг тақира-туқур қилиб тогорани жойига олиб қўйгани эшитилди ва оstonада Юзекнинг онаси қўринди.

— Болани ким ювинтириб, кийинтирди? — деди у ҳайрон бўлиб.

— Уртоғим... — деб тўнғиллади Юзек.

— Ўбба азамат-эй! — деди ойиси жилмайиб.

— Ҳақиқий эркак киши ўз оиласига ғамхўрлик қи-
лабилиши керак. — Уйда менинг ҳам ана шундай си-
нгилчам бор, — деб жавоб берди Стефан кеккайиб,
сўнг Юзекнинг ойиси блан саломлашар экан, оёғини
тапиллатиб қўйди.

— Эҳтимол, сиз, эркаклар менга яна бироз ёрдам
берарсизлар, а? Анави девор олдидаги олмани териб
беринглар. Тушдан кейин даданглар дўкондорга
мол олиб келишга боради, ўшандада йўл-йўлакай коо-
перативга бериб ўтади.

— Биз... ўрмонга... — деб гап бошлади Юзек.

Аммо Стефан унинг гапини бўлди ва кескин
оҳангда:

— Юр, олма терамиз! Қаерда у олма? Кўрсат,
Юзек! — деди.

Нима ҳам қилардинг, меҳмондўстлик одати меҳ-
монинг олма теришга борамиз деб турганда уни ўр-
монга судрашга йўл қўймайди.

Дарахтга олдин Юзек чиқди ва Стефанга қўлини
чўзди.

— Чиқ! Фақат манави шохга оёқ қўйма — кўчиб ту-
рипти. Мана бу ерга оёқ қўйгин-да нар'ёқ томонга
чиқ... Корзинкани олиб, шохга илиб қўйгин-у, тера-
вер! Ҳа, олма ейиш эсингдан чиқмасин, эшитаяпсан-
ми? Яна қайта айтиб ўтирумай!

— М-мм... — деб минғиллаб қўйди Стефан, олма
чайнар экан.

Улар олма узабошладилар.

— Стефан, анави кўпприк нима бўлди?

— Ҳа... шундай, ҳечнима, — деб минғиллади Сте-
фан.

— Сен нима дейсан, битай деб қолганмикин? — де-ди Юзек сўрашини қўймай.

— Нима?

— Нима бўларди... кўприк-да...

— Гапингни қара-ю! — деб кўзини чақчайтирди Стефан.— Якшанбадан кейин ишга тушишади! Душанба куни одамлар келишади, асбоб-ускуна келтиришади...

— Амакингчи?

— Амаким ҳамма нарса яхши бўлсин учун якшанба кунигача барча иш тўғрисида оқсоқол блан келишиб олиши керак. Умуман амаким бу ерга олдинроқ келади, чунки у асбоб-ускуна қўйиладиган барак учун жой танлаши лозим.

— Якшанба куни нима «яхши бўлиши» керак? — қизиқиб сўради Юзек.

— Бу махфий сир,— деди Стефан, кеккайиб.

«Қаранг, Стефан қандай бола экан! — деб ўйлади Юзек.— Дарров кеккайиб кетди-я!».

Улар индашмасдан ўз ишларини давом этдиридилар.

«Қанақа бўлар экан бу кўприк?—деб ўйлаб кўрабошлади Юзек.— Дар’ёнинг бу ери жуда тор, бу қирғоғидан у қирғоғига битта энлироқ тахта ташласанг, кўприк тайёр-да, Стефан бўлса, машинада «асбоб-ускуна» келтиришади, дейди. Бунда бир гап бўлса керак...» У ишонқирамай бош чайқади.

— Стефан,— деб гап бошлади у яна,— кўприк катта бўладими?

— Амаким таги бирнеча уй баландлигида кўтарилади, деб айтди. Ундан чиқди, кўприк ҳам катта бўлади... Олмани қаерга тўкай? Менинг корзинкам тўлиб кетди.

— Олмангни қўятурсангчи! Якшанба куни нима бўлади? Амакинг оқсоқол блан нимани тайёрлаб қўйиши керак?

— Совға!

— Қанақа совға?

— Бу махфий сир! Ҳали айтдим-ку... олмани уз, олмани! Уялмайсанми? Мен сендан кўп тердим!

ПИСТИРМА ПЛАНИ

— Қўй-э! — деди Юзек жаҳли чиқиб ва энди олма пўчоғини Стефанга қарата отмоқчи бўлган эди, тўсатдан боши устидаги барглар орасида нимадир патирпутур қилди.

Юзек мушукдек сакраб ерга тушди ва бир зумда-еқ девор тагига етиб борди.

— Ҳай бема'ни! — деб қичқирди у.— Кушларга рогатка отаяпсанми! Сени қараб тур! Бир адабингни бериб қўяй!

— Кўп керилаберма! — деб жавоб берди деворнинг нариги томонида турган қандайдир бир бола.— Нима, бу қушлар сеникими? Сен менга кўп ўдағайлайверма, бўлмаса дадам шаҳарга бориб, мол олиб кетгани учун отангга тўлайдиган пулидан тутиб қолади.

Юзек ғазаб блан унга олма пўчақ отди.

— Вой, тош отаётити! — деб бўкирди ҳалиги бола ва оёғини қўлтиқлаганча қочиб қолди.

— Ҳа қўрқоқ! — деб нафратланди Юзек.— Дарров «тош отаётти» деб бўкиради-ю, туёғини шиқиллатиб қолади! У ўзидан кучсизларни кўргандагина ботир. Доим қиласиган иши қушларга тош отиш, мушукни қийнаш, ёш болаларга тегажоқлик қилиш.

— Ким у? — деб сўради Стефан шохлар орасидан мўралаб.

— Фредек Малиновский. Қишлоқнинг чеккасида уларнинг дўкони бор. У ўзини ҳимоя қилаолмайдиганларни кўрса—ботир. Борди-ю бирортадан калтак егудай бўлса дарров: «дадам пулидан тутиб қолади», «дадамга айтаман», деб бақиришга тушади.

— Олмани тўкиб, корзинкани узат,— деди Стефан олмаларни Юзекка узатар экан.

— «Тўқ» эмиси! — деди Юзек аччиғи чиқиб. — Ерга тўқса заҳа ейди-ку, кейин уни кооперативда паст сортга қабул қилишади, иншайкин шундай яхши мева-

ни заҳа қилиш яхшими? Мен уни секин-секин ерга териб қўяман, сен узавер. Ё тергинг келмаяптими?

— Ммм,— деди кавшаниб Стефан. Үнга олмани мақтаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди. У қўлидаги олмани еб бўлиб сўради: — Дадаси нимани тутиб қолади?

— «Нимани» эмас, «кимдан». У кўпинча дўконига мол келтириш учун бирорларнинг отини кирага олади-ю, агар шу одам жаҳлини чиқариб қолса, кира учун тўлайдиган пулидан тутиб қолади...

— Үндай бўлса нега унга от берасизлар? — деди Стефан, ҳайрон бўлиб.

— Пул ишлаш керак-да... аммо у шундай айёрлик блан алдайдики, кўпинча бу пулдан деярли ҳечнарса қолмайди...

— Шунақами! — деди Стефан ва олма пўчоғини деворнинг нар'ёғига отди.

Йўлкада яна оёқ шарпаси эши билди.

— Кўрдингми, у қандай қаҳрамон! — деб кулиб юборди Юзек. — Яна писиб келибди. У албатта шу ерда қушларга тош отмоқчи, ўзи бўлса, олма пўчоғидан ҳам шатта отиб қочади... Ма, корзинкани ол, Стефан.

Улар олтиндай мевалардан оғирлашиб қолган шохларни оҳистагина эгиб, олмаларни узар ва енгиллашиб қолган шохларни яна қўйиб юборар эдилар.

Темирчилик ишхонасидан моторнинг узуқ-узуқ гувиллаши эши тилиб турарди.

— Марцинек амаки тракторни ишга тайёрляяпти, — деди Юзек. — Моторни юргизиб, синааб кўраяпти... Тсcc! — Юзек бармоғини лабига қўйиб, кўзи блан деворга имо қилди.

Стефан қаради-ю, броқ шохлар орасидан ҳечнарса кўролмади, у шипиллаган яланг оёқ товушини эшилди, холос. Юзек қўлида ушлаб турган олмани қулочкашлаб отди.

— Ҳей-й-й-й! — деган бошқа бир овоз эши билди тўсатдан.— Ким, олма отаётган? Олманг жуда кўпми

дейман? — Кейин девордан Хенекнинг боши кўринди.

Таажжубдан Юзекнинг оғзи очилиб қолди, у кулиб юборди.

— Ҳозиргина бу ерда Фредек Малиновский рогатка отиб юрган эди,— деб тушунтириди у.— Биз уни қувлаб юбордик, яна келиптими, дебмиз...

— Мен ҳам кўрдим уни,— деди Хенек.— Темирчилик устахонаси орқасидаги сирень орасига ин қўйган читтакларни бойўғли еб кетади, деб мақтанаётган экан.

— Ана, холос! Ундан чиқди билар экан-да. Читтакларнинг ҳолига вой энди...— деб бош чайқади Юзек.

— Унга, бу яхши иш эмас, деб тушунтиrsак бўлмасмикин, а? — деб маслаҳат берди Стефан.

— Мен унга яхшиликча ҳам, бошқачасига ҳам кўп тушунтиридим... Ҳатто кўзларининг ости моматалоқ бўлиб кетди...

— Кундуз куни қўрқинчли эмас: Марциняк темирчилик ёнида ишлайди, Фредек боришга қўрқади,— деб мулоҳаза қиласади Хенек.— Аммо кечаси...

— Биласизларми нима қиласиз? — деди Стефан дарахтдан сакраб тушиб.— Қелинглар, сирень тагига пистирма қўямиз-да, боплаб та'зирини берамиэ, кейин иккинчи қушларга тегмайдиган бўлади. Бўптими?

— Бўпти. Яхши ўйлаб топдинг буни!

«Стефанинг қанақа одамлигини асти тушуниб бўлмайди, — деб ўйлади Юзек.— Ба’зан яхши бола дейсан, ба’зан эса ундан худди типратикондан қочгандай қочасан!»

— Эдекни ҳам бирга олиб борамиз. У ориқ, новча. Уни чойшабга ўраймиз, кейин у буталар орасидан чинқириб, нола қилиб чиқади, — деб план тузабошлиди Хенек.— Фредек шундай қўрқоқки, эҳтимол арвоҳдан ҳам қўрқадигандир. Эдекнинг кетидан биз ҳам тўс-тўполон кўтариб унга ёпириламиз.

— Биз қўл тегизиб ҳам улгурмаймиз: у шу заҳотиёқ ура қочиб қолади.

— Иннайкин, отасига ҳам бориб айтолмайди: ахир, уни кечаси бировларнинг ҳовлисига кирсин дептими?

— Хенек, кел, олма узишга ёрдамлашиб юбор,— деб таклиф қилди Юзек,— кейин ҳаммамиз ўрмонга борамиз!..

— Хўп, лекин Хеляни ҳам бирга олиб борамиз-да!

ҚУШЧАЛАР

— У яқин келди дегунча шовқин-сурон кўтарамиз,— деб ўргатарди Юзек бошқа болаларга, лекин улар Юзек айтмаса ҳам нима қилишни яхши билишарди.

Болалар сирень тагига яшириниб олишди.

— Юзек, биласанми нима,— деб шивирлади Хенек: — ойим кооператив бўлгандан сўнг манави уватни ҳам ҳайдашади, дейди.

— Албатта-да, бўлмаса трактор бу ердан ўтолмайди,— деди Хеля, пистирмада у ҳам қатнашаётган эди. — Марциняк амаки шунаقا деди, у ҳаммадан яхши билади.

Осмоннинг ярмини булут қоплаб олганди, зимзиё ўрмон устида худди каттакон тўқсариқ шарга ўхаш ой нур сочиб турипти. Уфқда эса қуюқ қоронғилик чўккан.

Болаларнинг боши устидан қандайдир шарпа жимгина учиб ўтди.

— Вой-вой, кўршапалак! Сочга ёпишиб олади! — деб чийилади Хелька, қўллари блан «сичқон думи» соchlарини беркитиб.

— Сенга қачон ақл кирап экан-а? — деб ўшқирди унга Хенек. — Кўршапалакнинг эси паст эмаски, одамларнинг сочига кирса. Тасодифон бировнинг сочига ёпишиб қолганда ҳам ўзи қўрқиб кетади. Иннайкин, бу учиб ўтган кўршапалак эмас, тентакқуш.

— Тентакқушинг нимаси? — деб сўради Стефан.

— Шунаقا бир қуш бор. Қалдирғочдан ҳам тез

учади, патлари юмшоқ, бойўғлиниги үхшаган пари кўп. У ҳам худди кўршапалакка ўхшаб, фойдали қуш.

— Кўршапалак фойдалими? — ҳайрон бўлди Стефан.

Аммо Хеля уни шундай қаттиқ чимчиладики, у оғриққа чидайолмай, чинқириб юборди.

— Тесс! — деб шивирлади Хеля. — Қелаяпти...

Кимдир ўрмон томондан яқинлашиб келарди.

Болалар яшириниб, Фредекка шовқин-сурон блан ташланишга тайёрландилар.

Броқ бу Фредек эмасди. Иккита эркак кишининг гавдаси тўхтади, бир-бирига яқинлашди ва нима ҳақидадир шивирлашабошлади.

Тўсатдан гугурт ёнди ва бир зум бочкача ҳамда бир даста маш'ала тутиб турган қўлларни ёритди.

Ўтлоқ томондан шабада эсиб, япроқларни шитирлатди ва яна жимиб қолди. Қаердадир уватда илиқ шабададан уйғонган чигиртка чириллади, олисда қизилоёқ ҳуштак чалиб сайдари.

Сўнг яна жимлик чўқди.

Хенек бу сукунатда Хелянинг тиш ғижирлатаётганини аниқ әшиитди.

— Кўрқаялсанми? — деб пицирлади у, Хелянинг қулогига.

Аммо қизча фақат бошини қимирлатиб қўйди ва буталар орасидан қараш учун энгашди. Унинг муштлари маҳкам қисилганди, тириоқлари кафтига қаттиқ ботаётганини ўзи сезиб турарди. Шунда ялт этиб унинг миясига: «Улар саройга ўт қўймоқчи... саройга... тракторга! Тракторни ёндиromoқчи... Уни йўқ қилмоқчи!» деган фикр келди. Юраги гупиллаб урабошлиди. Бунга йўл қўймаймиз! Ахир трактор қишлоқнинг бойлиги-ку, унинг ўзига эса... Лақи́ллашиб ўтиришнинг нима кераги бор! Қандай қилиб бўлмасин халақит бериш керак!

Ҳалиги икки гавда энди уларга жуда яқин келиб қолганди.

Хеля гўё юрак уришини босаётгандай ерга ёпиш-

ди. Юраги шунчалик қаттиқ уардикى, қинидан чиқиб кетай дерди.

Халиги икки киши эса сирень буталарига тегиб, уни айланиб ўтишди-да, тўхтаб алланарсани бураб чиқарабошлиашди. Бензин ҳиди анқиб кетди.

«Бу Марциняк амаки йўқотган бак! — дарҳол фаҳмлади Хеля. — Ҳа, ўша!.. Чемоданчадаи кичкинига!».

Ўт қўючиilar сарой олдига етиб боришган эди. Хелянинг назарида, бакдан қуйилаётган бензиннинг қулқуллаши эшитилаётгандай бўлди.

Тўсатдан қаттиқ ҳуштак эшитилди. Эдек Фредекка қанақа қилиб сакрамоқчи бўлган бўлса, сирень буталари орасидан худди ўшандай ирғиб чиқди. Унинг кетидан Хеля ҳам:

— Ёрдам беринглар! Ушланглар! Тутинглар! — деб овозининг борича қичқириб, ҳалиги икки киши кетидан қувакетди.

Одамлар қичқириқни эшитиб, уйларидан югуриб чиқабошладилар.

— Нима бўлди? У ким? — деб сўради яқингинадаги ҳовлидан кимдир.

Одамлар бирин-кетин саройга қараб югуришди.

Ўт қўючилардан бири боғ тарафга отилди ва дарахтлар орасида кўздан гойиб бўлди, иккинчиси эса уватдан ўтлоққа қараб бурилди.

Хеля унинг йўлини кесиб чиқиш учун картошка экилган ердан югурди. Лекин қизча қувиб етганда у бочкачани ташлаб, қизни иториб юборди-да, яна югуриб кетди.

Хеля қичқирабошлади.

— Нима гап? Ким бу? — деб сўради орқасидан етиб келган Михасъ Войтковяк. — Хеля, сенмисан? Бу қанақа бак?

— Буни анави ташлаб қочди! — деб чинқириб йиғларди Хеля. — У саройга ўт қўймоқчи эди! Вой, вой, вой!

— Нима деб вайсаяпсан? Саройга ким ўт қўймоқ-

чи бўлди? Кўзингга шундай кўриниб кетгандир. Кечаси нима қилиб дайдиб юрибсан?

Аммо шу вақт сарой ёнида Марцинякнинг овози эшитилди:

— Гугурт чақманглар! Бу ерга бензин сепилган... Эҳтиёт бўлинглар, сарой ёниб кетиши мумкин! Деворнинг ҳамаёғи ҳўл!

Болалар етиб келган одамларга бўлган воқиани тушунтириб беришди.

— Хелька, юр, Виснёхларникига борамиз. У ерда одамлар тўпланди. Бўлган гапни бошдан оёқ айтиб берасан... — Войтовяк бир қўли блан Хеляни етаклаб, иккинчиси блан эса бочкани ушлаб борарди.

ҚЎҚ ҚАЛАМТАРОШ

Виснёхларнинг уйида тўпланган одамлар Марцинякнинг қўлидаги бензинга ботириб олинган бир даста маш'алани кўздан кечиришар эди.

— Шундай деворнинг тагига ташлашибди... Ёндиришга улгуришаолмапти! — дерди ғазабланган Ка-лита бошини қимирлатиб. — Нима учун бундай қилишибди экан? Нимага?

— Ҳа, — деди Марциняк хотиржамлик блан, — масала равшан: улар тракторни ёндириб юбориш учун саройга ўт қўймоқчи бўлганлар. Бизга зиён етказмоқчи бўлганлар! Муттаҳамлар!.. — Кейин у кириб келаётганларни кўриб, ҳайрон бўлганидан: — Ие, бу бочкача қандай қилиб сенинг қўлингга тушиб қолди, Михась? — деб сўради.

Хеля олдинга чиқди:

— Бочкачани мен ўт қўючилар қочиб кетаётганида ердан топиб олдим...

— Нега йиғлаляпсан?

— Бир нарсага урилиб кетдим... аммо энди ҳечқаёrim оғриётгани йўқ...

— Ҳечқаеринг оғримаётган бўлса, йиғлашнинг кераги йўқ. Яххиси, сен бизга кечаси қандай қилиб боқقا кириб қолганингни айтиб бер.

Хеля Фредек блан читтаклар тўғрисида гапириб, берди.

— У қушчаларни ҳимоя қилмоқчи бўлибсизлар-у, лекин бу «қушчалар»ни чўчитиб юборибсизлар-да! — деб кулиб юборди Қалита.

— Ана шунаقا... — деди чўзиб Марциняк, одати бўйича скамейканинг бир чеккасига ўтирад экан. — Ана шунаقا! Қишлоғимизда трактор пайдо бўлгани ва бизнинг кооперативга бирлашганимизни ёқтиргмаган кишилар типирчилаб қолди! Қишлоқда халқнинг ёмон яشاшидан, одамлар арзимаган чой чақа учун уларга ёлланиб ишлашидан манфаатдор кишилар тилга кирди. — У муштини қисиб, атрофидагиларга кўз югуртириб чиқди. — Хўш, нима дейсизлар? Улардан қўрқиб, қараб тураверамизми?

Оломон бир тўлғаниб қўйди. Ҳамманинг қиёфаси жиддий эди.

— Хўш, нима дейсизлар? — деб такрорлади механик.

— Ҳеч қиси йўқ, ўртоқлар! — деб жавоб берди Ҳелянинг онаси хотиржамлик блан. — Гаплашиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ, ҳуш'ёрроқ бўлиб, ишимизни давом этдираверишимиз керак.

— Бугундан бошлаб икки киши-икки киши бўлиб навбатчилик қиласиз, кооператив мулкини қўриқлаймиз, — деб хulosалади Виснёх.

— Болалар, улардан биронтасини таниб олмадигизми?

— Қоронги эди... ҳеч нарсани кўриб бўлмади... — деб личирлади Хеля.

— Биттасининг овози худди анави... — деди Эдек.

— Кимникига ўхшайди?

— Қўрқаман айтгани, тегирмончи дўппослайди...

— Қўрқма, у сенга ҳечнарса қилолмайди! Гапиравер! — деди Қалита унинг елкасига қоқиб. — Кимнинг овозига ўхшайди?

— Тегирмонга тез-тез келиб турадиган кишининг овозига ўхшайди...

— Янглишаётганинг йўқми? — деб сўради Виснёх.

— Нега янглишар эканман? — деб жавоб берди Эдек. — Мен унга яхшилаб, синчилаб қарадим. Кўлида икки ёғи ҳам ялтироқ пичоқли қаламтароши бор эди, кўк... Бунақа қаламтарош ҳатто Гаевицадаги кооперативда ҳам йўқ! Мен бир куни унинг шу қаламтарош блан олма артаётганини кўрган эдим... пичоқчилидаги ялтироқ этиб туарди. У тегирмончи блан гаплашаётганида тиши блан шундай кулгили қилиб ҳуштак чалдики, мен тескари қараб олдим... Чунки кулаётгашимни кўрса, албатта жаҳли чиқарди.

— Мен ҳам кеча уни кўрувдим, Собякларникида қаламтарош блан олма артиб турувди, — деб қўшимча қилди Хенек.

Кимдир дераза орқасидан югуриб ўтиб даҳлизга кирди.

— Ким у? — деб сўради Виснёх.

— Мен! — деб жавоб берди Матуляк хонага кириб келар экан. — Биз саройнинг атрофини битта қўймай тинтиб чиқдик. Хеля бакни топиб олган жойда ётган мана бу қаламтарошдан бошқа ҳечнарса тополмайдик...

У ялтироқ кўк сопли катта қаламтарошни стол устига қўйди.

ЭДЕК

Эдек Маликларникида ётиб қолди.

— Анави дудуқ ҳозир тегирмондадир, ҳалиги гапларимни унга айтиб беришса, кейин... қўрқаман!.. Яна кечаси-я...—деди у ва ўзи блан бир кроватъда ётган Хенекка тағин ҳам маҳкамроқ ёпишиб олди.

Аммо эрталаб, тонг ёриши бланоқ у кўрпа остидан секингина турди-да ҳовлига чиқди.

У осмонга қаради: шарқ томон бўзариб олтиндек товланарди, ғарб томонда эса, ер устини қуюқ туман қоплаб олган. Пастда ўтлоқдан оқ буғ кўтариilar, қорамтири ольхалар буғ юзида узоқдаги денгиз бўйи қояларининг чўққисидек қаққайиб туар эди. Қудук

ёнидаги майсага қалин шудринг тушган, ҳаво салқин.

Бола қудуқ олдига келди, челякни ташлаб сув олди ва товуқларга дон бериладиган идишни тозалаб ювди, кейин оғилхонадан чўчқаларга овқат бериладиган тоғарани судраб чиқиб, уни ҳам яхшилаб ювди.

«Маликовага ёрдам берса ачинмайди киши,— деб ўйлади Эдек.— У ҳаммавақт менга яхшилик қиласди. «Собякова яна хўрлайдиган бўлса бизникига кел, Эдек,— деди у кеча.— Отанг эрта-индин у блан олди-бердисини тамом қиласди, сенинг бошқа ишинг ҳам йўқ у ерда».

Эдек ҳовлини супурди, кейин бօғ орқали ўтиб ўтлоққа қараб югуракетди.

Атроф жимжит.

Шудрингдан ҳўл бўлган ҳашаротлар офтоб тезроқ қанотларини қуритишини кутарди. Гуллар орасидаги самбит тол шохida катта қўнғиз қорайиб кўрипди. Қўнғиз панжаси блан бир новдани ушлаб, унга маҳкам ёпишди ва марвариддек шудринг доналари блан қопланган тиниқ қанотларини сертуқ танасига жипслаб олди.

— Эй бечора, нега кечаси уйингга қайтақолмадинг? — деди бола қўнғизга қараб жилмайиб ва новдага қўлини теккизди, поя тошкуянинг пуштиранг гулларига урилиб тебранабошлади.

Гуллардан шудринг тўкилди, қўнғиз эса эшитилар-эшитилмас ғўнфиллаб қўйди.

Бу ер шундай яхши эдики, Эдекнинг кетгуси келмади.

Шу пайт тегирмон тарафдан:

— Эдек, Эдек! — деб қичқирган овоз эшитилди.

У оёғи ерга тегмай югарди. Ҳовлига кириб улгур масиданоқ буйруқ ёғилди:

— Товуқларни қўйиб юбор, шудрингда юриб, чинин тутиб есин. Идишларини тозалаб, дон солиб қўй. Оғилхонани очиб, чўчқачаларни ҳовлига чиқариб юбор. Чўчқанинг тагига қуруқ нарса солиб қўй. Кеча кечқурун шуларнинг ғамини емаган экансан-да? Ким билсин, қаерларда сандироқлаб юрган экансан!

«Ҳечнарсадан хабари йўқقا ўхшайди», — деди
Эдек енгил тортиб нафас олиб ва ишга кириши.

Буйруқ ҳамон ёғиларди:

— Ошхонага пайраха келтир, кулни тозалаб ол!
Тезроқ қимирла! Отанг бекорга пул оляяптими?

МАРЦИНЯКНИНГ «ЕРДАМЧИСИ»

Хеля ўрнидан иргиб турди. Бутун хона қуёш нурига чўмган эди.

Кеча Виснёхларникидан чиқиб кетаётганларида Марциняк:

— Бугун кечаси бунақа воқиалар бўлди, ҳойнаҳой эрталаб ухлаб қоларсан? — деган эди.

— Йўқ-э!

Қизча ўзича, тонг отиши блан тураман-у, юурганча ишхонага бориб, уни ўша ерда кутаман, деб аҳд қилган эди. Унинг уйқучи эмаслигини билиб қўйсин!

Броқ иш бошқача бўлиб чиқди.

Хеля кечаси минут сайн уйғонар ва тонг ёришиб қолмадимикин, деб ташқарига қаарди; сўнгги марта уйғонганида ҳатто юлдузлар бироз хиралашиб қолгандай кўринди, у яна қитдек мизғиб олиш учун кўзларини юмди, аммо, аксига олиб, қаттиқ ухлаб қолди.

Энди бўлса, деразадан кўриниб турган осмон кўмкўк, мутлақо кўмкўк эди, дераза токчасида турган тувакчадаги мирта гулининг барглари қуёшнинг олтин нурларида товланиб турипти.

— Турајпсанми? — деб сўради онаси ошхонадан, — уйғотишга кўзим қиймади — қаттиқ ухлаётган экансан. Аммо менинг далага кетадиган вақтим бўлди...

Қизча югуриб жом олдига борди-да, ювинабошлиди.

— Хеля, тушга яқин қайтиб кел, керак бўлиб қоласан, — деди онаси.

— Нега?

— Сигирларни Эски Млинискига олиб бориши

керақ. Кооперативимизнинг ҳамма молларига ўша ерда молхона бўлади. Сигирларнинг ҳаммаси умумлашади.

— Уларга ким қарайди? Эдекнинг дадасими? — деди Хеля мажлисда айтилган гапларни хотирлаб.

— Албатта! Франусянинг акаси Вацек блан Микула иккёви.

— Биз сигирлағимизни ўзимиз боқмаймизми?

— Йўқ, ўзинглар боқмайсизлар.

— Унда биз нима иш қилимиз?

— Дун'ёдаги барча бўлалар нима иш қилиши лозим бўлса ўшани: ўқиш, ўйнаш, бироз ота-оналарга ёрдам бериш...

— Эдек ҳам энди мол боқмайдими?

— Эдекнинг бошқа болалардан нимаси кам? — деб кулиб юборди Маликова.

— Хеля! — деб чақирди Марциняк, деразадан мўралаб. — Кечаги воқиадан кейин аҳволинг қалай? Еки менга ёрдам бериш жонингга тегдими? А?

Броқ Хеля аллақачон уйдан чиқиб кетганди, факат чит кўйлаги эшик олдида ялт этиб кўринди-ю, ишхонага бориладиган йўлкада яланг оёқларининг шапиллаши эшитилди, холос.

— Баракалла! — деб кулиб юборди механик.—Ҳамиша биринчи бўлишни истайди. Ишхонага мендан олдин бораман деб юргурганча кетди.

— Хув ама, у аллақачон ишхона ёнидаги девор устига чиқиб ўтирипти! — деди Маликова, деразадан бошини чиқариб.

Хеля энди бу ерда, трактор турган саройда ўзини худди ўз уйидагидек ҳис этарди.

Марциняк гоҳ у, гоҳ бу калит блан моторнинг аллақаерини бураб маҳкамлар, тўқ-тўқ қилиб уриб қўяр, тузатар, минут сайн худди ҳақиқий шогирдга мурожаат қилгандек Хеляга:

— Болғани бер! Француз калитини! Омбирни! Тезроқ! — дер эди.

Кейин у трактор устига чиқиб, моторни юргизди,

шунда бутун атроф гулдираб, ўтлоқларда акссадо янгради.

— Ҳаммаси жойида! Душанба куни далага чиқамиз. Умумлаштирилган кооператив ерларини ҳайдаймиз, ерга ишлов бериб бўлгандан кейин тракторга ма-на шундай каттакон сеялка тиркаймиз... сўнг бутун кооперативимизга етарли буғдой етишсин учун, ҳаммадан кўп ҳосил етиштириш учун экишга тушамиз!

— Ҳа! — деб бош иргитиб қўйди Хеля.

— Ана, иш тамом бўлди, туш ҳам яқинлашиб қолди, энди юр, менга ўша кеча Фредекдан қутқариб қолмоқчи бўлган читтакларингни кўрсат, уларни қутқариш ўрнига бошқа «қушчаларни» безовта қилибсизлар-да.

ЯХШИ ЯШАШИМИЗ УЧУН

Улар йўл ёқасига чиқишиди, броқ ҳали қишлоққа қайтгулари йўқ эди. Қандай қилиб, қуёшда ярақлаб турган дар'ё бўйига қараб кетганларини ўзлари ҳам сезмай қолишиди.

— Стефекнинг амакиси шу ерга кўприк қуарар эмиш-а? Эшитдингизми? — деб сўради Хеля. — У, ана шу кўприкдан темир йўл ўтади, дейди. Олти йиллик планда шундай белгиланган экан. Тош уйда эса, фабрика очиларкан.

— Ҳа, сабзавот маҳсулотлари ва меваларни қайта ишлайдиган катта фабрика бўлади, бошқа шаҳарларда ҳам бирталай ҳархил фабрикалар қурамиз. Сизлар катта бўлиб, мактабни тугатгунларингча, юзлаб фабрика ва заводлар қурилади, улардаги станок ва машиналарда сизлар ишлайсиз, ҳарбирингиз ўзингизга ма’қул тушадиган ишни танлаб оласиз.

— Мен фабрикада ишлашни истамайман, мен тракторчи бўламан... Броқ Франка Собоневна, Михась Калита, Вишневскийларнинг иккаласи, Хеля ва Мания қишлоқда қолишини истамаятилар: улар шаҳарга, заводга боришмоқчи... Юзек Виснёх эса инженер бўлиб, ўзим машина ясайман, дейди... ёки уйлар қуарар

миш... — дерди Хеля. — Бу машиналар заводларга қаёқдан келади? Улар қаерда ясалади?

— Заводларда! Биз ҳархил станок, завод асбобускуналари ишлаб чиқарадиган заводлар ҳам қурамиз, албатта.

— Иннайкин... трактор ҳам ясаймизми?

— Албатта, ясаймиз. Жуда кўп ясаймиз! Қани айтчи, мана бу сизларнинг ерингизга ўхшаган ерларда трактор юраоладими?

— Йўқ, бизнигiga қараганда анча катта бўлишига қарамай ҳатто Собякнинг ерида ҳам трактор дарров икки фиддираги блан уватга тақалиб қолди. Ўзим кўрдим, ёнида турган эдим...

— Мана шунинг учун ҳам биз катта умумлаштирилган ерларни ҳайдаш осон ва фойдали бўлсин учун ишлабчиқариш кооперативи ташкил этдик. Бизда факат трактор эмас, ғалла янчадиган машина, бое боғлайдиган машина, комбайн каби бошқа машиналар ҳам бўлади...

Улар жим қолишиди. Ўтлар орасида туш вақтининг яқинлашиб қолганидан дарак бериб, чигирткалар чирилларди. Жазирама ҳарорат уфқни оқ тумандек қоплаб олган.

Хеля блан Марциняк йўл, бўйидаги тўнкага ўтиришиди.

— Овқат вақти бўлди, — деди механик.

Броқ Хеля гапни давом этдиришни истарди.

— Комбайн нима? — деб сўради у.

— Комбайн — донни ўзи ўриб, янчиб, тозалаб, қопга солиб қўядиган машина.

— Вой-бўй! — деди ҳайрон қолиб Хеля. — Комбайндан тайёр, қопланган ғалла чиқадими? Комбайн жуда катта бўладими?

— Албатта, катта. Унга қараганда бизнинг тракторимиз жуда кичкина.

— Вой-бўй! — деди Хеля яна ҳайрон қолиб. — Иннайкин... Ўшанақа комбайнни... қизлар ҳайдайоладими?

— Сендан бошқа одам топилмас экан-да! — деб қаҳқаҳлаб кулди Марциняк. — Нега хавотир бўляяпсан? Сен катта бўлиб, тракторчи бўлгунингча Польша далаларида комбайн жуда қайнаб кетади. Сен ҳам bemalol ҳайдаб юришинг мумкин уни.

Хеля чуқур хўрсиниб қўйди. У келгусини кўз олдига яққол келтирди, улкан машина кетиб бораяпти, буғдойзорлар шамолда тебранади, машинанинг кетида эса, кенг анғиз очилиб бораяпти. Мана, аравалар келиб, шу ондаёқ буғдой солинган катта-катта қопларни ортиб кетаётир. Халқ, дон роса униб бериб, ҳосил яхши бўлганидан, иш ҳам басма-басига кетаётганидан хурсанд. Рульда ўтирган ким?.. Хеля!.. Оҳ, қандай ажойиб иш бўлади бу!

Тўсатдан унинг оёғи олдига аллаким отган тош, келиб тушди.

— Фредек Малиновский тош отиб ўйнаётган бўлса керак! — деди Хеля темирчилик ишхонаси томонга қарап экан, жаҳли чиқиб.

Броқ ишхонанинг орқасида Хенек турарди.

— Ҳозиргина милиционерлар келишди — ўт қўючиларни олиб кетгани келишган бўлса керак! Мен ўша ерга кетаяпман, — деб қичқирди у.

— Мен ҳам ўша ерга боришим керак, — деб ўрнидан турди механик.

Хеля Хенекнинг кетидан чопиб кетди.

КЕИИН ЭСА ЙУҚ...

Хенек жуда ташвишланарди.

— Хеля, мени қамаб қўйишларини истамайман....
Мен қочиб кетаман ёки...

— Нима бўлди? — деб сўради Хеля, қўрқиб кетиб.

— Улар... тегирмончиниқига бориб, анави қаламтарошини... йўқотган кишини қидиришди. Собяк бўлса, ҳечнарса кўрмагандай, менинг ҳечнарсадан хабарим йўқ, бундан икки кун олдин тегирмонимнинг сувини беркитиб, менга ҳам шикаст етказмоқчи бўлиш-

ди, деб уларни ишонтирабошлади. Мен буни эшитган заҳотим, чопиб бориб старший милиционерга, у Эдекни ҳақорат қилди, унга: «Ху сариқ итвачча!..» деб бақирди, шунинг учун мен ундан ўч олмоқчи бўлиб, сувни беркитдим, деб айтдим... Старший милиционер: «Яхши эмас. Сен жуда ёмон иш қилибсан! Манави ишни тугатиб олайлик, мен сен блан гаплашаман...» деди. У мен блан гаплашмоқчи, билдингми, Хеля? — Кейин нима бўлди? — деб сўради Хеля, баттарроқ ташвишланиб.

Улар тегирмонга қараб боришарди. Хенек гапида давом этди:

— Мен милиционерга айтишга мажбур эдим. Бошка иложим йўқ эди. Бўлмаса-чи! Ахир улар бор гапни билишлари керак-да. Яна мен уларга анави... қаламтарошли кишини... Собякларнинг деразаси олдиди кўрган эдим, деб айтдим... Энди нима бўларкин-а? — Хенек ташвишланиб, опасига қаради.

— Сен шу ерда ольхалар орасида туратур, мен бориб, у ерда нима гап эканини билиб келаман, — деди Хеля, бундан икки кун олдин ўзининг криковниклар орасида беркиниб ўтирганини эслар экан, Хенекнинг ҳам ҳозир ўшандай аҳволга тушганини ўйлаб.

Хенек эндигина буталар орасига кириб кетмоқчи бўлиб турган эди, тегирмондан қайтиб келаётган милиционерларни кўриб қолди. Уларнинг орқасидан Марциняк келар эди.

— Ҳа, бу сенмисан? — деди милиционер уни кўриб. — Сени учратганим яхши бўлди. Мен сендан тегирмончидан ўч олганингдан кейин ўзингни қандай ҳис қилаётганингни сўрамоқчи эдим?

— Ёмон,— деди Хенек, қўрқувдан тишларини тақиллатиб, эшитилар-эшитилмас.

— Ўша пайтда ўзингни яхши ҳис этибмидинг?

— Мен Собякнинг қўрқиб кетганини, кейин аччиғланишини кўрмоқчи эдим... кўриб, жуда хурсанд бўлдим...

— Кейинчи?

— Кейин эса йўқ...

— Мен сенга шуни айтмоқчи эдим, киши бирордан ўч олганда ҳамавақт ана шундай бўлади. У аввал ишни ўйламай қиласди, кейин ўйлаб, ма’носига стгандан сўнг ёмон иш қилиб қўйганини тушуна бошлиди. Шундайми?

Бола бош қимирлатиб қўйди.

— Агар бирор киши ёмон иш қилиб қўйса унга жазо берилади, а?

«Бошланди! — деб ўйлади Хенек.— Ҳозир мени тутиб олиб кетади».

— Аммо сен шундай ҳам жазонгни тортдинг. Қўрқувдан титрашингни қара,— деб жилмайди милиционер.— Ҳамиша эсингда бўлсинки, ёмонлик қилган, бирорни хафа қилган одам ҳечқачон жазодан қочиб қутулаолмайди. Ҳалқ давлати унинг устидан одил ҳукм чиқаради. Собяк трактор турган саройга ўт қўйишни ташкил этгани учун ҳам, Микулага иш ҳақи тўламагани учун ҳам, ёш бола бўлишига қарамай Эдекни ишлашга мажбур этгани учун ҳам суд олдида жавоб беради. Агар сен ҳақиқатга эришмоқчи бўлган экансан, ҳамма кўрганларингни катталардан бирорта ишонган одамингга: онангами, механикками ёки милиционерлардан бирортасигами айтишинг керак эди. Шунда сен катталарга ёрдам берган бўлардинг. Сен бўлсанг, ножўя иш қилиб, Собякнинг ўзини оқлашига баҳона топиб бергансан...

— Ахир унинг кооперативга қарши экани, қўлидан келганча шикаст етказишга интилаётгани аллақачонлардан бери ҳаммага ма’лум-ку,— деди Марциняк.

— Энди у бошқа шикаст етказаолмайди! — деб жавоб берди милиционер. Кейин Эдекка қараб деди: — Бор, ўйнайвер, йигитча, биз гаражга борамиз.

Хенек улар орқасидан бир қараб қўйди-да, енгил тортиб хўрсинди.

ҚИЗИЛ ТРУБАЛАР

Үқитучи стол ёнида расм солиб ўтиради.

Эдекнинг ўқитучи қанақа расм солаётганини жуда билгиси келарди. Балки бирор суратдир?

Үқитучи чўткасини сувга чайқаб очқизил бўёқни суюлтирабоилади.

Эҳтимол у ҳамиша Эдекнинг кўзи олдида гавдалиниб туручи анави қизил трубали қизил фабриканинг расмини солаётгандир?

Эдек яна бирнеча қадам яқинлашди, броқ ишга жуда берилиб кетган ўқитучи унинг келганини сезмади ҳам.

Қофоз бетига қандайдир ғалати чизиқлар чизилган бўлиб, улар учбурчак ва йўллар ҳосил этган эди. «Эсиз яхши бўёқ бунақа суратга!» — деб хўрсишиб қўйди Эдек.

Аммо ўқитучи ҳечнарсани кўрмас, эшитмас, қофозга эҳтиётлик блан очпушти бўёқ суртарди.

Ниҳоят, у бошини кўтарди ва Эдекни кўрди.

— Янги китоб олгани келдингми? Танлаб олгина, қофозга ёзиб қўй, мен расмни ишлаб бўлиб, картотекага кўчириб қўяман.

— Нима чизаяпсиз? — деди сўрашга жур'ат этиб Эдек.

— План.

— План?

— План нима эканлигини билмайсанми? Бу — бирор парча ер тасвиrlанган карта. Мана бу чизаётганим — Калиновка қишлоғининг плани. Манави тўртбурчаклар — уй, буниси эса, бутун қишлоқ. Бу ери кўмкўк дар'ёча, манави яхлит бўлаклар — дала. Ҳарбири — бир одамнинг ери.

— Бирам кичкина-кичкинаки!

— Ҳаммаси шунақа эмас. Мана Собякнинг ери катта.

— Собякни милиционерлар олиб кетишиди... — деб гап қистирди Эдек.

— Қилмишига яраша бўпти! Эски Млинискига

кўчиб олдингларми? Қандай жойлашдинглар? Қаерда турибсизлар?

— Молхонага яқин жойда. Мен аллақачон ҳамма нарсани тайёрлаб қўйдим, тўшакларга янги сомон тиқдим,— деди Эдек гапга киришиб.— Дадам, ишдан кейин ўқишига китоб олиб кел, деган эди.

— Бундан чиқди, даданг хурсанд экан-да?

— Албатта! Бошқалар учун эмас, ўзи учун ишлайди. Ўз ерини кооперативга берди, энди кооперативнинг нарсаси унинг нарсаси-да. Тўғрими, ахир?

— Албатта, кооперативда ҳамма нарса ўзингники. Умумники.

— Бўёқларингизни менга бериб туринг... Оэгина расм соламан...— юрак бётлаб сўради Эдек. Сиз эса унгача мана бу китобларни ёзиб өлинг, бўлмаса эси-нгиздан чиқиб қолади.

— Эсингиздан чиқиб қолмасин деб, шундай ташвишланаяпсанки! — деб кулиб юборди ўқитучи.— Қани, ўтири. Биламан. Расм солишни жуда яхши кўрасан. Бўёқни тўғри қўй. Шу ранг блан мана бу бўлакларнинг ҳаммасини бўяш керак.

— Мана шу очпушти блан-а?

— Ҳа.

Ўқитучи китобларни ёзиб қўйиб, дераза олдига борди. Эдек эса расм бўярди. У аллақачон суюлтирилган фишт рангли бўёққа кисточкани ботириб, фабрика трубаларини чизишига тутинишдан ўзини зўрғатийиб туради.

Ўқитучи эса деразадан қараб турар экан, дерди:

— Сигирларни аллақачон умумлаштирилган молхонага олиб боришиди, энди отларни ҳам умумлаштирилган отхонага олиб кетишаепти... Ана, Войтковяк биясини етаклаб кетаяпти... Янги хўжалик бўлади... Қишлоқда янги ишлар бошланаяпти... Одамларниг турмуши ўзгаради... яхшиликка ўзгаради!

Эдек ўз ҳаётида кўп нарсалар аллақачон ўзгариб бўлганини ўйлади ва шу тўғрида гапирмоқчи бўлиб

турган эди, шу пайт ўқитучи тұсатдан унинг олдига келди:

— Мактабларда ҳам яхши ўзгаришлар бўлишини биласанми? Олти йиллик планда бу ҳам кўзда тутилсан.

— Мактабларда ҳам дейсизми?

— Ҳа! Олтийиллик планда болаларнинг яхши шароитларда ўқиши тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилинган. Масалан, бизнинг Калиновкада яна икки синф ва иккита кабинет — табиатшунослик ва физика кабинетлари учун бино қурилади. Қишида гимнастика дарсида эркин ҳаракат қилиш мумкин бўлсин учун гимнастика зали ҳам қурилади. Ўқитучилар ҳам кўпаяди, мактабга ўқув қуроллари ҳам олинади... Тўхта! Сен нима чизаяпсан? — деб сўради ўқитучи бирдан хавотирлашиб.— Қора бўёқ блан-а? Нима қиласяпсан ўзинг?

— Менми...ҳеччима...— Бола қўллари блан қофозни беркитди.— Мен... фақат шундай... Бу ерда бир варақ тоза қофоз ётган экан... Мен у керак эмас деб ўйлабман...

Ўқитучи Эдекнинг қўлини четга сурди. Стол устидаги ситқидил, яхшилаб чизилган план ёнида бир варақ қофоз ётарди, унда баланд девор орқасида қақ-қайиб турган баланд ғиштин трубалар расми солинганди... Қорамтир тутун бутун расмни қоплаб олмоқчи бўлгандай, атрофга ёйилиб ложувард осмонга сиңгиб кетаяпти...

— Кечиринг мени... жуда ишлагим келди-да шу расмни...— деб тўнғиллади Эдек худди ғиштдай қипқизил бўлиб.— Жаҳлингиз чиқмасин...

— Менинг жаҳлим чиқаётгани йўқ; аввалига буларни планинг устига чизаяпсан экан деб қўрқиб кетдим,— деб кулиб юборди ўқитучи.

— Менинг бўёқларим аллақачон тамом бўлган эди,— деди Эдек ўзи учун қулай фурсат келганини пайқаб.— Энди мана бу бўёқларни кўрдим-у...

— Расм чизгим келиб кетди, дегин? Ҳа, майли, давом этдиравер, лекин тезроқ осмонни сақлаб қол, чун-

ки манави тутун тарқалса, ҳамаёқ қопқоронғи бўлиб қолади. Мактабни тугатганингдан кейин рассомлар ўқийдиган академияга киришинг керак...

— Мен қандай қилиб кираман у мактабга? Пул қани унга? — деб ма'юс бош чайқади Эдек.

— Пул қани унга, дейсанми? Энди, Калиновкада ишлабчиқариш кооперативи ташкил этилгандан кейин, бу қиёйин эмас. Биз сенга ёрдам берамиз. Ташвиш қилма: сенинг академияга киришингга ҳам, Юзек Виснёхга ҳам етади. У қурилиш техникумига киради, агар ўқишига қобилияти бўлса, истаса, кейин инженер бўлиш учун институтга ҳам кириб ўқиди.

РАНЖИШ

— Ўзинг кетавер! — деб қичқирди Юзек.— Мен бормайман!

Стефан кўча эшикни ёпиб чиқиб кетар экан, Юзек алам блан елкасини қисиб, дафтар устига энгашди.

«Топган гапини-чи! У блан Қшеменицага қараб тош йўлда югурамишман!» Юзек қизишиб, қалам қолдиги блан нимадир чизарди.

У нима чизарди? Албатта, кўприкнинг расмини-да! Яна битта эмас, бирқанча, ҳархил кўприкларнинг расмини. Ким билсин у кўприк қанақа бўлади... Балки манавинисига ўхшар ёки бунисига? Ёки мутлақо бошқача бўлар...

Эндигина тонг отганига қарамай ҳаво дим.

— Ёғадими дейман? — деб сўради онаси деразадан қараб.

Броқ Юзек жавоб бермади — чунки у суҳбатнинг «Юзек, Марисяга бирпас қараб тур!» ёки шунга ўхшаш яна бирорта гал блан тамом бўлишидан қўрқарди.

Бир ками шу эдими! Якшанба куни!

Бу кўприк қанақа бўлар экан?

Юзек бу ҳақда Стефан блан гаплашишга уришиб қўрди, броқ у кўприкка мутлақо қизиқмас эди; нега-

дир у нуқул, қишлоғимизда радио бўлса ёмон бўлмас эди,— деб радио тўғрисида гапиргани-гапирган.

Албатта, яхши бўлар эди-да. Броқ йўқ нарсани гапириб ўтиришнинг нима кераги бор? Кейин Юзек яна кўприк ҳақида ўйлаб кетди.

Аксига, Стефаннинг амакиси ҳам ўт қўючилар воқиаси юз берган куннинг эртасига эрталаб кетиб қолди, энди сўрайдиган одам ҳам йўқ. «Асбоб-ускуна» сақлаш учун қуриладиган бино ўрнини белгилаб, дар'ё бўйига қоқиб қўйилган қозиқчалар атрофида айланниб юришдан бўлак иш йўқ.

Қанақа «асбоб-ускуна» олиб келишаркин? Белкураклармикин? Йўқ, машиналар олиб келишса керак. Балки анавиндаقا бўялган таёқлар олиб келишар? Йўқ, ҳарҳолда машина олиб келишса керак!

Степан бўлса «асбоб-ускуна»ни душанба куни келтиришади, ишни ҳам кўприк қуришдан эмас, барак қуришдан бошлашади, дейди.

Бунинг устига, қишлоқда ҳам алланарсалар бўлаяпти. Ҳамма ҳовлиқади, елиб-югуради, тайёрланади... Лекин Юзек нима гап эканлигини ҳеч ҳам билолмайди.

Броқ нимадир бўлади, тағин худди шу бугун, якшанба куни бўлади.

У Стефан блан олма тераётган вақтидаёқ буни сезган эди. Ўшанда Стефан якшанба куни бир жуда қизик иш бўлади, деб шама қилган, аммо шу ондаёқ жиддий қиёфада, бу махфий сир деб қўшиб қўйган эди.

Кеча онаси нонга хамир қорди. Юзек ҳайрон бўлди: нега? Ҳали яна уч буханка нонлари бор-ку.

— Ҳечқиси йўқ. Якшанба куни керак бўлиб қолади,— деди онаси.

— Якшанба куни нима бўлади?

— Ҳамма нарсага аралашаверма! — деб жеркиб берди онаси уни.

Шу пайт қанд блан бир хумчада мой кўтариб, Матияска кириб келди, онаси Юзекка олхўри териб келишни буюрди. Кейин улар Матияска блан бирга яна

хамир қорабошлашди, лекин бу сафар улар хамирни оқ ундан қориши. Улар: ишқилиб, якшанба куни анави...лар олдида шарманда бўлиб қолмайлик, деб яхши пироглар пиширишга ҳаракат қиласар эдилар.

— Бу пироглар кимга? — деб сўради Юзек, олхўри тўла корзинкани ерга қўйиб.

— Ҳамма нарсага аралашаверма! — деб жеркиб берди бу сафар уни Матияска, худди онаси блан келишиб қўйгандек.

Онаси эса унга ҳозироқ Қалита, Махейда ва Катулаларнига бориб, бу пирогларга форма олиб келишни буюрди.

Йўлда кетаётиб у Махейданинг қишлоқ ўртасидағи йўл чеккасида туриб, каттароқ болаларга ниманидир кўрсатаётганига кўзи тушди. Юзек уйга формаларни келтириб бергач, нима гап эканлигини билиш учун югуриб борган эди, қазиб қўйилган чуқур ўрани кўрди.

— Бу ўра нимага керак? — деб сўради Юзек, ўранинг тагидаги сариқ тупроқни кўриб.

— Сени ичига ташлаб юбориш учун! — деди Вадек Котлярчик, ҳазиллашиб.

Худди ҳаммалари келишиб қўйгандай-а! Лекин ҳаммасидан ҳам Стефанники ошиб тушди. Шундай қараганда ёмон бола деб бўлмайди. Яхши ўртоқ, аммо ба'зан уни бир «тушириб» қолгинг келади, холос. Масалан кечаги ишини олайлик. Ҳаммалари дарёга қисқичбақа тутгани бориши. Икки юз дона, ҳатто ундан ҳам кўпроқ қисқичбақа, тағин анчагина чавоқбалиқ тутишди, броқ Хенекка бу ҳам камлик қилди.

— Яна, яна! Ойим иложи борича кўпроқ тутиб кел, деб айтди.

Стефан бўлса... хаҳ шу Стефан!.. икки қўлини белига тираб олиб, мақтанабошлади:

— Нимага эканлигини мен биламан, аммо айтмайман, ҳечам айтмайман!

— Айт! — деди ғазабдан бўзариб кетган Юзек, бир сакраб унинг олдига бориб.

— Махфий сир, вассалом! — деди Стефан ва энгашиб қўли блан сувни бир урган эди, сув қатралари тўппа-тўғри Юзекнинг юзига сачради.

Ушандан бери улар бир-бирлари блан гаплашмайдилар. Стефан ана шунаقا бола!

Бугун эса, ҳечнарса кўрмагандай: юр, тош йўлга борамиз, деб келипти.

Тўсатдан Кшеменица томонида машинага ўхшаган бир нарса гувиллади.

Ҳа, у янгишмади: машина келаяпти.

Юзекнинг миясига ялт этиб: «асбоб-ускуна олиб келаётган бўлсалар керак» деган фикр келди.

У сакраб туриб, дар'ё томонга югорди. Улар этиб келгунча бу бориб кутиб туради. Наҳотки, Стефан бу «асбоб-ускуна»ларни қандай туширишларини кўрмасин деб уни алдамоқчи бўлган бўлса? Қаранг, у қанақа! Лекин Юзекни алдаш осон эмас.

У баландликдан югуриб тушиб, барак қуриладиган жойни англатучи олтита таёқ қаққайиб турган ерга келди-да, тўхтаб қулоқ солабошлади.

Броқ атроф жимжит эди, дим ҳавода худди олисларда чалинаётган минглаб қўнғироқларнинг овозидек ўтлар орасига биқиниб олган чигирткаларнинг чириллашигина эшитилади.

«Улар тепаликнинг орқасида,— деб ўзини юпатди бола,— шунинг учун эшитилмаяпти. Машина ҳозир тегирмон орқасидаги муюлишида кўринади... Йўқ ҳали у этиб келгани йўқ... Броқ ҳозир келади... овози ҳам эшитилиб қолди шекилли...»

Броқ ҳечнарса эшитилмасди, жаҳли чиққан Юзек яна қишлоққа қараб судралиб кетди.

Ҳамма нарса жонига тегди — ҳатто қаёққадир ғойиб бўлган мана бу машина ҳам...

УЛУФ КУН

Бирдан қишлоқ ҳайрон қоларлик даражада жимжит бўлиб қолди, фақат Махейданинг ҳовлисида аллақандай ғовир-ғувур эшитиларди.

Юзек тупроқда ялқовлик блан оғини судраб, ўша томонга йўл олди.

Нотаниш бир киши турган юк машинани бирталай одам ўраб олган.

Аммо бу машинада ҳечқанақа «асбоб-ускуна» йўқ эди.

Юзек яхшироқ кўринадиган жойга — девор устига чиқиб олди, лекин барибир машинада ҳечқанақа «асбоб-ускуна» кўринмади. Унда фақат анави нотаниш киши бор эди.

— Ўртоқлар, биз, завод ишчилари,— дерди у,— ишдан ташқари вақтда сизнинг қишлоғингиз учун мана шу радио аппаратура блан ўттизта репродукторни ясадик, мана, энди биз уларни сизларга совға қилиб олиб келдик. Радио овози сизлар бу ерда — қишлоқда, порлоқ эртамиз учун ишлаётганингиздек, биз ҳам шаҳарда порлоқ келажак учун кучимизни аямасдан меҳнат қилаётганимизни бутун қишлоққа эслатиб турсин! Бу овоз сизларга биз шаҳарда, сиз қишлоқда — улуғ бир меҳнаткаш оила эканимизни, умумий меҳнат бизни худди ака-укалардек яқинлаштирганини эслатиб турсин.

Олқиши садолари янгради, ғовур-ғувур овозлар эшишилди, аммо кўп ўтмай ҳамаёқ жим бўлди, чунки машина устига яна аллақандай бир киши чиқди.

— Бу уезд халқ советининг раиси ўртоқ Мильчарчик, — деди Юзекдан сал нарироқда турган Игнасиқ.

Ўртоқ Мильчарчик ҳаммадан аввал ишчилар блан бирга йшлибчиқариш кооперативига бирлашган калиновкали деҳқонларни кўргани келганлигини айтди. Кейин эса халқ Польшасида социалистик хўжалик пойдеворини қуриш учун олтийиллик давлат планини амалга ошириб, фидокорона меҳнат қилаётган ишчилар ҳақида гапирди. У яна, ҳали ҳам янги ҳаётни қуришга халақит беручи, ўз фойдасини кўзловчи, ҳатто Польшанинг кучсиз давлат бўлиб қолиши, унда одамларнинг қашшоқликда яшашидан манфаатдор бўлган

ташқи душманларнинг кўрсатмаси блан ҳаракат қи-
лучи одамлар мавжуд экани ҳақида ҳам галирди.

—... Душманлар бизнинг устимиздан ғалаба қо-
зонаолмасликларини биладилар. Лекин улар одам-
ларни қашшоқликка солиб фойда кўриш мақсадида
ўнг келган ерда низо' уругини сепадилар... Бу ерда,
Қалиновкада ҳам хўжалигингизни кўтариб олишга
ҳалақит бермоқчи, трактор ва барча асбоб-ускуналар
турган омборни ёндиromoқчи бўлган душманлар бор
экани ма'lум бўлди. Улар сизларни қўрқитмоқчи, ко-
оперативга киришдан бош тортишга мажбур этмоқ-
чи бўлганлар. Мана, кўрдингларми, қандай ҳуш-
ёр бўлиш керак, душмандан қандай эҳтиёт бўлиш ке-
рак! Сизлар бунақанги таҳдидлар блан ўзингизни
қўрқитаолмасликларини исбот этдингиз: умумлашган
молхона ва отхоналар ташкил этдингиз. Эртага трак-
тор биринчи марта кооператив ерини ҳайдашга чи-
қади. Сизнинг йўлингиз — порлоқ келажак йўли...

Юзек қўлини чўзиб, кўмкўк олхўрини узди ва уёқ-
буёғига қарамасдан оғзига солди, аммо тиши қама-
шиб, уни шу ондаёқ туфлаб ташламоқчи бўлди...
Броқ тўсатдан... Бу нимаси?

— Халқ совети номидан... — деди раис тантана
блан, — Халқ совети номидан Қалиновка қишлоғи-
нинг болалари: Хеля Маликувна, Эдек Микула, Юзек
Виснёҳ ва Хенек Маликларга ҳуш'ёрлик кўрсатганли-
ти, жамоат мулкига ғамхўрлик қилгани ва ботирлиги
учун ташаккур билдираман. Бундан ташқари, Хеля
Маликувна китоб блан мукофотланади. Мен номини
айтган болалар машина ёнига келишини илтимос қи-
ламан.

— Вой-вой! — деди Юзек фикрларини тўплайол-
май. У ерга сакраб тушди-да, олхўрини туфлаб таш-
лади.

— Бор, бор! — деб туртишарди уни одамлар.

Оҳ, шунақаям дим, шунақаям иссиқки! Унинг юз-
лари қизариб кетди, бу жазирама ҳароратданми ёки
юрагӣ ҳаддан ташқари қаттиқ ураётганиданми, ма'-

лум эмасди. У зўрға нафас оларди. Бирдан унинг миясига: «Оёқларим тупроқ-ку, қандай қилиб бораман?» деган фикр келди.

Броқ ўйлаб ўтиришнинг вақти эмас. У олдида машинага қўйилган зинапоянинг тўрт поғонасини ва... ўзига қаратилган кўзларни... кўрди. Қанчадан-қанча кўз! Қанчадан-қанча одам!

Иssiқ... Хеля эса... у қандай дадил-а! Раиснинг олдига борди-да, Стефанни кўрсатиб, унга алланарсалар деди.

— У ҳам сизлар блан бирга әдими? — деб жилмайди раис.— Стефан Москожевскийга ҳам ташаккур билдираман... Стефан, буёқقا кел! Баракалла, болалар!

Стефан платформага сакраб чиқиб, Юзекнинг ёнита турди.

Раис эса навбатма-навбат уларнинг қўлларини катталарникидек қаттиқ сиқди. Хеля қизил коленкор муқовасига олтин ҳарфлар блан: «Варшавани тиклаш альбоми» деб ёзилган китобча олди.

Қишлоқ устида куй янгратмоқда

— Нима учун мен ҳамиша радио ҳақида гапирганимни энди тушундингми? — деди Стефан Юзекнинг биқинига туртиб ва оппоқ тишларини кўрсатиб кулди. У кўк кўзларини қисиб, кекса Калита айтгандек «бутун вужуди блан» куларди.

Юзек ҳам жилмайди, жилмаймасдан иложи йўқ.

Хўш, Стефан қандай бола экан? Яхши бола, яхши! Жуда яхши ўртоқ!

Улар Эдек ва Хенск блан бирга елиб-югурадилар, радиоаппаратурани ўриятишга ёрдам берадилар, кейин эса, уйма-үй югуриб, репродукторлар қанақа аҳволда эканлигини қараб чиқадилар.

Улар ҳамаёқка улгуришлари керак.

Стефан дам-бадам бир группа ишчилар блан бирга

келган отасининг олдига боради, отаси ҳам энди Стефан блан унинг уч ўртоғи иш сўраётгандарини, каттагарга ёрдам бормоқчи эканликларини билади.

Ҳаво ҳамон эрталабкидек иссиқ, дим бўлишига қарамай улар ўзларини шундай яхши енгил ҳис этардиларки...

— Стефек, асбоб-ускуналарни қачон олиб келишади? — деб сўрайди Юзек.

Стефек қаҳқаҳ уриб кулади:

— Юзек, кўприкдан бўлак ташвишинг йўқ эканда! Эртага дастлабки машиналар келади. Амаким блан ишчилар келишади. Агар амаким бугун шу ерда бўлганда мен ундан сени ёрдамчи қилиб олишни илтимос қиласдим. Энди эртага ўзинг сўрайсан... Таёкларни олиб юрасан, қозиқчаларни симга тизасан.

Юзек ҳайрон: қаранг, бу Стефек қандай бола экан!

— Биргалашиб ёрдам берамиз! — деди Юзек.

Тўсатдан Стефекнинг юзи жиддий тус олди, ҳатто бироз қовоқлари ҳам солинди.

— Йўқ, биргалашиб ёрдам беролмаймиз, чунки мен бугун дадам блан жўнаб кетаман.

Юзек у блан биринчи танишган кунлари Стефекнинг, мен бу ерда фақат якшанбагача тураман, якшанба куни дадам келиб, мени олиб кетади, деганини эслади.

— Бу ердан кетгим келмаяпти, — деди Стефек.— Аммо...

Юзек саросимага тушиб ўйлаб қолди: қандай қилиб Стефекни олиб қолиш мумкин? Балки онаси блан отаси Стефекнинг уларниди, ҳеч бўлмаса, бирнеча кун меҳмон бўлиб қолишига розилик беришар?..

Хеля унинг фикрларини бўлиб юборди. Қизча хансираганича югуриб болаларнинг олдига келди-да, Хенекнинг қўлидан кумушдай товланибчувалаётган сим ўрамини юлқиб олиб, тўғри Махейдаларнинг томида ўтирган ишчилар томон чопди. У шу заҳотиёқ тез-тез гапирабошлади:

— Стефек, бугун кетмаслигингни биласанми? Нима? Ҳа! Бизницида қоласан. Қаникул тамом бўлгунча бизницида турасан. Ишонмайсанми? Ойим даданг блан гаплашиб қўйди. Даданг хўп деди!

— Қўй-е? Ростми? — деди Стефек ва қувонганидан қаҳқаҳлаб кулиб юборди.

Кейин ҳаммалари кулабошлишди.

Бугун қандай яхши!

Махейдаларнинг хирмонида зиёфат тузадилар. Шошилинч равишда таҳтадан ясалган столларга қордек оппоқ суруп дастурхонлар ёзилган. Хўжайкалар нон, тўғралган гўшт, қовирилган балиқ ва тарелкалар орасига кичкина кувачаларда гулдасталар қўймоқдалар.

Йигитлар аллақачон симёфочнинг учини чуқурга қўмиб бўлдилар.

Шунда тўсатдан... қаердандир юқоридан бутун қишлоққа музика овози тараалди, кенг ёйилиб, шамол блан бирга даладан-далага учди...

Кичкинагина репродукторлар ҳарбир хонадонда худди шу қўшиқни куйлайди.

Эдек Юзекнинг елкасига қўйини қўйиб, жим туриб тинглайди, кейин эса, бир хўрсиниб қўйиб:

— Қандай яхши... — деб шивирлайди.

Шунда негадир Хелянинг миясига: мен орден олишни орзу қилганимда (ўшанда тракторнинг устига чиққанида) кўнгилсиз ҳодисалар юз берган эди; энди бўлса, ўзим тўғримда эмас, фақат жамоат мулки — тракторни кутқариб қолиш тўғрисида ўйлаганим учун тақдирлашди, деган фикрлар келабошлиди, у шундай яйраб кетдики!..

Нима учун бу фикрлар унинг миясига худди шу пайтда келди экан? Балки улар музика блан бирга учуб келгандир?

ЯНГИ БУҒДОИ ЭҚИШ ҚЕРАҚ

Кечаси момақалдироқ гулдиради.

Кучли шамол блан ҳамаёқни тўстўполон қилиб келди-ю, кейин гўё ер остида гулдираётгандек қаер-

дадир олисларда әшитилиб, борган сари пасайиб ўтиб кетди.

Яна бироз ёмғир қуиди, томлардан ҳалқобларга шариллаб сув оқиб турди.

Марися шундан кейингина уйғонди. У шундай чинқириб йиғладики, бутун уйни оёққа турғазди.

— Унга нима бўлди экан? — деди ташвишланиб Виснёхова. — Шундай қаттиқ момақалдироқ гулдираганда индамай ётиб, тинганда энди чинқирајпти.

— У ҳамавақт шунақа, — деб жавоб берди Юзек ётган еридан.

— Ухла, ухла! Энди тонг ёришаяпти, — деб пичирлади онаси ва ўзи кўйлагига қўл узатди. У кийиниб, майда-чуйда юмушига қарагани секин ташқарига чиқди.

Юзек иссиққина ёстиққа бурканиб, кўзларини юмди, броқ ухлайолмади. У кўприк ҳақида ўйларди. Бугун баракни қурабошлишади. «Асбоб-ускуна»нинг бир қисмини келтиришади. Стефек шундай деб айтган эди. Улар Стефек блан унинг амакиси олдига боришиди, Стефек яна ҳечнарса демаса керак, аммо иш ўз-ўзидан ўнгидан келиб, тўртталовлари кўприкни қуришда ёрдам беришади, уларга энг қизиқ ишни топширадилар...

Қалдирғочлар уяларида эндигина кўтарилиб чиқаётган қўёшни қарши олиб, чуғирлашар, томда сомонларни шитирлатиб, каптарлар ғувуллашарди. У қайтиб ухлайолмади.

Юзек ўрнидан турди, ювинди, усти-бошини тартибга солди ва уйдан чиқди.

Марциняк аллақачон сарой олдида турарди. У тракторни биринчи марта далага олиб чиқишга тайёрлар эди.

Қишлоқдан ғовур-ғувур овозлар әшитилди. Хеля, унинг кетидан эса Хенек блан Эдек саройга югуриб келардилар.

Дарровдан етиб келдингларми? — деб кулди меканик,— саҳар сайрар қушчалар!

— Албатта. Ахир бугун кооперативнинг ерлари ҳайдалади-ку, — деди малла бошини силкитиб Эдек.

— Сизлар нега қувонаяпсизлар, биз кооператив ташкил этганимизгами? — деб сўзида давом қилди Марциняк жилмайиб.

— Чунки кооперативда ҳамма ҳалол ишлайди, ҳамма тенг бўлади, ҳечким ҳечкимни ранжитмайди,— деди Эдек.— Иннайкин... иннайкин...— у қизариб кетди,— кооператив менинг рассомлик мактабига киришимга ёрдам беради.

— Мен бўлсан ҳовузларда ишлайман, — деди Эдек.

— Кооперативда ясли, болалар боқчаси бўлади, катта болалар кичкиналар блан ўралишиб ўтирумайди, — деб юборди Юзек, аммо шу ондаёқ фақат ўзи ҳақида ўйлаши яхши эмаслигини сезиб: — Ҳаммага яхши бўлади: ҳосил яхши бўлади, турмуш фаровон... — деб қўшиб қўйди.

— Мен эса кооперативда тракторчи бўламан, — деди Хеля, Марцинякка мурожаат қилиб.

Марциняк трактор устига чиқди.

— Булар ҳаммаси бирдан бўлади-қўяди, деб ўйлайсизларми?

— Йўқ, бирдан эмас, — ўйланиб жавоб берди Хенек, — лекин биз булар ҳаммаси ўша яхши турмуш тезроқ келсин учун қилинаётганлигини биламиз.

Қишлоқдан гуруҳ-гуруҳ бўлиб одамлар келишарди.

Марциняк моторни юргизиб, тракторни саройдан олиб чиқди.

— Одамлар худди байрамга келаётгандай келишяпти-я! — деб қичқирди Хеля.

У сакраб тракторга чиқди-да, Марцинякнинг орқасига туриб курсини маҳкам ушлаб олди.

— Маҳкамроқ ушла, қизим! — деб қичқирди унга Марциняк.

Трактор кетидан омоч судралиб борарди. У йўлдаги тошларга тегиб, жарангларди. Марциняк далага чиқиб борди.

Учта кумушдек тиш ёриб кириб, уч қатлам ерни ағдарди.

Болалар пишқириб бораётган трактор орқасидан чопар эдилар.

— Уни қаранглар, Хеля тракторда кетаяпти! — деб жилмайди Игнасяк амаки.— Тракторчи бўлади, тракторчи...

Хеля бўлса трактор устида борар ва шодланиб, қачон бўлмасин мен ҳам рульни тутаман, ўзим катта, поёнсиз далаларни ҳайдайман, экаман, деб орзу қиласарди... Шунда бирдан яқинда Марциняк блан гаплашгани эсига тушди: далада каттакон комбайн кетиб бораяпти, у фаллани ўради, янчади, тозалайди, ҳаммасини биратўла қиласи... вақти келиб, Хеля ҳам ана шундай комбайнни бошқариши мумкин...

Оҳ, Хеля буни шундай истайдики!

Инсон қалби ўзи шундай: у ҳамиша бирор янгилик бўлишини, ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам бирор яхшироқ нарсани истайди.

Оламда ҳам ҳечбир нарса ҳечқачон ўз жойида қотиб турмайди, ҳамма нарса ҳаракат қиласи, ўзгаради... Ҳамма нарсанинг яхшиликка томон тезроқ ўзгариб бориши фақат одамларга боғлиқ.



БОГДАН ОСТРОМЕНЦКИЙ

БИЗНИНГ ЙҮЛ

Металлургия заводидан шаҳарнинг энг катта кўчасига йирик-йирик тош ётқизилган кенг йўлдан бориларди. Бу йўлниг бир тарафида одамлар ҳадеб юраберганидан зарангдек қотган яккаоёқ йўл чўзилиб кетган. Ёзинг иссиқ кунларида бу ёлғизоёқ йўл қупқуруқ бўлганидан юриш ҳам қулай бўлар эди, броқ ёмғир-сочинли қунларда тупроқ оёққа чиппа ёпишадиган лойга айланарди. Ишчилар эрталаб заводга кетаётганларида ва кечқурун ишдан қайтаётганларида бу ботқоқ йўлдан сра юриб бўлмайди, деб куйиниб қўярдилар. Заводга шошилиб кетаётган кишиларнинг тирфаниб, лойга йиқилиб тушиш ҳоллари кўп бўлган. Юк машиналари ва аравалар кети узилмасдан ўтиб тургани учун катта йўл ўртасидаги ҳўл тошлар устидан юриб бўлмасди.

Йўлдан бироз нарида ишчилар турадиган бирнечта уй жойлашган эди. Ҳарқайси уйда икки-учтадан оила яшарди. Ҳамма ишчиларнинг болалари дарсларини тайёрлаб бўлганларидан сўнг кечки пайт бирга ўйнардилар. Езда улар заводдан сал наридаги кичиккина ўтлоққа борарадилар. Бу ўтлоқ яқинида сим тўр тутилган тўсик бор эди, у ерга куйган майда кўмир тўкиларди. У худди қопқора шағалга ўхашаш бўлиб, ёқишга ярамасди. Бу кўмир кукуни ҳадеб тўки-

лабергач, аста-секин тепачалар ҳосил бўлабошлиди.

Бу йил баҳор жуда эрта келди: апрель ойида ёк қуёш ерни қизитабошлади, яйловларда кўмкўк майса кўриниб қолди.

Ўтлоқда ўйнайдиган болаларнинг оталари металлургия заводида ишлардилар. Улар ишдан қайтар экан, бу лой йўлдан юриш жуда машаққат, вақт топиб, уни албатта тузатиш керак, деб зорланганларини болалар кўп эшитардилар.

Ўтлоққа келадиган болаларнинг онабошиси Бронек Возняк эди. У доим Стефек ва Юзек деган икки укаси ва Галина деган синглиси блан келарди. Стефек ҳали кичкина бўлиб, мактабга қатнамасди.

Бу ерга Бронекнинг ўртоқлари, Галинанинг дугоналари ва Бронек блан бир синфда ўқийдиган Оля Мадейская блан Марися Шимчакувналар ҳам келиб туришарди.

Бир куни болалар ўтлоқда ўйнаб юрганларида заводнинг томи тепасида оқ ёзувли катта қизил алвонни кўриб қолдилар.

Галина югуриб тўсиқ ёнига борди.

— «Меҳнат байрамини...» — деб ўқиди у, хижжалаб ва тўхталиб қолди.

— Уёғини мен ўқиб берай, сен ҳали қийналасан! — деб қичқирди Марися Шимчакувна, — «... меҳнат унумини ошириш блан нишонлаймиз ва Биринчи майгача иккинчи квартал ишлабчиқариш планини бажариш мажбуриятини оламиз».

— У нима дегани? — деб сўради Галина.

— Мен биламан, мен биламан! — деб қичқирди Бронек. — Менга дадам айтган, заводдаги бутун ишчилар Биринчи майгача бундан бир ой кейин қилинадиган ишларни шу ойнинг ўзида ёк битказадиган қилиб ишлашади.

— Нимага? — деди Галина, ажабланиб.

— Вой нодон-эй! — деб қичқирди Бронек. — Нимага деганинг нимаси? — Улар ясаладиган нарсалар-

ни муддатидан илгари ясаб битиришади, кейин бошқа нарсалар ясашади, ундан кейин ҳамма нарса кўп бўлади, тушундингми? Темир кўп бўлади. Ахир биз вагонлар, пароходлар, рельслар, ҳархил машиналар ясаймиз-ку...

— Мактабда ўқитучимиз ҳам Биринчи май тўғрисида гапириб берди, — деди Оля Мадейская. — Ўқитучимиз, бу байрам бутун дун'ё меҳнаткашларининг байрами, ҳарким уни бирор нарса блан нишонлаши керак деб айтди. Биз, Биринчи майгача битта ҳам ёмон баҳо қолдирмаймиз, деб мажбурият олдик. Яхши ўқийдиганлар ҳечкимда икки қолмаслиги учун қолоқларга ёрдам берадилар.

— Бу-ку, мактабда бўладиган иш-али — деди Бронек. Лекин мен яна бирор иш қилсак девдим...

— Нима қиласардик, — деб сўради Галина. — Ахир биз ҳечнарсани билмаймиз-ку.

Бу пайтда Марися Шимчакувна худди ўша заводга олиб борадиган лой йўлга қараб турган эди. Тўсатдан у бир иргишлаб, қувонч блан:

— Топдим! Топдим! Келинглар, йўлни тузатамиз! — деб қичқириб юборди.

— Қайси йўлни? — деб сўрашди болалар.

— Мана бу завод йўлини-да. Одамлар уни алла-қачондан бери тузатмоқчи бўлиб юришибди. Уйимизда белкурак блан замбилғалтакларимиз бор-ку. Замбилғалтакда шлак ташиб келиб, ўнқир-чўнқирларни тўлдирамиз, текислаймиз, тепкилаймиз-да, яхши йўлка қиласиз.

— Қойил! Тезроқ бошлайлик бўлмаса! — деб бақириди Бронек.

— Мен физиллаб бориб замбилғалтак олиб келаман, — деди Марися. — Бронек, сен белкурак ёки куракча олиб кел, қўшниларингдан яна уч-тўртта сўраб кўр... — У бошқа болаларга қараб: — Сизлар ҳам уйдан нима топсанглар олиб келаверинглар: белми, куракчами, ҳаскашми...

Бир соатдан кейин заводга олиб борадиган йўлда

аллақанча бола түпланди. Улар замбилғалтакларга белкурак блан күмир кукуни ортишар, уни тупроқ йўлга олиб бориб, лой устига афдаардилар. Сўнг улар шағал ташидилар, янги қатламни ҳаскаш блан текислаб, устидан иложи бўлганча яхшилаб тепкиладилар.

Болалар шовқин-сурон қилишар, қаҳқаҳлаб қулишар эди, броқ иш ҳам тез борарди, чунки Бронек ҳечкимнинг ялқовлик қилишига йўл қўймас, ҳаммани қистаб туради.

Болалар йўлнинг анчагина ерига шағал блан кўмир тўкиб қўйишиди.

— Бугун тугатаолмаймиз, — деди Бронек.

— Зараги йўқ, — деди Марися. — Эртага мактабдан кейин шу ерда тўпланиб, яна ишни давом этдираимиз. Қечикмай келинглар! Узрли сабаб бўлсагина келмаслик мумкин, — деди Марися, худди ўқитучилардек жиддий қилиб.

Баҳор оқшоми кириб, овқат маҳали бўлиб қолгани учун болалар уй-уйларига тарқаб кетишиди.

Эртаси куни улар дарслар тугаши бланоқ тўпланишиди. Ҳали мактабга қатнамайдиган кичкина Стефан аллақачондан бери болаларни кутиб туради. У ҳам катта болалар блан баравар ишлашни истар, ҳали ёшсан, деб оғир замбилғалтакни бермасалар йиғлар эди.

Болалар яна йўлга шлак ташиб солишга, текислаб, шиббалашга киришдилар. Сапсариқ қуюқ ботқоқлик аста-секин йўқолиб, қаттиқ, қуруқ, кенг, ҳувур қилиб юрадиган йўлга айланабошлади.

Болалар бироз чарчашибди, лекин ҳечким ишни тұхтатмади, ҳамма йўлни тезроқ битказсак дерди, иш эса, ҳали-вери тугайдиган эмасди.

Завод йўлида иккита киши кўрингандан Бронек тўсиқ ёнидаги каттагина қора уюмдан замбилғалтакка шлак солаётган эди. Улар яқинроқ келиб, болаларнинг ишига разм солабошладилар. Биттаси металлурглар киядиган кўк уст-бош, иккинчиси эса од-

дий костюм кийган эди. У кенг елкали, барваста киши бўлиб, кўзига сербар қорагардишли кўзойнак таққан, қўлтиғига портфель қистириб олган эди.

— Бу болалар нима қилишаяпти ўзи? — деб сўради ишчи кийимидағиси. — Шлакни кавлаб, ташиб кетишга ким рухсат берди уларга? Бу қандай гап ўзи?

— Нима қилаяпсизлар? — деб сўради ҳалиги портфель кўтаргани, Бронекдан.

Болалар хижолат бўлиб, тўхтаб қолишиди. Бронек кўмир кукуни тўлатилган замбилғалтак ёнида, Марися белкурак ушлаганича турардилар, қолганлари сал чўчиб, бир жойга ғуж бўлиб олишганди.

Тўсатдан кичкина Стефан олдинга чиқиб, ингичка товуш блан деди:

— Биз, одамлар лойдан юрмасин деб йўлни тузатаяпмиз. Биз...

У яна алланарса демоқчи эди-ю, броқ афтидан юраги дов бермади.

— Биз Биринчи майгача шу йўлни тузатамиз деб мажбурият олганмиз, — деб унинг сўзини тугатди Марися.

— «Биз» — деганинг ким? — деб сўради портфельли киши.

— Биз — деганим — болалар. Анави уйларда турадиган болалар...

— Бу ердан шлак олишга ким рухсат берди сизга? — деб сўради ишчилар кийими кийган киши.

Ўртоғи унга жим тур дегандек ишора қилди.

— Ҳм... Йўл қилаяпмиз денг... — деб яна гап бошлиди у. — Ўзинглар удда қилаолармикинсиз? Умуман, чакки эмас, — деди у, йўлга қараб қўйиб. — Ёмон эмас, фақат бўш шиббаланипти. Гап бундай, йўлни тузатаверинглар, биз эса ёрдам берамиз. Бошдан-оёқ шлак ётқизиб бўлганинглардан кейин заводдан одам юборамиз. Йўлингларни ёғоч шибба блан жуда мустаҳкам қилиб шиббалаб беришади. Лекин шлакни ҳамаёқقا сочиб ташламанглар, доим бир жойдан олинглар.

— Ўртоқ директор... — деб гап бошлади ишчи.

Броқ директор яна унинг гапини бўлди ва болалар блан қизғин хайрлашди.


— Муваффақият тилайман, — деди у кетаётиб. — Меҳнат — иззат ва ҳурматга сазовор!

Болалар унинг:

— Ана, кўрдингми, улар бизни уялтириб қўйишиди Биз аллақачон шу йўлни тузатишимиш керак эди. Бу бизнинг вазифамиз. Энди бўлса, улар бошлаган ишни, биз охирига етказишимиз лозим, — деганини узоқдан эшишиб турадилар.

Иш Биринчи майдан олдиноқ тугатилди. Энди ҳамма ишчилар заводга қулай, мустаҳкам, қуруқ йўлдан борардилар. Унда ҳатто велосипед миниб юрса ҳам бўлади.

Ўшандан бери болалар заводга олиб борадиган бу йўлни оғизга олганда «бизнинг йўл» деб гапирадиган бўлиб қолишган.



ВЕРОНИКА ТРОПАЧИНСКАЯ ОГАРКОВА

ПРЕЗИДЕНТ БЕРУТ ҲУЗУРИДА ЗИЕФАТДА¹

Стефек уйига қараб шундай тез югуриб борар эдики, гоҳ-гоҳ энтикиб қоларди. Унинг қичқиргиси, ашула айтгиси келарди. Бугун дарс тугагач синфга мактаб директори кириб:

— Қани, Стефан, тайёрлан. Эртага Варшавага жўнайсан. Президентимиз сени Бельведерга² эрталикка таклиф қиласяпти, — деди.

Стефек ўрнидан турди, алланарса демоқчи бўлди, тутилиб қолди ва уялганидан тескари ўгирилиб курсига ўтириб олди. Афтидан директор ундан кулаётганга ўхшайди.

Лекин директор ундан кулишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Гап ҳақиқатда ҳам шундай.

Польша президенти Болеслав Берут энг яхши ўқучилардан — ўқиш илғорлари ва энг актив жамоатчилардан беш юз болани дўстона суҳбат қилиш учун ўз ҳузурига чақиртирган эди.

— Стефан ўқишда илғорку, тўғрими? — деб сўради директор.

— Тўғри! Тўғри! — деб қичқиришди болалар.

— У мактаб ташкилотларида ҳам ҳаммадан яхши ишлайди-а, тўғрими?

¹ Ҳикоя қисқартиб олинди.

² Варшавадаги Польша Ҳалқ Республикасининг президенти яшаб, ишлайдиган бинонинг номи.

— Тўғри, тўғри!

— Мактаб деворий газетасининг энг актив мухбири, тўғрими?

— Тўғри, тўғри!

— Ундай бўлса, Стефек, йўлга тайёрлан. Сен блан бирга қишлоғимиздан яна уч бола жўнайди. Президентга ишлабчиқариш кооперативимизни ва экин экишни муддатидан бир ҳафта илгари тамомлаганимизни айтиш эсингдан чиқмасин.

— Мактабимизни кооператив ремонт қилиб берганини ҳам айт. Эшилдингми, Стефек? — деб тайинлашди унга болалар.

— Деворий газетага кўпроқ материал олиб кел. Эсингдан чиқмасин!

Мана энди Стефек уйига қараб елдек югуриб бораркан, Варшавага борганда ўз қишлоғи тўғрисида нималар гапириб беришини ўйларди. Айтадиган гапи шундай кўпки, қулоқ солучи киши топиладими, йўқми — буни у ҳеч тасаввур этолмайди. Ахир Варшавага бир ўзи бормайди-ку, беш юз бола-я, улар орасида Стефек ҳам бор! Ойим эшитса жуда хурсанд бўлади-да! Отам-чи! Стефек яна ҳам тезроқ югуриб кетди.

У уйга қизариб, бўртиб кетган ҳолда, халлосланча кириб борди. Лекин унга ҳечким аҳамият бермади. Отаси кооператив раиси Қосмаля блан сўзлашиб ўтиради, онаси эса уйда йўқ эди. Стол ёнида Стефек танимаган бир деҳқон ўтиради. Қўшни қишлоқдан келган бўлса керак. Стефек ўз бурчагига ўтди. У ерда Стефекнинг китоб полкаси, деворга тақаб қўйилган столчаси ҳамда қўлда ясалган стул туради. Стефек китобларини полкага қўйиб, бироз нафасини ростлаб олиш учун ўтиради. У қулай фурсатни кутар, янгиликни отасига тезроқ айтгиси келарди. Лекин қулай минут ҳадеганда келақолмади: отаси гап блан овора эди.

— Нима бўпти? — деб сўради қўшни қишлоқли деҳқон.— Шу қоғозни олиб юриб, қўл қўйинглар деб

сўрашми? Бу ҳозир кимнинг ҳам хаёлига келарди? Одамлар далада, ҳамманинг иши бошидан ортиб ётипти, улар бизнинг келишимизни кутиб ўтиришипти, деб ўйлайсизми?

— Зарари йўқ, Войцех, даладан ҳам қидираверамиз,— деб жавоб берди отаси.— Топамиз, даланинг ўзида қўл қўйишади. Янги униб чиқаётган экинларига қараб туриб қўл қўяверишади.

— Кимга керак бу? — деб тўнғиллаб қўйди Войцех.

— Кимга керак деганинг нимаси? — курсида ўтирган ерида бир ирғиб тушди кооператив раиси.— Менга керак эмасми? Унга-чи, (у Стефекнинг отасини кўрсатди), унга керак эмасми? Наҳотки мана бу ўғилчага ва сизнинг болаларингизга керак бўлмаса, Войцех? Тинчликни ҳимоя қилиш мурожаатномасига ҳар бир киши қўл қўяди. Мен сизга айтай, ҳар бир соғвижданли киши қўл қўяди! Войцех, бизнинг ватанимиз учун, сиз блан биз учун тинчлик нима эканини биласизми?

-- Ҳа, нима бўпти... ма'лум, ишлайапмиз...

— «Ишлайапмиз» эмиш! Сиз бизнинг қандай ишлаетганимиз тўғрисида ўйлаб кўрганмисиз ҳеч?

Войцех энсасини қашлади:

— Очиғини айтганда, ўйлаб кўрганим йўқ. Ўйлаб ўтиришга вақтим борми менинг? Ўз ишимни бажарајпман, менга шунинг ўзи ҳам етарли.

— Бу озлик қиласи, Войцех, озлик қиласи! Мурожаатномага имзо тўплашни бошлишим блан, сиз менга кўрсатилган райондан бўлмасангиз ҳам, қўл қўйдиришга дастлаб сизникига кираман, ўшанда тинчликни сақлаш учун бизнинг Польшамизда нима яшлар қилинаётганлигини батафсил сўрайман.

— Бирданига имтиҳон экан-да! — деб кулди Войцех.— Мен сизга шундай ҳам ишонаман, қўл қўяман.

— Гап ишониша эмас, билишда! Тушундингизми! деб кооператив раиси столга мушти блан бир урди.— Билиш ва тушуниш керак, Войцех! Бу ишониша қа-

раганда кучлироқ... Стах, менга қара,— деди у, Стефекнинг отасига қараб: — мен кооперативга деб келтирган фотосуратлар сендами? Бекорга гап сотиб ўтиришнинг нима кераги бор! Модомики қўшнимиз, қўнгил очиб суҳбатлашгани кирган экан, қишлоғининг теварагида нима ишлар бўлаётганини бир кўрсин. Ўзида ишонч ҳосил қиласин.

— Суратларми? Бўлмасачи, бўлмасачи! Улар шу ерда... Олиб бер, Стефек! — Отаси Стефекнинг шу ердалигини эндиғина пайқади.— Шкаф устидаги ёғоч қутида. Ҳа, ўзинг биласанку...

Стефек буни билар эди. У раис Варшавадан олиб келган фотосуратларни отаси блан бирнечча марталаб кўрган. Улар қишлоқ қироатхонасини ва кооператив а'золари мажлис ўтказадиган хонани безатишга мўлжалланган эди. Бинонинг ремонти тамом бўлмаганидан фотосуратлар вақтинча шкаф устида ётар эди.

— Буёққа олиб бер уларни,— деди қўлинин чўзиб отаси.

Аммо Стефекнинг ўзи стол ёнига бориб, конвертдан шахталар ва фабрикаларнинг фотосуратлари, янги қурилишлардаги тахталар ёнида турган ишчиларнинг, тўқиши станоклари ёнида турган аёлларнинг портретларини олабошлади.

Кооператив раиси Космаля блан отаси уларни эҳтиётлик блан олиб, Войцехга кўрсатабошладилар.

— Кўраяпсанми, оғайнин!—деди Космаля. — Кузда жуда ҳам оз олганинг учун ўтган ой яна қўшимча келтирган қўмиринг ана шу шахтада қазиб чиқарилган. Мана бу фабрикада эса, ўтган йил Лодзъга экспурсияга борганимда мен ўзим бўлганман. Марисянг юбка қиласан деб кооперативдан сотиб олаётган метр-метр газламалар ўша ердан келади... Сабр қилиб тургин-а... Домнанинг сурати қани ҳали? Йўқ, Стефек, бу эмас. Ҳа, мана экан. Қишлоғингларда давлат қишлоқ хўжалиги бор. Унинг теплицасига кокс керак-а? Керак. Ана ўша коксни сизлар мана бу

ердан оласизлар. Аммо буни ким ишлаб чиқарган, у қандай ишлайди? Газетадан ўқи.

— Мен билмайманни буни? Ёруғ дун'ёда яшаяпман, ҳаммасидан хабардорман. Аммо буларнинг сизлар тўпламоқчи бўлаётган имзоларга нима алоқаси бор?

— Имзоларга нима алоқаси бор дейсанми? Қулоқ сол, Войцех. Агар империалистлар дун'ёни яна уруш гирдобига тортмоқчи бўлсалар худди ана шу чеккан имзоларимиз тинчликни бузмоқчи бўлганларга биз — кончилар, тўқимачилар, ҳарф теручилар, металурглар, дехқонлар, темирийўлчилар миллионларча, ўн, юз миллионларча эканимизни, «йўқ, бунга йўл қўймаймиз», дейишимизни, айтадилар. Имзони Станислав, мен, ҳамда кооператив секретари тўплаймиз. Лекин бутун Польшани йифиб келганда бундай Станиславлар — мингларча, бутун ер юзида эса миллионлаб топилади! Тушунаяпсанми, Войцех? Миллионлаб-а, бу ҳазил гап эмас! Кўриб турарсан, бир йил ўтмасданоқ, чорак миллиард имзога эга бўламиз.

Войцех суратларни тамоша қилишдан тўхтади.

— Чорак миллиард, — деб такрорлади у. — Эҳтимол, агар ҳамма... бутун дун'ё...

— Худди шундай бўлади! — қичқирди Қосмаля.— Бу суратларни сенга нима учун кўрсатаётганимизни тушунаяпсанми энди? Бу ерда биз тракторларда, ишчилар эса, шахта ва заводларда ҳар куни, кун сайин тинчлик учун курашаётганимизни ҳамма билиши керак. Бизнинг меҳнатимиз мамлакатни мустаҳкамлайди. Тўғрими, йўқми? Бизнинг мамлакатимиз — биз ҳаммамиз — тинчлик лагеридамиз. Тинчликнинг қудратли лагеридамиз, Войцех! Келажак бизники, сўнгги қат’ий ғалаба бизники бўлади.

— Биз тинчлик мурожаатномасига нима учун қўл қўямиз?

— Ҳали ҳам англаб етмаганларга биз тинчликни сақлаш учун курашажагимизни айтиш учун, равшанми?

— Ҳа,— деб кулиб юборди Войцех,— беш қўлдай равшан. Имзо тўплашга кетаётганда мени ҳам бирга олакетинглар. Мана бу суратларингизни яна бир кўрай...

Сўнг улар янгитдан суратлар устига энгашдилар.

Стефек ҳам энгашди. У шахта, фабрика, самоат корхоналари, завод корпусларининг суратини бир-бир тахлар экан, ишчиларнинг кулумсираб турган қат’ий, очиқ юзларига қараб тўймас эди.

Назарида, атрофида биринчи май парадида кўча-да минг-минглаб қувноқ ҳалқ тўлқини орасида кетганидаги сингари алланарсалар гувиллаб, шовқин со-лаётгандай бўлди.

Ёшлар меҳнат кишиларининг улуғ шиорини так-рорлар эдилар: «Тинчлик! Тинчлик! Тинчлик!»

«Тинчлик, тинчлик, тинчлик!» дея садо берарди бу шиор ҳозир Стефанинг қалбида. Шу вақт бугунги кунининг улуғ янгилигини ҳалигача отасига айтмагани эсига тушди. Эртага жўнаб кетиши керакку, ахир. Поезд эрталаб барвақт жўнайди. Стефек жуда кич-кинтий пайтларидаги каби дадасининг бўйнидан қу-чоқлаб, секингина деди:

— Дадажон, мен эртага Варшавага, президент ол-дига жўнайман. Мактаб юбораяпти. Дириектор айтди.

Отаси, бу янгиликка ишонса бўладими, деб сў-раётгандай, ўғлини ўзидан салгина нари итариб, унга мулойимгина назар солди. Сўнг меҳрибонлик блан самимий жилмайди.

— Ўқишилформан дегин? Жуда яхши, ўғлим. Қайтиб келганингдан сўнг мен блан бирга уйма-уй юрасан. Йкковлашиб тинчлик мурожаатига имзо тўплаймиз. Одамларга Варшавада кўрганларинг ҳа-қида, президентимиз ҳақида сўзлаб берасан.

— Нима гап ўзи? — деб сўради Космая.

— Польшанинг президенти олдига бизнинг коопе-ратив ва мактаб ҳақида рапорт бергани кетаяпти,— деди кулиб отаси. Ўғлининг муваффақиятидан жуда

хурсанд бўлгани унинг чехрасидан очиқ кўриниб турарди.

* * *

Варшава Стефанни ҳилпираб турган байроқлар, қувонч ҳамда кайфичоғлик блан кутиб олди. Ҳамма байрамга тайёрланарди.

«Биз ҳечнарса кўролмаймиз-да! — деб ўйларди Стефек.— Байрамга келдик, байрамда жўнаймиз ҳам. Кейин одамларга гапириб берадиган нарса ҳам бўлмайди».

Лекин Стефек янгишган эди. Байрамга тайёргарлик бораётганига қарамай, шаҳарда иш тўхтамаган эди. Группанинг раҳбари болаларни шаҳарга олиб борди. Улар бир кун ичида жадал сур'атда қурилаётган бинода, босмахонада ва тикув фабрикасида бўлдилар. Жадал сур'атлар блан олиб борилаётган қурилиш болаларда айниқса кучли таассурот қолдирди.

Стефекнинг ўртоғи Валек учта ғиштчининг тезлик блан қилаётган ҳаракатига ҳайрон қолганидан:

— Ғишт учади-я уларнинг қўлида! — деб қичқирди.

— Бу янги усул, билдингми? — деб тушунтириди унга Стефек, чунки Стефек газеталарни ўқиб борар, ўз қишлоғидан туриб марказдаги жадал усул блан ишловчиларнинг ишини кузатар эди. Бир вақтлар уй қуриш йиллаб чўзилар эди, энди эса қурилиш муддати ойлаб эмас, балки ҳафталаб ва кунлаб ҳисобланади. Бу ерда ҳарбир минут қимматли.

— Бизга ёрдамга келинглар! — деб мулойимлик блан кулишарди ғиштчилар ҳазиллашиб.

Болалар, албатта, йўқ демас эдилару, лекин вақтлари зиқ эди. Улар яна қанчадан-қанча нарсаларни кўришлари керак.

Стефек босмахонадаги каттакон ротацион машина олдида шунча кўп туриб қолдики, уни уердан деярли судраб олиб чиқиб кетишга тўғри келди. У машина-

нинг ўзи тортиб олаётган силлиқ тахта қофозлар қандай қилиб машинанинг нариги чеккасидан тайёр газета бўлиб чиқишини билиб олишни жуда-жуда истарди.

Тикув фабрикасида бўлса у бир кесишда бирнеча ўн қават материяни бичиб ташлайдиган электр пичоғининг ажойиб ишини ва аёллар бошқараётган бошқа машиналарнинг ишини тамоша қилди, Стефек ҳаддан ташқари хурсанд эди.

— Мен бўлсам нуқул,— деди у, яна ўқитучига,— планни қандай қилиб ортиғи блан бажариш мумкин экан, деб ажабланардим! Энди билиб олдим! Шундай машиналар ва бу машиналарни моҳирлик блан бошқараоладиган кишилар бор экан, ҳамма нарса тушунарли.

— Асосан, бизда бундай кишилар бор экани учун,— деб Стефекнинг фикрини қувватлади ўқитучи.— Стефек, бизда ажойиб ишчилар бор. Улар уч йиллик планни ошириб бажардилар. Кўриб туарсан, олтийиллик планни ҳам ошириб бажарадилар.

Кеч ҳам кирди, чарчаган болалар янги қурилган Шарқ-Фарб трассасини ҳам тамоша қилишида-да, Висла дар'ёси устига янги солинган Силезск — Домбровск кўпригининг зинапояларига ўтиришди. Майдамайда тўлқинлар кўприк устунига келиб урилиб парча-парча бўлиб кетарди. Кўчалардаги чироғлар юлдузлардан ҳам равshan порлаб туради. Стефек яна ҳаяжонланабошлади.

— Хўш, болалар, дам олдингларми? — деб сўради ўқитучи.

— Ҳа, энди кетсак ҳам бўлади,— деб жавоб беришди болалар, зинапоялардан турар экан.

— Яна бир минут,— деди Стефек.— Бу ерда иш ўтган йилдаёқ тугалланган, тўғрими? Аммо беш йил аввал бу ер ҳали кўрган жойимиздай харобазор бўлган бўлса керак-а?

— Ҳа, Стефек, беш йил аввал бу ерлар ҳали кўрган жойимиздан ҳам баттар харобазор эди. Бу ер-

лар ҳақиқиӣ тош саҳроси, ўлим саҳроси эди. Бугун эса бу ерда ҳаёт булоқдаӣ қайнамоқда. Чунки ҳозир тинчлик — тушундингми? Шунинг учун, болалар, ҳамиша тинчлик учун курашайлик!

* * *

Болалар Бельведернинг балкони ёнида тӯпланишиди. Ҳаво очиқ, кун иссиқ. Дараҳтларнинг кўмкўқ япроқларида ложувард шу'ла ўйнар, худди шиша каби товланарди. Қуёшда чатнаб ёрилаётган куртаклар хушбўй ҳид таратиб туради. Бўғиқ шовқин бир кучайиб, бир пасаярди. Болалар олган таассуротларини ўртоқлашар, бир-бирлари блан тезда танишиб олардилар. Ёнларида турганлар блан бир-икки оғиз гаплашгач жим бўлар ва президент чиқиши керак бўлган балконга янгитдан кўз югуртиришарди.

Чуқур жимлик чўқди. Бу ерда беш юз бола — мамлакатнинг ҳамма еридан келган беш юз делегат тӯпланганига ишониш қийин эди. Болалар зўрға нафас ростлар эдилар. Президент маршал Рокоссовский ва премьер Циранкевич блан бирга чиқиб келди.

Қувончли табрик ҳайқириқлари жимликни ёриб ўтди. Оркестр Польша ҳалқ республикаси давлат гимнини чалабошлади.

Президент болаларга нутқ блан мурожаат этиб, уларни меҳмон сифатида қабул қилаётганидан хурсанд эканини билдириди. Айниқса у йигилганларнинг ўқиши илғорлари эканидан мамнун эди.

— Ўқиши илғорлари — келажакдаги меҳнат илғорларидир. Сиз мактабларда ўқиб, келгусидаги ишларингизга тайёрланасиз. Иш эса, Польшада жуда кўп! Польша сизларни кутади. Сиз бизнинг ишончимизсиз. Сиз бизнинг фахримиз, шон-шуҳратимиз бўлишингиҳизни истаймиз,— деди президент.

Кейин у болаларнинг эҳтиёжи ва интилишлари, уларни нималар қизиқтириши ва нима ҳурсанд қилиши ҳақида суҳбатлашиш учун уларни парк сайрига таклиф этди.

Болалар президент атрофини жипс ўраб олишиди, уларнинг ҳарбири унга яқинроқ боришини истарди.

Ниҳоят, президент бир группа болалар блан парк-нинг ичкарисига қараб юрди. Бошқалар маршал Рокоссовский блан премьер Циранкевични қуршаб олишиди.

Стефек бироз кейинда қолди. Чунки унинг ручкаси бузилиб қолган эди, бунинг устига, чўнтағидан блокнотини ҳеч ололмасди. Ахир буларсиз у қандай қилиб деворий газета мұхбири бўлаолсин? Мана, ниҳоят, у ҳаммасини тўғрилаб олди ва президентга етиб олиш учун юргурганча кетди.

Болалар шундай ғуж бўлиб олишган эдики, президентга яқин боришининг иложи йўқ эди. Броқ, афтидан, унинг автомат ручкаси блан блокноти болаларга та'сир кўрсатди шекилли, уни кўриб йўл бўшатдилар.

Президент суҳбат орасида бир боладан:

— Сен қайси флотда ҳизмат қилмоқсисан — ҳарбий флотдами, граждан флотидами? — деб сўради.

Болалар ҳамма саволларга тортинимай жавоб беришарди. Қишлоқдан келганлар экишнинг тугагани, тракторчилар бригадасининг қишлоққа катта ёрдам қилгани ҳақида гапирап эдилар. Стефекнинг ҳам ўзишлабчиқариш кооперациялари ҳақида ба'зи нарсаларни сўзлаб бергиси келди, броқ шу пайт қандайдир бир бола мактабларидаги ҳамма бола ашула айтиб, ўйин тушишини айтиб қолди.

«Бунинг нимаси қизиқ экан? — деб ўйлади Стефан.— Ашула айтиб, ўйин тушиш ҳам катта иш бўлиптими! Ахир улар қай пайтда ўқишиади?»

— У қандай мактаб ўзи? — деб сўради президент, афтидан, у ҳам боланинг гапига ажабланиб.

Аммо масала осонгина ойдинлашди: бу музика мактаби экан!

Болалар президентга ўз планлари ҳақида бир-бirlарига гал бермай, чуғурлашиб гапиришарди. Стефек ўз деворий газетаси учун ҳечнарса ёзиб улгурмасди.

Ростини айтганда, у айрим нарсаларни хотира учун ёзиб олишни унуди. У ўзи ҳақида бирор нарса айтиб беришни шундай истардики, асти қўяверасиз! Ўзининг қишлоқда қандай яшаётгани, шу вақтгача ўз қишлоғидан бошқа ҳечқаерни кўрмагани, биринчи марта бунчалик олисга сафар қилгани, Варшава ҳам, байроқлар ҳам — кеча бу ерда кўрганларининг ҳаммаси унга жуда ёққани ва булар та'сирида юраги қаттиқ-қаттиқ тепаётгани ҳақида сўзлаб бергиси келарди.

Лекин буларнинг бирортасини сўзлашга имкон бўлмади. Болалар олға югуриб кетишди, у яна ёлғиз қолди.

Мана, энди ҳамма скамейкада ўтирипти, президент ўртада; қўшиқ овозлари янграйди. Ўз болалар группаси блан маршал Рокоссовский, унинг кетидан премьер Циранкович ҳам этиб келдилар. Маршал нимадир демоқчи бўлди, лекин кичкина бир қизча гапни илиб кетди. У оёқ учига кўтарилиб маршалнинг орденларига қўлини теккизди-да, маршал бу орденларни қандай олганлигини сўради. Энди бу савонни ўнларча овоз такрорларди.

Маршал мулойим, ма'ноли кулумсираб, болаларга ҳарбири мардлик, жасурлик, саботлилик ва машаққатли жанговар меҳнатдан дарак бериб турган энсизгина орден лентачаларини ушлаб кўришга рухсат этарди, унинг кулгиси юракларни мафтун этиб туради.

Лекин болалардан бири, вақти келиб, мен ҳам шунча орден оламан, деганда маршал:

— Болалар, сиз бундай орденлар олмаганингиз ҳам яхши, меҳнат орденлари олишга ҳаракат қилинглар,— деб жавоб берди.

Болалар жим бўлиб қолдилар. Кулиб турган юзлар бир дақиқа синиқандай туюлди.

Маршал жим бўлиб қолган болаларга қараб кулумсиради. Бу табассум: биз курашиб, тинчлик бўлишига эришамиз, уни қўриқлаймиз, тинчлик учун иши-

лаймиз, бугунги кундаги вазифамиз тинчликпидан мустаҳкамлаш учун ишлашдир, деб турарди. Болалар, меҳнат орденлари олишга ҳаракат қилинглар!

Баланд бўйли, қадди-қомати келишган маршал ўзини гулчамбар сингари ўраб олган болалар қуршовида Бельведер томон борар эди. Болалар унинг атрофида ғуж бўлиб, кителининг баридан тутиб боришар ва ҳарнарса тўғрисида суриштираверар, суриштираверар, суриштираверардилар.

Стефек скамейкада ўтирганича қолди. У ўзини нима учундир ғамгин сезар, лекин руҳи тетик эди. Нимага бундай бўлаётганини ўзи ҳам тушунаолмас эди. У бошини қўллари устига қўйиб, ўз вазифасини бажармаганини — президентга ўз кооперативлари, тракторлари ҳамда мактаблари тўғрисида ҳечнарса айтмаганини ўйларди.

Унинг кўз олдида қадрдан қишлоғи, ўтган йил трактор ишлаган, яқинда эса, комбайн ҳам ишлай-бошлайдиган кооператив далалари, оппоқ мактаб биноси намоён бўлди, мактабни ремонт қилишга ишлабчиқариш кооперативининг а'золари ёрдам беришди. Стефекнинг кўзига ўз отаси блан фотосуратлар устига энгашиб турган кооператив раиси Космаля кўринди. Улар Войцехга унинг, Стефекнинг ватанида тинчликни мустаҳкамлаш иши қандай бораётганини тушунироқдалар. Президент: «Халқ Польшаси ҳамма нарсадан ҳам меҳнатни афзал кўради», деди. Демак, унинг меҳнати ҳам, бирнече кундан кейин тинчлик комитети делегати сифатида Стокгольм Мурожаатига имзо тўплайбошлайдиган отасининг меҳнати ҳам, Космалянинг меҳнати ҳам, хўжайкалар кружогининг бошқа а'золари блан бирликда уларнинг кооперативида болалар боқчаси ташкил этаётган онасининг меҳнати ҳам, қишлоқларини электрлаштириш устида ишлаётган механикларнинг меҳнати ҳам ҳамма нарсадан афзал.

Ахир ҳарбир меҳнаткаш халқлар Польшасининг хўжайини-ку.

Стефекнинг ўзичи?

Мана, президент: «Сизлар ўз ўқишингиз блан келажакдаги меҳнатга тайёрланасизлар», деди.

«Яхши тайёрланаман! — деб хаёлидан ўтказди Стефек.— Гапирса арзигулик гаплар бор! Ҳаммаси бўлиб учта беш-ку!»

Шунда Стефек шундай бир иш қилгиси келдики, бу иши чини блан унга инсон қўли «тинчлик ва меҳнат» деган сўзларни гигант биноларга, асфальтланган тептекис шосселарга, шахта ва домна печъларига айлантираётган улуғ мамлакатнинг ҳақиқий граждани деб ҳисоблаш ҳуқуқини берсин. Стефекнинг ҳам бу катта, улуғ ишга ўз ҳиссасини қўшгиси, жадал усулда ишловчи фишт теручилар бланми ёки кўчаларни харобалардан тозалаётган машиналардами ишлагиси келарди.

Агарда Стефек дадилроқ бўлганида, у президент олдига бориб, ўзига биронта топшириқ беришини сўрарди.

Лекин бунга унинг юраги дов берармиди? Албатта йўқ! Усиз ҳам аллақанча болалар президент атрофини гуж бўлиб ўраб олишган, унга яқин бориб ҳам бўлмайди.

Стефек ўйлайвериб ғовлаб кетган бошини бир қўлидан иккинчи қўлига олиб қўйди.

Шунда бирдан тепасидан:

— Ўғилча, сен нега бундай қилиб ўтирибсан? Бирор нарсадан хафа бўлдингми? — деган таниш, ёқимили овоз эшитилди.

Стефек ўгирилиб қаради. Унинг олдида болалар қуршаб олган президент Берут тураг эди.

— Йўқ, гражданин президент, мен фақат...

— Майли, майли, зарари йўқ! Бирор нарсани ўйлаётшибидинг? Ўйлайдиган нарсалар кўп-а, тўғрими? Юр, энди залга борайлик, у ерда ҳукумат совғаларини оласан.

Президент Стефекни бағрига босди, Стефек давранинг энг ўртасида қолди. У президентнинг қандай-

дир бир бола блан қилаётган сұхбатига қулоқ солиб, у блан ёнма-ён борарди. Сұхбатнинг дўстона оҳангари Стефекка бир лаҳза отасининг ўз уйларига кирганди бирорта дўсти блан қиласидиган сұхбатини эслатди. Мана ҳозир эшик очилиб, онаси кириб келади.

Броқ онаси бу ерда эмас, ўзи бўлса кўмкўқ, серқуёш Бельведер паркида юриб, яна ҳалиги ёқимли овозни эшиштаяпти:

— Хўш, қалай? Дурустмисан? Биз блан бирга бўлиш сенга ёқдими? Отинг нима?

— Стефек. Бешинчи синфда ўқийман.

— Биз блан бирга бўлиш яхшими?

— Яхши, яхши бўлгандан қандай! — Стефек тўсатдан хандон солиб кулиб юборди.

— Ундаи бўлса жуда хурсандман, Стефек, жуда хурсандман...

Кўп ўтмай президент баҳтли, ҳаяжонланган болалар блан хайрлашди. У ўқитучиларга ёшларни тарбиялашдаги хизматлари учун, болаларга эса — ўқишида муваффақиятларга эришганликлари учун ташаккур айтди, келгусида янада юксак муваффақиятларга эришишларига ишонч билдириди.

«Эришамиз! — деб ўйларди Стефек.— Албатта, эришамиз! Бунга сўз бераман».

Янграётган табрик ва ва’да садолари тинди, миллий гимн чалиниб бўлди, Стефек эса ҳамон:

«Эришамиз! Сўз бериб айтаманки, бунга эришамиз!» — деб такрорларди.

Болалар конфет ўралган тугунча ва китобчалар кўтарган ҳолда ўзлари учун ионушта тайёрлаб қўйилган залга қараб боришарди.

Шаҳардаги ҳамма уйлар байроқлар блан безатилган. Оқ-қизил ва қизил байроқлар баҳор шамолида шитирлаб ҳилпирайди. Давлат советининг биносига кираверишда икки томонга жойлашган оркестрлар табрик маршини чаларди.

Залдаги столлар гуллар блан безатилган. Ваза-

ларга апельсин, конфет, пирожноелар төг-тор қилиб ўйиб қўйилган.

Стефекнинг жойи зал ўртасида турган катта стол ёнида эди. Тўлқинланган, хушчақчақ Стефек ёнида ўтирган ҳамқишлоғи Валек Заганякинни кўриб қолди.

— Ҳа, Стефек,— деди у,— борганда ҳаммасини қишлоқдагиларга айтиб берамиз, хўпми?

— Ҳа!..

— Сен кўп нарса ёзиб олдингми? Мен ҳечнарса ёзиб ололмадим-ку.

— Ба’зи нарсаларни ёзиб олдим...

Столдаги кўзни қувонтириб турган гулларга, чирошли вазалардаги конфетларга қарар экан, Стефек Бельведер паркида сайд қилганларида нима учун қишлоғи (шу-шу қишлоғи ҳақида, президентга гапириб беришига фурсат тополмади) ёдига тушганини яхшироқ тушунди.

Бу чирошли зал ҳам, у бугун бошидан кечирганлари ва кеча кўрганлари — ўрмондаги дараҳтлардай зич янги қурилишлардаги ғишт теручилар, фабрикалардаги ишчилар, бинолар тепасидаги байроқлар ўз ишлабчиқариш кооперативларининг далаларидағи тракторлар — ҳаммаси бир бутунликни ташкил этади-ку, бу — унинг ватани! — мактабда ўқитучи шундай деган эди.

«Ватан» — деди Стефек, секингина. Бирдан у юқорида турган президентни кўрди.

Президентни табрик тўлқинлари қарши олди. Болалар катталарни эргаштириб, ўринларидан туришди. «Тинчлик! Сталин! Берут! Тинчлик!» — деган ҳайқириқлар қўшилиб бир бутун хорга айланиб кетди.

Стефек энди халқ хўжайин бўлган ўз ватанида тинчлик барқарор бўлиши унинг ўзига ҳам боғлиқ эканлигини яхши биларди. Мустаҳкам тинчликининг барқарор бўлиши бугун Бельведерда ўйнаб-кулаётган, қарсак чалаётган, аммо эртага ўзларининг энг муҳим вазифаларини бажаришга — ўқища юксак

ютуқларга эришишга тайёр ҳолда янгитдан мактаб
парталарига ўтиручи юзларча болаларга ҳам боғлиқ.

* * *

Тўғри, Стефек, сен ҳақлисан! Ўқишида энг юксак
натижаларга эришиш болаларнинг энг биринчи ва-
зифасидир! Шунинг учун мактабда Варшавага қил-
ган саёҳатинг ҳақида ҳикоя қилганингда болалар-
га: «Биз ҳам тинчлик учун курашамиз! Биз ҳам бу
курашда енгамиз! Ғалаба биз томонда бўлади!» деб
айтиш эсингдан чиқмасин.



МУНДАРИЖА

Порлоқ истиқбол йўли (сўзбоши)	3
<i>Е. Богушевская.</i> Дауся. Т. Нажмиддинов таржимаси	11
<i>Е. Бобинская.</i> Партизан ўғли. Т. Нажмиддинов таржимаси	31
<i>Я. Броневская.</i> Ошпазлар командаси. Т. Нажмиддинов таржимаси	45
<i>В. Тропачинская-Огаркова.</i> Бошмоқ. А. Мулламуҳамедов таржимаси	58
<i>Я. Броневская.</i> Янги мактабда. В. Мақсудова таржимаси	64
<i>В. Роговский.</i> Петрек. Ш. Қўшбоева таржимаси	80
<i>М. Михальская.</i> Хеля тракторчи бўлади. С. Раҳимов таржимаси	92
<i>Б. Остроменцкий.</i> Бизнинг йўл. А. Мулламуҳамедов таржимаси	150
<i>В. Тропачинская-Огаркова.</i> Президент берут-хузурни зиёфатда.	
<i>Ш. Зухридишов</i> таржимаси	156

ЎРТА МАКТАБЛАР УЧУН

На узбекском языке

НАША ДОРОГА

Рассказы современных
польских писателей

3445

Переведено с издания
Детгиза, Москва, 1951

Госиздат УзССР—Ташкент—1955.

Редактор *P. Обидхўжасов* Техредактор *Ф. Раҳматуллин* Корректор *Ш. Қўшбовев*

Терншга берилди 12/V-1955. Босишига руҳсат этилди 12/IX-1955. Формати 60×92 $\frac{1}{16}$ —10,75
б. л.—10,75 шартли б. л. Нашр. л. 8,28. Тираж 30000, Р0811. Индекс бла Узбекистон
ССР Даълат Нашрияти, Тошкент, Полиграф кўчаси 74, Шартнома № 89/55.

Ўзбекистон ССР Маданият министрилари Ўзглашадатнинг Янгибўлдаги 2-нчи
босмахонаси, Чехов кўчаси, 3. Заказ № 609. Баҳоси 3 с. 50 т.

15869

8

